



# АМОЛОТ НИНГ КАМОЛОТИ

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, у тадрижий равишда халқимиз дунёқараш ва амалий ижтимоий ҳаётига ҳам кириб келмоқда. Республикамизда бугунги кунда 305 та республика аҳамиятига молик жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатиб, улардан 64 таси халқаро ташкилотлар мақомига эгадир. Уларнинг 48 таси жамғарма, 79 таси жамият, 5 таси сиёсий партия, 42 таси федерация, 16 таси касаба уюшмалари, 2 таси ҳаракат, 20 таси марказ, 48 таси ассоциация, 20 таси уюшма, 5 таси кўмита, яна 26 таси турли номларда расмий рўйхатдан ўтгандир. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган 2237 та жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарият қисми ёшлар муаммоларини ҳал қилишга доир турли фаолият ва тadbирларни ҳам амалга ошириб келмоқдалар.

Фуқаролик жамиятида яшайдиган баркамол авлодни тарбиялаб етиштириш мақсадида Президент И.А.Каримов раҳбарлигида давлат ва унинг органлари халқчил ёшлар сиёсатини амалга ошириб келмоқда. 2001 йилнинг апрелида Президент И.А.Каримов қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармаси замида молиявий имкониятларга эга бўлган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати тузилди.

Ҳаракат фаолиятининг асосий мақсади-ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шартшароит яратиб беришдан иборат, деб белгиланди. Ҳаракатда унинг дастурий вазифа ва мақсадларини ҳамда Низом талабларини тан оладиган, уларни амалга ошириш йўлида фаол ҳаракат қиладиган, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш ва курашишни ўзи учун ҳаётий эътиқод деб билладиган, ўқишда, меҳнатда, ҳарбий хизматда, жамоатчилик ишларида бошқаларга ўрнак бўладиган, жинси, irqи, миллати, тили, дини, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонда

тариқасида, ўн тўрт ёшдан йигирма саккиз ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқаролари аъзо бўлиши мумкинлиги қайд этилди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати давлат органлари билан ёшлар ўртасида ўзига хос боғловчи бўғин бўлди. Давлатимизнинг ёшлар сиёсатини уларга, ёшларимизнинг ўй-ташвишларини, орзу-интилишлари ва муаммоларини давлат ташкилотларига етказиб берадиган, баркамол авлодни тарбиялайдиган, комил инсонни шакллантирадиган, уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси ва ҳомийси сифатида фаолият юритадиган ташкилот мақомини олди.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда 14 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшларнинг сони 7 миллиондан ортиқроқни ташкил этади. Айни вақтда ҳаракат бошланғич ташкилотлари сони 20 мингдан ошиб кетди, улардаги ҳаракат аъзолари сони эса 4 миллиондан ортиқроқни ташкил этади. Ҳаракат таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирадиган "Камалак" Болалар ташкилоти тузилган. Болалар ташкилоти Ҳаракат Марказий Кенгаши томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият кўрсатиб, ўз фаолиятини тарбиянинг ўзига хос ёндашув ва усуллари билан фойдаланган ҳолда, болаларнинг қалби ва онига Ҳаракатнинг асосий мақсад-муддаоларини сингдиришга қаратган.

Қисқа давр ичида мамлакатда Президент И.А.Каримов ташаббуси, ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаши, мамлакат ёшларининг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислохотларидаги фаол иштироки натижасида мамлакат ёшларининг манфаатлари, орзу-истаклари ва эҳтиёжларини қондиришни ўз мақсад ва вазифаси, деб билган замонавий ва демократик тамойилларда фаолият юритувчи ёшлар ҳаракати тузилди ва у қисқа муддатларда ташкилий ҳамда ғоявий жиҳатлардан мустаҳкамланди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда ўзига хос демократик институт вазифасини ўташи билан бирга, ёшлар фаолигини оширишнинг истиқболли дастурларини ишлаб чиқмоқда. Лекин ислохотлар тобора чуқурлашиб бораётган ҳозирги

мураккаб даврда ташкилот иш фаолиятини кенгайтириш зарурияти сезилмоқда. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Республика, вилоятлар, туман ва шаҳарларда ўзининг турли муқобил "Бунёдкор ёшлар", "Парламент ёшлари", "Сиёсатшунос" каби клубларига ёшларни кўпроқ жалб этиш чораларини кўришлари мақсадга мувофиқдир. Ёшларнинг турли хил демократик институтлари кўпроқ ижтимоий-сиёсий ҳаётдан четда турган ёшларга жиддий эътибор бериши лозим.

Мустақиллик даврида кўплаб ёшлар, ўсмирлар ва болалар нодавлат ташкилотлари тузилди. Дастлаб Болалар жамғармаси шу номли халқаро ташкилот бўлими сифатида ташкил топди. Бешта сиёсий партияларнинг ёшлар қаноти тузилиб, улар ёшлар ўртасида сайловлар ва бошқа сиёсий-ижтимоий тадбирларга оид фаолиятлар олиб бормоқдалар. Мирзо Улуғбек жамғармаси кўп йиллардан буён олий ва ўрта-махсус ўқув юртлирида истеъдодли ёшлар ўртасида катта ишларни амалга оширмоқда. "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси мамлакатда ёшлар ва болаларнинг соғлиги ва саломатлигини яхшилаш учун улкан тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Мазкур жамғарма ҳомийлигида илғор хорижий технология асосидаги юзлаб болалар поликлиникалари, саломатлик марказлари, касалхоналар очилди ёки



кўплаб тиббиёт муассасаларига хориж тиббиёт технологиялари олиб келинди. Ўзбекистон фан ва таълим ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси барча олий ва ўрта-махсус ўқув юртлирида талабалар касаба уюшмаларини бирлаштириб туради. Бу ташкилот ўқув юртлиридаги талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш вазифасини бажаради. Деярли барча ўқув юртлирида талабаларни соғломлаштириш марказлари, профилакториялари, дам олиш масканлари мазкур касаба уюшмаси ҳомийлигида ишлаб келмоқда. Шунингдек, касаба уюшмасининг бошланғич ташкилотларида минглаб ёшлар ётоқхоналардаги ўзини ўзи бошқариш фаолиятида иштирок этиб келмоқдалар. Мазкур касаба уюшмаси ҳомийлигида ҳар йили ўқув юртлирида спорт мусобақалари ўтказилади, турли спорт тўғараклари эса мунтазам ишлаб келади.

Ўзбекистонда ёшлар ўртасида фаолият олиб бораётган нодавлат ташкилотлар ёшларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида минглаб тадбирлар ва анжуманлар ўтказадилар. Республика хотин-қизлар қўмитаси ва унинг вилоят, шаҳар, туман бошланғич ташкилотлари муттасил равишда ёш қизлар ва ёш оилалар ўртасида маърифий ва маънавий тадбирлар ўтказиб келмоқда. Республика "Маънавият ва маърифат" кенга-

ши ва унинг жойлардаги ташкилотлари ўқув юртлирида ва меҳнат жамоаларида ёшлар ўртасида турли маънавий ва маърифий тадбирлар ўтказиб туриши анъанага айланиб бормоқда. Турли жамоат ташкилотларининг фаолияти ижтимоий, иқтисодий, маънавий ишлар, тинчлик ва барқарорликни асраш йўлида ёшлар фаоллигини оширишга, уларда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятларини оширишга қаратилган қатор тадбирлари ёшлар фаоллигини оширишга қаратилгандир.

Лекин, шунга қарамай баъзи ёшларнинг терроризм ва экстремизм ёллаган ташкилотлар таъсирига тушиб қолаётганлиги ҳам сир эмас. Бунинг асосий сабаби шундаки, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари мамлакатдаги ишсиз ёки ижтимоий-сиёсий жараёнлардан четда турган ёшлар ўртасида етарлича иш олиб бормаётир. Баъзан улар билан оддий бир алоқа боғлаш ҳам йўлга қўйилмаганлигига гувоҳимиз. Жамоат ташкилотларидаги бундай масъулиятсизлик ва камчиликлар натижасида 1999 йили 16 февраль ва 2004 йил 29-30 мартда терроризм хуружларига баъзи ёшлар қўшилганлиги аянчлидир. 1999 йил 16 февралдаги воқеаларга баҳо берар экан, Президент И.А.Каримов қўйидаги фикрларни билдирган эди: "16

февралдаги фожиали воқеаларнинг иштирокчилари асосан ёшлар экани бизни айниқса ташвишлантиради. Бизнинг беғам, лоқайдлигимиз, ишимиздаги камчиликлар оқибатида улар жиноий гуруҳлар, экстремистлар таъсирига, диний мутаассиблар таъсирига тушиб қолган. Бу аввало сиёсий-ижтимоий соҳадаги муайян нуқсонлар, энг муҳими, ёшлар ташкилотлари ва маҳалла кенгашлари ишидаги камчиликларни кўрсатади. Мен бу масалада давлат ҳокимияти ва жамоат ташкилотлари барча бўғинлари раҳбарларининг айби борлигини таъкидлашга мажбурман".

Кўриниб турибдики, мамлакатдаги сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, жойлардаги давлат органлари фуқаролик жамиятида яшайдиган, баркамол авлод, комил инсонни шакллантириш учун ёшлар ўртасида жамиятнинг барча йўналишлари бўйича катта тадбирлар жаммасини амалга оширишлари, жойлардаги ёшлар ўртасига кириб боришлари лозим. Айниқса, маҳалалардаги ва қишлоқлардаги ишсиз ёшлар жамоат ташкилотлари эътиборидан четда қолмаслиги лозим. Қишлоқда кичик бизнесни ривожлантириш, маҳаллаларга кичик технологияларни олиб кириш воситасида янги иш ўринлари яратиш, мутахассис ёшларни иш билан таъминлаш мақсад-

ларида талаб мавжуд бўлган касбларга қайта тайёрлаш ишлари авваламбор жамоат ташкилотлари амалга ошириши лозим бўлган вазифалар сирасига киради. Айниқса, ёшларга дунёвий давлат, фуқаролик жамиятига доир билимлар бериш, уларга маънавият ва маърифат руҳини сингдириш ҳозирги даврнинг долзарб вазифасидир. Ёшларнинг бўш вақтларини банд қилиш, иш билан таъминлаш, улар дунёқарашига миллий мустақиллик мафкурасини сингдириш, "Ўзбекистон - келажаги буюк давлат" шиори остига барча ёшларни бирлаштириш, ёшларга "Шу Ватан меникидир" руҳиятини сингдириш "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча жамоат ва нодавлат ташкилотларининг нафақат бурчи, балки Ватан олдидаги энг олий масъулиятидир.

Ҳозирги фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга доир ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларида ёшларни шу юртга, шу Ватанга муносиб фарзандлар сифатида тарбиялаш долзарб вазифалардан бирига айланди. Шунинг учун ҳам давлатимиз, халқимиз таълим ва тарбия ташкилотларидан ҳамда жамоат бирлашмаларидан ёшларни етук инсон бўлиб шаклланишларига катта ҳисса қўшишларидан умидвордир. Бу соҳада сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари ҳали ўзларининг салоҳиятларидан тўлалигича фойдаланганлари сезилмаёттир. Халқимиз мазкур демократик институтларга, уларнинг ташкилотчилик, ташаббускорлик ҳаракатларига катта умид боғламоқда. Ўйлаймики, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва сиёсий партиялар фаолиятини давлат ва ҳукумат томонидан кенг миқёсларда молиялаштиришнинг жорий қилиниши уларнинг ёшлар ўртасида кенг қамровли ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва тарбиявий фаолият олиб боришини таъминлайди. Ёшлар жамиятни эркинлаштириш ислохотларига жалб этилади. Зотан, барча фуқаролар каби ёшлар ҳам Ватан раънақи-га бефарқ эмаслар.

Ўтиш даври қийинчиликларини ўз бошларидан кечириётган турли ижтимоий табақаларнинг шаклланиши секин кечиши оқибатида улар манфаатлари ва иродаларини ифодаловчи жамоат бирлашмаларининг демократик мезонлар асосида такомиллашиши қийин кечмоқда. Шунингдек, жамоат ташкилотларининг дастурлари уларнинг ижтимоий базалари бўлган табақа ва гуруҳларнинг манфаатларини тўла ифода қила олмаётганлиги ҳам фуқароларни жалб этиш жараёнларини қийинлаштирмоқда. Яна ачинарлиси, аксарият жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотларининг раҳбарлари ва фаолларининг эски бюрократик номенклатура тизимида орттирган руҳияти ва иш услублари ҳанузгача раҳбарлик фаолиятларида сақланиб келмоқда. Шунингдек, уларнинг баъзилари ҳали ҳам сиёсий ҳокимият органларини ўзларининг бевосита раҳбарлари деб билмоқдалар ва ўзларини сиёсий ҳоки-

мият қарорларининг ижрочилари сифатида фаолият юритиш тажрибасидан воз кечишни пайсалга солмоқдалар. Бу билан улар ўзлари раҳбарлик қилаётган жамоат ташкилотлари фақат жамиятнинг институтлари бўлиб, уларнинг давлатдан конституциявий жиҳатдан ажралганлигини чуқур ҳис қилишлари сует кечмоқда. Мамлакатимиздаги аксарият жамоат бирлашмалари ёшлар муаммоларини ҳал этишда деярли иштирок этмайдилар. Ёшларнинг жамоат ташкилотлари фаолиятига кам жалб қилинганлиги оқибатида улардаги ижтимоийлашув жараёнлар қийинчилик билан давом этмоқда.

Мамлакатда фуқаролик жамияти қуришдаги муҳим муаммолардан бири, бу фуқаролар, айниқса, ёшлар сиёсий маданияти ва ҳуқуқий маданиятининг демократик асосларда шаклланишини амалга оширишдир. Шунингдек, ёшларнинг ижтимоийлашув жараёнларини амалга оширишда жамоат бирлашмаларининг ўрнини ошириш ҳам ҳозирги давр талабидир.

"Кучли давлатдан кучли жамият сари" концептуал сиёсий дастурни бажара бориб, сиёсий ҳокимият органларининг маҳаллий тизимини мустаҳкамлаш, уларга марказий ҳокимият ваколатларини бериб бориш асосида номарказлаштириш ислохотларини ўтказиш, бу соҳадаги ижроия ҳокимият тизимларини вакиллик органлари ва нодавлат, жамоат ташкилотлари томонидан кучли назорат этиш механизмлари ва ҳуқуқий асосларини яратишга доир ислохотларни амалга ошириш, бу фаолиятта ёшларни кенг жалб этиш ҳам фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим талабларидан биридир.

Фуқаролик жамиятининг институтлари - ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ёшлар сиёсий фаолиятини оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Ўзбекистонда давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини эркинлаштириш кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш вазифаларини амалга оширишда ҳар бир инсоннинг жамиятда ўз ўрни бўлишини билиш, энг муҳим ўрни жамиятнинг ажралмас қисми деб ўз масъулигини идрок этишга эришишда мавжуд демократик институтлар - ўзини ўзи бошқариш органлари, партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари муҳим ўрин тутати. Чунки, жамиятда яшаётган ҳар бир инсоннинг ижтимоий-сиёсий фаолияти мавжуд сиёсий институтлар, партиялар ёки нодавлат ва жамоат ташкилотлари орқали демократик жараёнларда иштирок этади.

Бу, бир томондан, ёшларнинг сиёсий фаоллик даражасига, уларнинг иштирокига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан жамиятдаги мавжуд ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрнига, мавқеига, уларнинг мустақил ташкилот сифатида фуқаролик жамияти институтига айлана олиш қобилиятига боғлиқдир.



**ҚУТЛИБЕКА**

**ОЛИС САДОЛАР**

("Эртақдан сўнг" туркумидан)

**ЙИГИТ:**

Диёрим келдим кезиб,  
 Кенг жаҳоним торайди.  
 Ҳасрат кўлида сузиб,  
 Шодликларим қорайди.  
 Кўрганларим кўзимда,  
 Учирмогим оғирдир.  
 Қандай қайтай ўзимга,  
 Чора недур - чоғирдир.

**ОНА:**

Эгилганга чоғирмас,  
 Ақл керакдир, болам,  
 Тўрт томон кир, яғирмас,



# Булбул билан таништира



Йигитсан, қилма нола.  
 Хушинг йиғ. Чиқ тоғларга,  
 Усиб кетар гуруринг,  
 Термул, осмон ёқларга,  
 Кўнаяди кўз нурун.  
 Кўнглинг тортади равшан,  
 Мовий булоқ сувин ич.  
 Чинор қошига борсанг,  
 Юрагингга кирар куч.  
 Кенгаясан қайтадан  
 Кўрсанг саҳро, даштларни.  
 Юртдошларинг улар ҳам,  
 Улар қариндошларинг.

**ЙИГИТ:**

Биров тўпроқни кўлда -  
 Тилаб тилло топади.  
 Бошқа эса шу пулга  
 Тулпор олиб чопади.  
 Кўрдим занжирбанд ростни,  
 Ўйнаб юрган ёлғонни.  
 Икковини-да кўриб,  
 Кўрмаганга олганни.  
 Бари кўксимга ханжар,  
 Сиз, айтинг, нетайин?  
 Ё оёқ етгунича  
 Бошим олиб кетайин?

**ОНА:**

Ўғлим, билдим, ҳақиқат  
 Қаҳрдан қотиб ётар,  
 Шамол бўлиб ҳайқирган  
 Бир кун уни уйғотар.  
 Ҳаққа ёқмас кўрқоқлар,  
 Жасоратни кўрар хуш.  
 Ўтираверсанг "оҳ"лаб,  
 Кетар демай хайр-хўш.

**ЙИГИТ:**

Қандай ҳайқирай ўзим,  
 Бир сасга сесканар ким?  
 Хато қилди жон дўстим,  
 Йўлда жарга итардим.

**ОНА:**

Болам, одам ичида  
 Эзгулик уруғи бор.  
 Ташлаб кўймай тинчига  
 Суйиб, кўқартмоқ даркор.  
 Янглишдимми ақининг,  
 Бир гал гуноҳини ўт.  
 Бўронларга бўлар ем,  
 Бормас, ёлғиз турган тут.

**ЙИГИТ:**

Ўғит берманг, беринг эрк,  
 Ўзга ўлкага борай.  
 Барин айтиб, кўмак деб  
 Бегонага ёлборай.

**ОНА:**

Эл сирини эр ўғлон





Овоза этмас тишига.  
Дардин олар ютиб қон,  
Тишини босиб тишига.  
Ватанингдан айб топма,  
Қувонч топ. Қувониб юр.  
Ёмонликларни чақмоқ -  
Бўлиб куйдир. Ёниб юр.  
Ерга кўммас пичоқлаб,  
Юрт ярали деб инсон.  
Согайсин деб қучоқлаб  
Кўтарар қўёш томон.

\* \* \*

Қатагон қурбонларига

Балки, шимдирсиз, тенгимсиз, балким,  
Лекин ога дейин, огалар дейин.  
Кўлмакни кўзгатган шиддаткор тўлқин,  
Сувнинг боиланиши - согалар дейин.

Кимда қасди бўлса, ясаб уртўқмоқ -  
Уриб ўтирмайди азалдан тақдир.  
Фақат ўғилларин яратар қўрқоқ -  
Бир ботиб бермасдан этади таҳқир.

Гарчи ўн жойидан кўрғошин еган -  
Байроқдай титилиб, қулаб кетдингиз,  
Барибир манглайи шўр эмас экан,  
Элим толеига Сизлар битдингиз.

Эҳ, мен-ей ўтириб иссиқ хонамда  
Қарсақлар ураман шарафингизга,  
Лекин Сиз мададга муҳтож бир дамда,  
Ким қўрқмасдан ўтди тарафингизга?!

Кимдир "гупоҳ" ясаб Сизга ўша кун  
Исмингиз ёнига елимлаб берди.  
Кимлардир куйди-ю, чиқар деб тутун  
Тишлари, лабларин зич ёпиб юрди.

Кимдир ичкаридан қулфлаб уйини  
Ҳақингизга дуо айтди шивирлаб.  
Яна ким пастлатиб баланд бўйини,  
Кўзингиздан йироқ кетди гивирлаб.

Ёлгон қадри баланд-осмон бўлган пайт,  
Совуқ озорлар еб Сиз чин кетдингиз.  
Бир одам сўямас бўлса одамдай  
Уларнинг касрига нечун кетдингиз?

Ўйласам, ўйларим этади зада,  
Кўнглингиз не ўзи - денгизми, дарё?  
Ҳақ деб жон-жаҳондан кечолмаса-да,  
"Шу эл ўзимники" дедингизми ё?!

Ҳақиқат кучаниб чиқди тугундан,  
"Мана у! Тани!" деб турибди замон.  
Кўзларимиз юмуқ ўтсак бугун ҳам,  
Эртага киянгиз\* тутар беғумон.

\*Кия - увол.

Балки, шимдирсиз, тенгимсиз, балким,  
Лекин ога дейин, огалар дейин.  
Сиз қорни қирқ ёриб отилган ёлқин,  
Юртим бошидаги жигалар дейин.

\* \* \*

Болалари қуриб ташланган она -  
Гуллари юлинган дарахт сен эмас.  
Бахтнинг насибаси - бебахт сен эмас,  
У ўзга туркийдир - далли-девона  
Бикажон, жон ширин, кўзларингни юм!

Хонлар қопчилиги тўлдирган аёл -  
Панжалари бўм-бўш Сабр сен эмас,  
Бўшлиги жонига жабр сен эмас,  
У ўзга туркийдир - сиқилган анор.  
Бикажон, жон ширин, кўзларингни юм!

Эрлар эгик кун ҳам тик қолган аёл,  
Ёвга тиз чўкмаган беклик сен эмас,  
Изгирига қарши кўклик эмас,  
У ўзга туркийдир - олис бир хаёл,  
Бикажон, жон ширин, кўзларингни юм!

Ҳа, зарба эмассан, эмассан туртки,  
Мудроқлик сен эмас, гафлат сен эмас,  
Ё исён сен эмас, нафрат сен эмас,  
У ўзга туркийдир, сен қандай туркий?  
Бикажон, жон ширин, кўзларингни юм!

### ҲАЙРОНАДИРМАН

Кўзин хаёлга берган,  
Кўнглин саволга берган -  
бу мен - ҳайронадирман.

Не бийрон оғочлар жим,  
Тилига хоч ўймиш ким,  
бу мен - ҳайронадирман

Тилло қафасдаги қуш,  
Нечун ойни кўрмас туш,  
бу мен - ҳайронадирман



Баландда барглар яшил,  
Нечун пастдагилар сил,  
бу мен - ҳайронадирман

Қонимда инграган ким,  
Нечун ёлгонлар сим-сим,  
бу мен - ҳайронадирман

Юрак... юраклар қайда,  
Наҳот, чиқолмас жойда?  
бу мен - ҳайронадирман

Саволларим қучоқлаб,  
Жавоблари пичоқлаб,  
бу мен - ҳайронадирман

### ДАРАХТ, СОБИТ ДЎСТИМ

Дарахт, собит дўстим,  
Мени қабул эт.

Ичимда гийбатим йўқ,  
Имдодим йўқ, чўчима,  
Юмишқулларингни бос,  
Аччиқ тилим устима.

Нафис япроқларингдан бер,  
Кўйлак қилиб кияйин.  
Куйсам ёлғиз қўёшининг  
Ўтларига қуяйин.

Булбул билан таништир,  
Опа-сингил тутинай,  
Оламга сўзим бўлса,  
"Айт" деб ундан ўтинай.

Менга-да, кўк шифт бўлсин  
Ва тўпроқ бўлсин гилам.  
Энди қолган умримни  
Ўтказай сизлар билан.

### ЎҒАЙМГА

Тахт - қошлари қилич янглиғ қиз,  
Теграсида минг бир харидор.  
Бари эгик, бари чўккан тиз,  
Бош устида саланглайди дор.

Ўрталикда ивирсир риё,  
Ивирсиди муроса шўрлик.  
Литиллайди бир тола зиё,  
Зиёнинг ҳам касби чўрилик.



Юрагим ҳар шарпадан дирлар,  
Мен на соқчи ва на жангчман.  
Ўғлим "Озодлик" деб шивирла,  
Сен сўрасанг, жонланмоқчиман!

### МЕН СЕНИНГ

Мен сенинг ошигинг эмасман, эйлар.  
Ошиқлик - карликдир,  
Ошиқлик - кўрлик.

Мен сенинг боланг ҳам эмасман, эйлар,  
Фарзандлик - тақдирдир,  
Фарзандлик - қисмат.

Мен сенинг дўстингман - чидамас  
дўстинг,  
Қул, қўл эмас.  
Қулларингни кўрсам ўлдиргим келар,  
Сўнг йиғлагим келар бағримга босиб...

### СЕН МЕНИ...

Ўзбекча бир "оҳ" ҳам билинар,  
Юрак жон жойидан тилинар,  
Ўзиндан ҳимоят тиланар,

Сен сезгир яратдинг,  
Худойим, минг шукур.

Севсам ишқ изҳорим аниқдир,  
Раддиям, инкорим аниқдир,  
Тазаррум, иқрорим аниқдир,

Сен кескин яратдинг,  
Худойим, минг шукур.

Ўқинсам, наслар деб ўқиндим,  
Тўқилсам, номус деб тўқилдим,  
Юқинсам, тикларга юқиндим,

Ўзинг мард яратдинг,  
Худойим, минг шукур.

Сўз айтсам, тичирлаб айтмасман,  
Тиг отсам, елкадан отмасман,  
Дўст туғул, ёвимни сотмасман,

Сен баланд яратдинг,  
Худойим, минг шукур.

Дардларим ичига чўкса бўлади,  
Шу қадар тозадир - ўпса бўлади,  
Гўдаклар бошидан тўкса бўлади,

Сен бекин яратдинг,  
Худойим, минг шукур.

Чиройли яшайман, биларман,  
Сўлмасман, қарсиллаб сўнарман,  
Ўлсам ҳам бир гўзал ўларман,

Ўзинг чин яратдинг,  
Худойим, минг шукур.

### ТУШУНИШ

Дарахт унинг ёлгон оти, тушундим:  
боласи бағридан юлганан она  
ана шу алфозда қорайиб кетар.  
Бўм-бўиш гавдасини  
судрай олмасдан  
ана шу алфозда  
туради дарахт.

Тўлқин унинг ёлгон оти, тушундим:  
Музлик салтанати фармонларига  
бўйсунмаган қавм шундай ҳайдалар.  
Маҳкумлар шу тарзда қочар ҳансираб,  
қалқиниб-қалқиниб,  
бир-бирин босиб,  
олдида гирдобод, ёнбош қиргоқ.

Қуёш унинг ёлгон оти, тушундим.  
Қоронгу кунларда, нурсиз кунларда  
пайнаслаш, тусмоллаш жонига теккан  
қайси бир баҳодир кўксин шарт ёриб  
осмонларга отган юрагидир у.  
Бир шундай юракни яратган эгам  
баландда норлатиб ушлаб ўтирар.  
Сўндириб қўймайди, ташлаб юбормас.

Ой ҳам ёлгон исм, юлдуз ҳам ёлгон.  
Ўша баҳодирнинг маънос бекаси,  
теграсида минг-минг шамчалар ёқиб,  
ёри йўлдошини излайди шундай.

Қўл-оёқдан қолган бемор кимсадай  
сўвсиз солмаларнинг асл исми бор.  
Ўлик булбуллардай хазонларнинг зам.  
Биз кўрган, биз сезган ҳар бир ҳолатининг,  
Ҳар битта сувратнинг номи бошқача.

Не қилай дейсанми?  
Бошим оғритма,  
Сенинг аслиятга мутлоқ ҳушинг йўқ.  
Суюниб-куюниб ўзим айтаман.  
Фақат айтмоғимга ҳалақит берма!  
Кимдир эшитмоққа майл билдирса,  
қўлинг қулогига чўзма, илтимос.

### КИМНИ СЎЙИБМАН?

Мен сўйиб, мен сўйиб кимни сўйибман?  
Чўлпон

Севгимни дарёга ташласам агар  
сувларга кўшилса, ичса балиқлар  
сайраган бўларди булбуллар каби.  
Сахрога ташласам, еса илонлар

бару париларга айланиб қачон  
малика бўларди шахзодаларга.  
Тошбақа тотинса, қўшқанот боғлаб,  
Кўтариб келарди Боғи Эрамни.  
Севгимни кечага сочсайдим агар  
Ой қуёш бўларди, юлдуз ҳам қуёш.  
Мен буюк сеvgимни сенга берибман.  
Балиқларинг - балиқ,  
Илонинг - илон.  
Тошбақанг - тошбақа.  
Кечанинг кундузга қадамлари сует.  
Севгим кучсизмикин,  
ё сеvgим эссиз?  
Тикланмоғинг учун,  
учмоғинг учун,  
кечадан батамом  
кетмоғинг учун,  
Айт, қанча хоҳласанг, шунча суярман,  
Айт, қандоқ хоҳласанг - шундоқ суярман!

### СЎЗИМ

Сўзим етти ўлаб бир қийдим,  
Қўлларимга гулдаста тутиб,  
Эгимга ҳам гуллибос кийдим.

Гулга ўхшаб кўриндим энди.  
Атрофимда "шит-шит"лаб юрган  
Гумонларнинг шарпаси синди.

Бизлар кўпмиз. Ой-кумуш ҳуққа.  
Шивирлаймиз унга ва яна  
Шивирлаймиз юрак-қудуққа.

Бари яхши. Ҳаммаси гўзал.  
Фақат юрак-қудуқ тубида.  
Искандарнинг шохига менгзаб  
Тарвақайлаб ўсмоқда сўзлар.





Хулкар ТҶИМАНОВА

*Хулкар ТҶИМАНОВА – сарқандлик. Ҳикоялари, турли мавзудаги муаммоли мақолалари билан ўз мухлисларини топган қаламкашлардан. Муаллифнинг “Чангда қолган гул”, “Яхши тилакларга бешиқдир дунё” китоблари чоп қилинган. У ҳозир “Ma’rifat” газетасида бўлим муҳаррири бўлиб ишламоқда.*

# Икки ҳикоя

## ҚҶШНИЛАР

Осмон гумбази остидаги мўъжазгина қишлоқнинг юқори қисми бугдойзор бўлиб, энишда улов ўтишига мўлжалланган тошкўча ва шундан сўнг катта-кичик, шиферли-шиферсиз, ҳашаматли ёки кўримсиз ҳовлилар кўзга ташланарди. Ҳар ким ўз дунёсига куйманиб яшайдиган қишлоқдаги манзара деярли ҳар куни бир хил: келинлар сигир соғади, болакайлар подага молини қўшиб қайтади, эркаклар эса экин-тикин билан андармон.

Қайсидир ҳовлида хўроз қичқирди, демак, тонг яқин. Ит ҳурди, сигир “мў”лади, одамлар тирикчилик учун бошланган янги кунни баҳоли қудрат қарши олишди. Тошкўча бошланган жойда, яъни қишлоқнинг қуйи қисмида ҳамманинг ҳам кўзи тушавермайдиган ҳовли эгаси Раҳмон муаллим ҳар кунгидек каллайи-сахарлаб турди-да, тоат-ибодатдан сўнг молхона томонга ўтиб, ахлатларни кунгайга бўлаклаб ёйиб ташлади. У энгларининг тирсагига қадар ямоқ урилган эски сатин чопонини ечиб, қоziққа илди. Келини Роҳатой повиллатиб, аввал қора сигирни, кейин кул рангини соғдида, бузоқларини бўш қўйиб, ҳовли томонга ўтиб кетди. Руҳий бир ҳорғинлик муаллимнинг вужудини зилдай босиб турар, эллик йил умр кўрган одам кун сайин орқага кетишини, қариллик ҳали у, ҳали бу аломатлари билан безовта этишини идрок этиб, хўрсиниб қўйди: “Умр деганлари шу экан-да”.

Муаллим пастликка энди, ери ерига туташ қўшгани Мирзақул сатангнинг уватда чордона қуриб ўтирганини кўриб, энсаси қотди. Чол бурнидан тортса йиқилгудек чарчаган, тун бўйи мижжа қоқмай экин суғориб чиққан бўлса-да, ўз экинзорига мароқ билан боқар, кексаликни тан олгиси келмаётган бу мўйсафид-

нинг юриш-туришида, феъл-атворида ёшига мос бўлмаган қизиққонлик ва шижоат сезиларди. Эғнида елка қисмини кун урган, йиртилмоқдан бери бўлиб турган майда гулли ятак, кенг бичиқдаги оқ иштонининг у ер- бу ерига лой сачраган. Чолнинг қора меҳнатда қотган чайир гавдаси андак букчайиб турар, истасамаса ҳаётнинг ёзилмаган қонунларига бўйсунмишга у ҳам мажбур эди. Она ерга-ку одамзотни боғлаб турган жиҳатлар кўп, аммо Мирзақул чолнинг ерга меҳри ҳамманикидан юқори ва устун туришига Раҳмон муаллим юз фоиз иймон келтирган. Чол ерни куч-қувватдан айирмайдиган эрмак деб биладими, тирикчилик манбаи деб қарайдими, ҳар тугул олти ой ёз томорқасидан чиқмайди. Шунинг эвазигадир, қишлоқда ҳеч кимнинг экинзори уникадек гуллаб-яшнамайди. Ер қор, ёмғир сувига обдон тўйиниб, кўпчиб, офтоб нурларини эма бошлаган ҳамал кунларида чол тонг саҳардан намозшомга қадар томорқасида гимирлар, маккажўхори, беда, картошка, пиёз, сабзи, бодринг, ҳаттоки саримсоқпиёзга, қизлари учун ўсмага ҳам жой топарди. Чол ҳозир ҳеч ким қўлламайдиган усул — хўкизга омов тиркаб, ер ҳайдар, ҳосилининг баракаси ҳам шунга яраша бўларди. Тўғриси, бунга кеч тирамода экинзорига гўнг сепиб чиқиши ҳам пойдевор яратади. Муаллим кўз ўнгида эртақ қаҳрамонлари сингари ерга барака уруғи қадаётган қўшнисига бир жиҳатдан ҳаваси келарди, бир жиҳатдан эса ҳасад: “Нега куч-қувватим бўла туриб мен бу одамга ўхшаб томорқа қилломайман?”. Гоҳида муаллим чолнинг уруғ униб чиққан-чиқмаганини билиш учун жўякларга энгашганча тупроқ титкилаётганига кўзи тушиб, кулгиси қистарди, шу даражада ичи торлик эркакларга ярашармикан? Уни

қўйинг, буни қўйинг, қўшниси шундай яралган ва феъл-хўйи ўзгармасдан қолади.

— Салом алайкум, Мирзакул ака. Мен вақтли турдимми десам, сиз менданам эрта турибсиз-ку.— Раҳмон муаллим уватга сакраб тушди ва чолга қўлини узатди.

Қўшниси хушламайгина саломлашди, унинг қизарган кўзларига қараб, муаллим "Шу одамга нима азоб экан-а?" деб ажриқ устига чўкди. Кўз олдида чолнинг томорқаси ястаниб ётарди, ҳамма ёғи кўм-кўк, ҳаттоки ҳув чеккада савлат тўкиб турган ўрик дарахтлари тагидаги бедазор ҳам уникага ўхшаш яккам-дуккам эмас, бир текис гуркираб турибди.

— Ҳа энди, турмасангизам бўлмайди-да, тирикчилик тошдан қаттиқ, маллим. Чилла кирди, чилла суви тилла суви дейишади, мириқиб ичмаса, ҳосил қаёқда? Кечасиминан тинганим йўқ. Энди бедазорга қўйсамми деб турибман,— чол қати бузилиб, яғири чиққан, думдумлақ ола дўпписи устидан чирмалган кашталиқ қийиқчасини ечди, оппоқ тук қоплаган бошини қашлаб, гўёки чарчоғини ёзган бўлди.

— Мирзакул ака, бунақа ўзингизни қийнаманг, йиқилай-йиқилай деб турибсиз-а,— дея ҳазиллашди муаллим.

— Қаридик, қаргайдик, маллим. Ишламай ётаверсанг, баттар орқага кетасан, қимирлаб турганинг тани соғлиқка ҳам яхши-да. Дўхтирларам ҳаракатдаги одамнинг соғлиги яхши бўлади, дейишади,— чол ўз фалсафаси билан муаллимни қойил қолдирмоқчидек чуқур тин олди.

Аслини олганда, Раҳмон муаллимга бу гапларнинг янгилиги йўқ, умри китоб-журнал титиб ўтаётган одам учун булар оддийгина қайдан бошқа нарса эмас. Муаллим тасдиқ маъносидан бош ираган бўлиб, чолнинг такаббуруна қиёфасидан нигоҳини четга олди. Сув билан ер устидаги даҳанаки мунозара уларнинг орасида кўп йиллардан бери давом этиб келар, бири голиб, иккинчиси эса мағлуб эди. Қўл силтаб кетавериш оқибатидаги энгилиш алами муаллимнинг ич-этини ўртар, аммо бу тугённи ўз ички амрига бўйсундирарди: "Етмишга кирган инжиқ чолнинг нимаси билан тенг бўлман?"

— Ҳа, умрнинг оқар сувлиги шу,— деди Раҳмон муаллим суҳбатлари унчалик қовушмаслигини сезсада, чуқур хўрсиниб.

Қўшнилари бир-бирига сўзсиз, имо-ишорасиз боқиб туришди ва иккиси икки ёққа — муаллим симтўсиқ билан чегараланган ўз томорқасига, Мирзакул сатанг эса олди айвонли ҳовлисига қараб юрдилар. Бу пайтда куёш борлиқни ўз нурларига кўмиб, теварак-атроф оловланар, тирик жон борки, соя истаб, ўзини панага оларди. Муаллим бутун қишлоқнинг қоқ ўртасидан тасмадек чўзилиб кетган уватнинг ўз томорқаси тўғрисидаги қисмига етганда, ортига бир қайрилиб қаради ва ҳар доимгидек ичидан зил кетди: чол бугун ҳам сувни берадиганга ўхшамайди. Ахир ариқ суви ҳамманики, қишлоқда нечта хўжалик бўлса, экин-тикин, мол-ҳолига шу сувдан фойдаланади. Жарликнинг қўйи қисмидаги сой сувини ҳар йили ариққа ўнгариш учун пул йиғилар, чунки сувни кетмон ёрдамида оқимга мослаб уради. Шу боис бульдозерчи ёллашларига тўғри келар, пул қўлига теккач, ҳайдовчи бир пасда сувни ариққа ўнгарар, ҳамма қизганмай берган беш юз сўм пул Мирзакул сатангнинг чўнтагидан чиқмасди. Бу йил ҳам моторимдан фойдаланаман, деб пул бермаганини муаллим Холмурод қассобнинг садақаси кунга ўз оғзидан эшитганди. Қаёқда, ариқ тўла сув бўлса-ю, товуши кўлоқ-мияни тешиб юборадиган, бунинг устига электр токи эвазига ишлай-

диган мотор билан экин суғориб, аҳмоқ бўлибдими? Ток ҳам чўнтакка зарар-да...Тозалаш ҳашар, сув келтириш ҳашар, фойдаланишга келганда, кимларнингдир қўли узунлик қилади, кимлардир тишини тишига қўяди. Муаллим биринчи тоифага ҳеч иккиланмай қўшнисини, кейингисига эса ўзи киришини ўйлаб, алам билан "чирт" этиб тупурди, тупуги сатангнинг томорқасига қараб учди. Чол оби-ҳаётни бедазорига ўнгариш билан овора эди, унинг экинзори боғи эрамдек: маккажўхориси сўталанган, яқин кунларда ўриб оладиган, кампири сўтасини қайнатиб, тоғорага босиб, жума бозорига олиб чиқади. Помидорларини челак-челак териб олиб, ёриб, том устига ёйиб қуритишади. Келида туйилган помидорқоқини қиш ойлари Норгул момо стаканлаб сотиб ўтиради, ана, даромад топишининг осон йўли. Муаллим ўз томорқасини чолники билан солиштираркан, қўнгли гашланди. Бунга ўзи айбдорми, қўшнисими— билолмайди. Чолни айблай деса, ўзи билан ўзи андармон бўлиб яшаётган одам, ердан бошқа эрмаги ҳам йўқ. Ўзини айблай деса, мундоқ бошқаларга ўхшаб экин-тикин қилишига имкон бермаётган киши барибир қўшниси бўлиб чиқади. Ҳақини талаб қилиб чолга даъво қилсин-чи, боши таънаю маломатдан чиқмайди, у сувдан қуруқ чиқадиган одам, ўқимаган, саводсиз бўлса ҳам мақсадига эришади. Муаллим у билан айтишишдан наф чиқмаслигини билади, шу боис дамини ичига ютиб яшашга мажбур. Қишлоқда яшаб туриб, картошка, сабзи, пиёзни бозордан сотиб олса, алам қилмайдими? Сувга тўйинмаган экиндан ёлчитиб ҳосил олиб бўларканми? Сабзи-пиёз жўяклари сап-сарик чирмовуқ исканжасида қолади, ҳосилдан эса умид йўқ. Касофат чирмовуқнинг қилдайи тушса бўлди, бир-бирига илакишиб кўпайиб кетавераркан. Жўякдаги картошка поялари иссиқдан ҳансираб, "сув,сув" деяётгандек шалвираб ётар, жазирама иссиқ бутун экинзорга олов пурқар, ҳозироқ сув қуйилмаса, бор экин-тикин қовжираб битадигандек эди.

Мирзакул сатанг яна ариқ бўйида пайдо бўлди. Чол "қулоқ"ни оби-ҳаётнинг яна ҳам шитоб билан оқишига мослаб, хас-чўплардан тозалади. "Қулоқ"дан сув шариллаб пастликка оқа бошлади, у ажиб бир суқланиш билан томорқасига боқди. Муаллим икки кундан бери қўшнисининг ариқдаги сувни ўзиники қилиб олганидан мутаассир бўлиб, юрагини алам ва нафрат пармалай бошлади. "Инсоф борми бу чолда ўзи? Сийлаганинг сайин бошингга чиқади-я. Бугунам қўйворадиган чўти йўқ", муаллимнинг асаблари таранглашди, дўпписини бошидан олиб, зарурати бўлмаса ҳам кафтига уриб қоқди, чол билан қай тариқа мураса қилса бўларкан, боши қотди, ҳақини талаб қилгани билан ўзини ўзи ёмонотлиқ қилади. Девор-дармиён ҳамсоялар, ади-бади айтишиб ўтирсак уятдир, деган фикр билан ўзини ўзи тинчлантиришга уринди. "Бу дунё кимга вафо қилибдики, қўшним билан менга вафо қилса. Не-не пошшою азимлар ер талашиб, мол-дунё илинжида қон тўкмаган, оқибати не бўлгани маълум-ку. Абадий шоҳ бўлиб қолдиларми? Ҳамма-ҳамманинг жазоси бир уюм тупроқ. Шарт кетиб, парти қолган қўшним ҳам томорқасини нариги дунёга орқалаб олиб кетармиди?"

Муаллим қўлбола кўприкка қараб юрди. Уватни қоплаб ўсиб ётган ажриқларнинг, унда-бунда кўринган одам бўйи баравар қамишларнинг ариқ ичида сувга умуман эҳтиёжи йўқ, кўприкдан нариса чолга тегишли, худди шу жойдан темир парчаси билан тўсиб қўйган. Тўсиқ олинса, муаллим томонга сув оқади. Худо билсин, қўшниси сувни қачон қўйиб юборади? Яхшиси, чолни ўз ҳолига қўйиш керак, ўчакишгани, тиракишгани билан қуруқ асабийлашгани қолади.

Офтоб тиккага келиб қолди, чилла куёши чирсил-



лаб турибди. Юрак ютиб кўчага чиқадиган одамнинг ўзи йўқ. Бири пастда, бири баландда тикланган ҳовлиларда ҳеч ким кўринмасди, гўёки ҳамма биқиниб, салқин тушишини кутаётгандек эди. Бундай пайтда кўпчилик хонадонларда деразага қалин мато тутишиб, қоронғи қилишади-да, салқин тушгунча ухлашади. Биргина киши — Мирзакул сатанг ҳамон ўз боғида куйманиб юрарди, томорқаси сугоришдан сўнг яшнаб турар, "қулоқ"дан оқайтган сув чекка томондаги бедазорга ўнгарилган эди. Чол ҳолсизланиб, ажин ўйиб солингандек пешонасини қашлади, кўз олди сап-сарик тусда жириллаб кетди. Уни жазирамадан ташқари ташналик ҳам қийнарди. Сатанг яхна чой истаб, меваси ўтган ҳафтада соб бўлган ўрик тағидаги сим каравотга қараб юрди. Каравотнинг ўртаси чуп-чуқур бўлиб, чўзилиш ўнгайсиз эди, ҳар қалай мизғиб олса бўлади. Кампири Норгул момо ислиқи кўрпачаларни ташлаб қўйган, унинг кийишга ярамайдиган эски чопони буклаб-буклаб ёстиқ қилинган. Мирзакул сатанг каравот тағидаги сопол чойнак жўмрагидан илимиқ чойни симирди, охирида қолаёзган экан, чанқоғи қонмаса-да, каравотга чўзилди, мароқ билан қўлларини олдинга чўзиб, керилди. Ҳароратнинг зўридан илиганини қаранг, эскилар қуёш тафтидан тухумни қумга қўмсанг пишади, дейишарди, шу гап рост шекилли. Қария беланчакка солинган болани эслатарди, ўртаси чуп-чуқур каравотда унинг қотма танаси яна ҳам миттигина бўлиб кўринар, бир лаҳзагина мизғиб олиб, чарчоғини ёзса бас, муддаоси шу эди. У ўзига соя ташлаб турган улкан ўрикнинг ҳар томонга тарвақайлаб кетган танасига разм соларкан, назарида у ҳам "сув, сув" дея илтижо қилаётгандек туюлди. Борлиқ жазирамадан куйиб кетай даяпти, соя-салқин дарахтзори борлигига ҳам шукр, куч-қуввати борида келажакни ўйлаб, ҳар турли мевадан эккан экан ўзиям. Гилос, олма, ўрик, шафтолию нок, ҳув чеккада икки туп ёнғоғи ҳам бор. Ишқилиб, бола-чақа, неварачевараларига эрмак-да, жа ортиб қолса, сотиб пул қилиш мумкин. Бултур икки қопча туршак қуришиб олишган эди. Бир қопини сотиб юборишди, иккинчисини қиши билан ивйтиб ейишди, ичишди. Кампири тушмагур гоҳо ўша туршакдан лозим жойларга ишлатди ҳам. Майли, баракасини берсин, аммо кампири ҳам, қизлари ҳам бирор марта унга миннатдорчилик билдириб қўйишмасди, баъзан чол гина-кудурат қилиб қоларди: "Ўрик эккан, ўстирган одамга раҳмат айтишам йўқ". "Вой қоли тушмагур-ей, эксангиз экибсиз-да, беғоналар егани йўқ-ку!" дея кампири узиб олганида, Мирзакул сатанг баттар тутақиб кетарди: "Айниқса, сенинг йўлинг бўлиб қолди-да, а, кампир? Қаерга борсанг, тугунинг туршаксиз бўлмайди".

Кампири ҳам очиқчасига оғринарди: "Оборма десаңгиз, обормаيمان, мунча? Тўй-маъракага икки қўлимни бурнимга тиқиб бормайман-ку, кампит-мампит олай десаңгиз, қиммат" дегаҳ, чол енгилгандек индамай қўя қоларди.

Мирзакул сатанг пинакка кетди, унинг оқ-сарикқа мойил юзи иссиқдан бўғриқиб кетган, икки қоши ўртасидаги тугун гўёки ёқимсиз туш кўраётганидан далолат бергандек уюлиб турарди, кўз соққасидан оқиб чиққан ёш аралаш йиринг кўз милкларига ёпишиб, қотиб қолганди.

— Ҳўв, Мирзакул ака, нима ётиш бу? Вой-бў, қойил-е, нафасингиз қайтиб кетмаганини. Салқингина уйда дам олсангиз бўлмайдимми?

Мирзакул сатанг хитобни эшитса ҳам, кўзларини очишга эринди. У уйку билан ҳуш орасида ётар, юз ва бўйинларига қўнаётган чивинларни кўриш учун ҳар замон қўлини зўрға кўтариб қўярди. Чол жиққа терга

ботганди, кўйлак-иштонлари ҳам ҳўл бўлиб кетган, нафасқайтар бу иссиқда жон сақлаш чарчокни ёзишдан кўра қийинроқ эди. Аммо чол азбаройи туни билан мижага қоқмай чиққанидан иссиққа дош бераётганини ўзи ҳам сезмасди. Қаршида турган Раҳмон муаллимни кўриб, Сатангнинг таъби тирриқлашди. Чол унинг сувга даъвогар эканлигини эрталабоқ англаганди, кўшниси яна шуни эслатиш учун келган кўринадди. Мирзакул сатанг муаллимнинг афт-ангоридан муросагами, ялинишгами ўхшаб кетадиган қандайдир ифодани илғаб, ўрнидан турди, мазза қилиб ёснади. Бутун аъзойи-бадани — қўл-оёқларию, бели, елкаси, ҳаттоки боши ҳам ўзиники эмасдек. Ҳа, бу кучдан қолиб бораётганининг аломати, минг ҳаракат қилсаям борган сари одам қаригач орқага кетаверар экан, буни тан олмай иложи йўқ. Ахир бир кам саксонга кирди, ўзи тенги қарияларнинг айримлари тўшак тортиб ётганини, баъзилари зўрға кириб-чиқиб юрганини эшитиб қолади. Шунда бировга муте эмаслигидан, аксинча, катта бир оиланинг иссиқ-совуғига бош бўлиб юрганига шукр қиларди.

— Бу дейман, чарчабсиз-да, Мирзакул ака. Уйингизга бориб дам олмайсизми, ерингизни биров кўтариб кетармиди? Қалай, экинларингиз сувга қониб бўлдимми ўзи?

— Қаёқда, маллим. Памилдорини тўлдириб, бедазорга энди қўйдим. Жиндай сабр қилинг, домулла, кечгача бўп қолар.

Муаллим ичида гижинди, сўкиниш табиатига ёт бўлса-да, "онангни эмгур", деб қўйди пичирлаб. Чолнинг бўғриқиб, қизариб кетган юзида бутун одамзотга хос бўлган нафс туйғусининг чексиз ва ҳадсиз ифодасини илғаган бўлдию, ўзидан устун бўлиб яшаётган қўшнисининг башарасига туфлаб юборишдан тийинди. Енгиллиб, ожиз бўлиб яшашдан ёмони йўқ экан. Алам қиладигани, чол ҳеч қачон нотўғри иш қилаяпман, қўшничиликда одамгарчилик ҳам керак, деб ўйламасди. Одамзот яратилибдики, нафснинг қурбони, тўйдим, бас, деган кимса бу ёруғ оламда йўқ. Машойихлар одамнинг кўзини бир сиқим тупроқ тўйдирди, деб тўғри айтишган. Кўп йиллар бўлди, муносабатлари ўша-ўша, айтишадилар, аразлашадилар, бирор баҳона топилганда ярашадилар ҳам. Муаллим чол билан тўқнашишдан юраги безиллаб қолган, унинг айтгани айтган, дегани деган бўлиши керак, кун туғса ҳам, ой туғса ҳам чолга бўлсин, бошқаларнинг муаммоси билан иши йўқ. Ёз келди дегунча Мирзакул сатангдаги нафс туйғуси пишмаган чипқон сингари муаллимнинг юрагини эза бошлади, кўшниси бу ҳолатдан озгина бўлсин уялса, хижолат чекса, кечирим сўраса ҳам майли эди, аксинча муаллим юмшайди, эгилади, чол эса ҳар қачон ўзини ҳақ тутиб, баланддан келарди. Қўшнисига мудом ён босиб яшашдан кўнгли зада муаллим ёзнинг иссиқ кунларию тунларини тишини тишига қўйиб ўтказар, сув можаросида Мирзакул сатанг ҳам у каби ўзини ҳақ ҳисоблар, аммо экин-тикинларининг қовжираб битиши билан иши бўлмайдиган қўшнисини инсофга қақриб бўлмаслигидан озор чекарди. Муаллим чолнинг деҳқончилик қилишига, ул-бул экишига мутлақо қарши эмас, кейинги уч-тўрт йил ичида унинг феъли бешбаттар айниди. Марҳамат, эксин, тиксин, парвариш қилсин, лекин ўзгаларга ҳам имкон берсин-да. Қўйиб берсанг, сувни тескари оқизадиган жаҳди бор, томорқаси-ку пастда, ҳовлиснинг агрофига ҳам алланамалар экиб ташлаган, ўсма-райҳон, жамбилми-ей, кун оралатиб, мотор тариллатганини айтмайсизми?

— Мирзакул ака, экинмизни лаънати гармсел адоий-тамом қилди. Ахир бедангизни сувдан чиққанига

уч кунам бўлмади-ку, менинг маккажўхорим билан бедам икки ҳафтадан бери сувга зор, тушунсангиз-чи!— муаллим ётиги билан мақсадга кўчди.

— Мен нима, сизга мишайит қиялпманми? Ариқда оқиб ётган сув текин бўлса, суғораврмайсизми?— Мирзакул сатангнинг чағир кўзлари қисилди, муаллимга шу қадар ўқрайиб тикилдими, юзида акс этган истехзо шу лаҳзада бошланажак даҳанаки жанжалдан далолат берарди.

— Кошкийди, сувни бошидан ҳайдаб келган бўлсангиз. Уч кун илгари сизга ўхшаганнинг ўнтасига ялиниб-ёлвориб, сув келтирганимни билмайсиз-да. Сув бутун қишлоқдан ортиб, бемалол оқиб ётибди, деб ўйлайсиз шекилли.

— Ҳа, ўзи оқмай нима, маллим?

Раҳмон муаллим ўтган кунни тун ярмига қадар ариқ ёқалаб келгани, уйқусини ҳаром қилиб, сарсон бўлгани етмагандек кўшнисининг дағдағасидан хўрлиги келди. Эски хангомани кўзгаш, кайфиятини бузиш нияти йўқ эди-я, чолнинг андишасизлиги уёқ-буёғини тешиб кетди. Майли, суғориб олсин, деб биринчи кунни индамади, иккинчи кунни ёшини ҳурмат қилди, кўшничиликда сан-манга боришлари яхши гапмас, ахир бугун учинчи кун. Қишлоқнинг у бошида турадиган тракторчи Анвар акадан, есир аёл Бувихондан ялиниб-ёлвориб "йиғиб" келган эди. Йиғлағудай бўлиб тургач, элнинг олдида юрган киши эканини ҳисобга олишиб, кўзлари қиёлмай, навбатни унга беришганди. Бўлмаса уларнинг ҳам экинзори сувга маҳтал. Мана бу баттол чол эса бундай хангомалардан беҳабар, фақат ўзиникини маъқуллайди. Сувга тўядиган, ерга тўядиган кунни борми бу одамнинг?

— Қачон сувга тўясиз ўзи, Мирзакул ака? Сиздан бошқалардаям тирикчилик ташвиши бор. Уч кун бўлди-я, кутавериб тоқатим тоқ бўлди-ку.

— Керак бўлгандан кейин ўн кунам кутасиз, маллим. Отангиз тенги одам билан уришишга уялмайсизми? Эшитган қулоққа яхши гапми шу?

Муаллим жаҳл аралаш "чирт" этиб тупурди, томоғини қириб, нимадир демоқчи бўлди, қўллари беихтиёр мушт бўлиб тугилди. Кўшниси билан ади-бади айтишиб, нима деган одам бўлди? Аммо сабр-қаноатнинг ҳам чегараси бор, пичоқ бориб суягига қадалди-ку, унда бор нафс бошқаларда йўқми? Яна бир кун, атиги бир кун галга солса, помидор, сабзи, пиёзи қуриб битади. Сийлаган ҳам шунчалик бўлар-да, инсоф сари барака деганлар. Лекин, лекин кўшниси шу иззат-икромни биладики, миннатдор бўлиш ўрнига норози тўнғиллаганини қаранг тагин.

Раҳмон муаллим кўшниси ва ўзи ўртасидаги сув можароси узоқ йиллардан бери давом этиб келаётганидан бутун қишлоқни хабардор қилгиси, уни шармандайи шармисор этгиси келардию, "Ке, қўй, тўридан гўри яқин бир одам бўлса, мендан норози кетмасин" деб қўл силтарди. Чилла кириб, қўқдан қуёш олов пуркай бошлаган кунларда яна икковлари ўртасидаги тортишувлар авжига чиқар, бу худди сурункали касалликдай вақти-вақти билан кўзғалиб, муаллимни азобга кўярди.

Бултур эди шекилли, Мирзакул сатангнинг томорқасига унинг товуклари оралабди. Бу жониворни қамаб боқиб бўлмаса, ризқини ердан топиб ёйди, аммо кўшниси табиийки, ўз боғига товук тугул мушук оралашини ҳам хоҳмасди. Муаллим сатангнинг таҳдидли қичқиринини эшитиб, девор оша пастликка қаради. Товукларини оёғининг чигили ёзилсин, деб ўз ҳовлисига қўйганди, иккитаси кўзини шамғалат қилиб, чолнинг томорқасига диконглаб кириб кетибди.

— Ҳа, энангни...кишт,кишт, помидор чўқиган оғзинга...

Чол товукларга қараб кесак отди шекилли, жонворлар безовта қақоғлаб, ҳимоя истаб, муаллимнинг томорқаси томонга югуриб ўтишди. Кўшнисининг ўрнида ўзи ҳам худди шундай йўл тутишини ўйлаб, индамади. Ҳар қалай ким ҳам гуллаб-яшнаб турган экиннинг пайҳон бўлишини истайди дейсиз?

— Энағарни товугининг дастидан экин қилиб бўлмай қолди-ку! — мингирлади сатанг ўқариқдан сакраб.


Қўлидаги занг босган кетмонни ерга ётқизиб, жаҳд билан дастасига ўтираркан, орқасига эниб, йиқилиб тушди, ўрнидан туриб, яна сўкинди. Ёши бир жойга бориб қолган бу чолнинг афт-ангоридаги ўжарлик, шахсий манфаати учун жонини жабборга бериши ҳаммадан кўра муаллимга кундек равшан эди. Аслида-ку ҳаммада ҳам рўзгор, бола-чақа ташвиши бор, шу замонда биров-бировга муте эмас, ҳамма ўзи ҳақида қайғуради. Лекин нафс отлик тубсиз ўпқонга жиндек насихат қилинмаса, кўнгил курғурнинг кўчаси нималарни истамайди?

... Раҳмон муаллим каловланиб гап тополмай қолди. Қандай қилиб инсофга чақиради бу одамни? Ўн кун кутармиш, топган гапини қаранг, фақат ўзи бўлса бас экан-да, мундоқ танасига ўйлаб кўрса бўлади-ку, на отдан, на эгардан тушади-я, умр бўйи муаллимни ўзига бўйсундириб яшайпти. Муаллим, мендан бошқа одам бўлса аллақачон бу ердан кўч-кўронини ортиб, юзига туғлаб кетворган бўларди, деган фикрни эҳтимол мингинчи марта хаёлидан ўтказди. Меросга, ерга талашадиган ўғиллари бўлмаса, беш қизининг учовидан қутулган, икковига эса эга чиқмаяпти. Яхши қиз маҳалласидан ташқарига чиқмайди, деганларидек, қишлоқдагилар Сатангнинг қандай одамлигини бир-бирларидан эшитишган шекилли, остона ҳатлаб қизларини сўраб келишмайди. Тўнғичлариям кимлардир орага тушгач, олис-олис қишлоқларга узатилиб кетишди. Анави кенжатоиларигаям эр чиқиб, бахти очиладиган бўлса, ҳайҳотдай ҳовлида кампири Нургул момо билан мўлтайиб қолаверади. Қайдам, балки чол-кампир кенжатоил қизлари Нуринисонинг тенги чиқса, ичкуёвлари билан яшашар. Акс ҳолда иккиси ҳам дунёдан ўтиб кетгач, ҳовлида чироқларини ким ёқиб ўтиради?

— Бошқаларга тегишли ерга эга чиқсангиз, товук боқтиргани қўймасангиз, қанақа одамсиз ўзи?— муаллим ғазаб отига миниб, дилидаги гина-кудуратини тўкиб юборди. Курбақаям боссанг, "ваққ" этади, чидаб-чидаб келди, энди муросайи-мадора қилолмайди. Кўп йиллик адоватни ичда сақлай-сақлай қон босими касаллигини орттирди, бунга айнан Сатанг сабабчи бўлмаса ҳам муаллим уни душманидек ёмон кўрар, ўқитувчилик қилиб, қанча-қанча болаларни тўғри йўлга солиш учун машаққат чеккани бир тарафу, кўшниси билан олишувлар бир тараф бўлиб, салга асабийлашадиган бўлиб қолганди.

— Кимни ерини тортиб оппан, ўйлаб гапиринг. Қанча томорқа бўлса, ўзимники. Экиннингизни ҳолига маймунлар йиғласа, мен айбдорми?

Тилига эрк бериб, бекор қилди, ўзига ўзи жанжал сотиб олди. Келиб-келиб одам куригандай шу чол билан кўшни бўладими, а? Муаллим қалбида бошланган ғалаённи боса олмасди. Ҳар доим вазминлик қилиб, шайтонга ҳай беришидан кўшниси ўз мақсад-муддаоси йўлида фойдаланаётганига аллақачон тан бериб бўлган, у билан дўстона, бегараз яшай олмаётгани учун баъзан ўзини ҳам кечира олмасди. Балки бунга маълум даражада ўзи ҳам сабабчидир, ахир қарс икки қўлдан чиқади. Шу фикр тўғри дейдиган бўлса, бунга рад этадиган воқеаларнинг бари кўз ўнгида рўй бериб



келяпти-да. Уйларининг тўғрисида беш сотихча жойни Мирзакул сатанг шох-шабба билан тўсиб қўйган, билмаганлар бу майдонни муаллимга қарашли деб ҳисоблашарди. Аслида чолга тегишли худуд муаллимнинг девори билан тўғрима-тўғри чегараланиши керак. Ўша ер кўм-кўк бедазор, қўшниси ўриб олиб, боғламларини тикка-тикка ҳолда қуришиб, томорқасида сақлайди, кейин қизларига ташиттириб, молхонасининг атрофига гарамлаб қўяди. Муаллимнинг ҳаваси келади, қишда мол хўраги, у эса молларига емишни сотиб олади, ширкат хўжалигига раис бўлган солиқ ўқувчиси сомон, бедани арзон нархда топиб беради. Орттириб-ку ҳосил ололмайди, жилла курса кундалик эҳтиёжини қоплайдиган даражада ҳосил олишига имкон берса ҳам майли эди. Илгари бу ерлар баланд-паст, ўнқир-чўнқир эди. Қишлоққа кўчиб келган йили бир том, бир даҳлизни эпаккага келтириб бўлгач, қолган кўшимча иморатларни битириш ҳаракатида елиб-югурар, бино тиклашнинг икки-чикирлари билан ўралашиб қолган, атрофда қанча бўш майдон борлиги билан ҳам қизиқмаган экан. У пайтларда Мирзакул сатанг ҳам ёшроқ, бақувват киши эди, ўша баднафслигига бориб, муаллимнинг томонидаги майдонга ҳам эга чиққан. Муаллим унинг иморатидан ўтказиб, ўн метрча жойни симтўсиқ билан айланттириб қўйганини кўрганида ҳам кўнгилчанлигига бориб индамай қўйганди. Кўп сувлар оқиб кетди, энди нима деб даъво қилади? Муаллим ўтмишдаги ва бугунги келишмовчиликлар учун ўч олиш диёнатсизлик бўлиб туюлгани билан индамай келганидан барибир ўзини кечиролмайди. Маҳаллақўмга мурожаат қилиб, ўзига тегишли ерни ажратиб беришини талаб этса, ҳақиқат ўзи томонда бўлишини биларди, аммо қандайдир ички куч бунга йўл бермас, йиллар ўтгани сари муаллимни пушаймон ўти ўртамоқда эди.

— Ширинбой қулоқнинг боласисиз-да не бўлсаям...

Муаллим бир қалқиб тушди, бундан таъсирлангани аввало қош-қўзида намоён бўлди. Икки қоши пир-пир учиб, ўртасида жаҳл белгиси — чизикча пайдо бўлди. Қандай қилиб шу гапни айтишга ҳалди сигди? Бундан кўра юзига тарсаки туширгани яхши эди. Оталарнинг айбини фарзандларига ёпиштириш, мундоқ олганда, ақлга сиғадиган иш эмас. Аммо чол шу писандаси билан юрак-бағрини эзиб юборди, қанча марта уришиб қолсалар ҳам чол ҳали бундай номаъқулчиликни қилмаганди, бу сафар нима жин урди чолни?

— Ўлган одамга тил теккизмаг, гўрида тинч ётсин. Эрта бир кун сизам, менам ўламиз. Ҳеч ким бу бойликни нариги дунёга орқалаб кетмайди, билдингизми? Сизга ўхшаган кимсалар фақат бугунини ўйлайди. Сизда қилчалик инсоф, диёнат борми?— Муаллим ўзини тутиб туролмади, тилига келганини қайтармай тўкиб солди.

Мирзакул сатангнинг оғзидан тупук сачраб, ҳавога учди. Чолнинг оқ-сарикқа мойил юзи, мовий тусдаги ҳиссиз ва совуқ кўзларида бир тугён акс этиб, муаллимга еб қўйгудек тикилди, натижада у нигоҳини бошқа нуқтага олиб қочишга мажбур бўлди.

— Отам давр қурбони бўлган, лекин сизга ўхшаб диёнатсиз бўлмаган. Сувга тўймасангиз, ерга тўймасангиз, менинг ўрнимда сиз бўлсангиз уч кун тугул уч соат сидолмасдингиз, уч соат. "Барака топ" дейиш ўрнига дунёдан ўтиб кетган одамни ҳақоратлайсиз, сизда заррача одамийлик борми?

— Хўп, хўп, фақат сиз инсофли, сиз диёнатли. Экин қилиш қўлингиздан келмаса, мен гуноҳқорми?— Сатанг ҳамон паст тушгиси келмасди.

Оббо, бу гапи ўлганнинг устига тепган билан баробар бўлди-ку. Сатанг "Деворини захлатадиган" гап билан тинчитдим-да дегандек унинг олдида гавдасини

ғоз тутиб турар, айтишувда енгиллишни хоҳламасди. Тўғрисини айтганда, сатангга бу истак муаллимдагига қараганда кучлироқ эканлиги ҳам сир эмас.

— Э, уялинг-е шунақа дейишга. Экингиғизам, ерингиғизам ўзингиғиза сийлов. Кунда, кунаро суғорсам, меникиям сизникидай боғу бўстон бўларди. Кошкийди шунга имкон берсангиз...

— Бир кун сабр қилсангиз, сабрнинг таги сариқ олтин.

— Чидаганам бундан зиёда бўлмаса керак.

Мирзакул сатанг қўлида кетмон, голибона қиёфада муаллимнинг олдида кесиб ўтиб, ўқариқдан жилдираб оқаётган сувни кетмони билан қовлаб, тезлатган бўлди.

— Садқайи одам кетинг-э, — муаллим баралла товушда шундай деди-да, чолнинг томорқасини тарк этди.

Нега Мирзакул сатанг отасининг ўтмишига тош отади, бунга нима ҳаққи бор? Ўзи фаришта эканми? Беайб парвардигор, дейдилар. Наридан борса бошланғич синф маълумоти бўлган бу одам отасидан нуқсон ахтаргунча ўзининг турку тароватига бир разм солиб қўйса бўларди. Қишлоқнинг тўй-маъракаларига боришни сира эп кўрмайди, сабаби, уйлантирадиган ўғли йўқ эмиш, олиб борган тўёнаси ўзига қайтишига ишонмасмиш.

...Колхоз тузилган йилларда отаси ўз ихтиёридаги ерларни ҳукумат ҳисобига ўтказгиси келмаган. Ким билсин, шундай қилса, оиласидаги тўкинликка путур етади, деб ўйлаганми ёки ўз тенг-тўшлари оғзидан "Ширинбой ўз хоҳиши билан шўроларга сотилди" деган маломатга қолишни истамаганми, бу ёғи қоронғи. Раҳмон муаллим ҳамон армонда юради, отасининг кечинмаларини унинг ўзидан сўраб-суриштирмаган экан. Оталар ва болалар орасида азалий ришта мавжуд эканлигини аввалдан тушуниб етмаганидан, бунга эса ёшлиги, гўрлиги сабабчи бўлганидан афсусланади. У етти йиллик мактабни тамомламасдан бурун отаси қазо қилди. Сўнг уч-тўрт йил шаҳарда ўқиб юриб, қишлоқдан унча мунча узилиб қолди. Кейинчалик уйланиб, бола-чақали бўлгач, оила тебратиш зиммасига тушган кезларда отаси ҳақидаги хотиралар бот-бот ёдига тушадиган бўлди. Эсида, отаси умрининг охириги йилларида шу қишлоқдан тўрт-беш чақирим наридаги марказий посёлкада ко-сиблик дўкони очиб олган, эртадан кечгача одамларнинг таъмирталаб, яроқсиз оёқ кийимларини сошлаб ўтирарди. Арзимаган нарх олса-да, кечгача ўша пуллар йиғилиб, етти жонни боқишга бемалол етиб турарди. Онаси Норой момонинг хотирлашича, отаси қулоқ қилинмаслиги ҳам мумкин экан. Адолатсизлик қилинишига маълум даражада отасини кўролмаганлар ҳам сабабчи бўлишгандир. Отаси қўл учидан кун кўрадиган киши бўлганида пешонасига бу тамға босилмасмиди? Ўртаҳоллиги бошига етган. Айримлар артелга аъзо бўлгач, "Бизам қирайлик" дея онаси ялинса, қулоқ солмабди. "Эсинг жойидами, колхозда ҳамма нарса умумий бўларкан. Жоникулбойнинг айтишича, хотинларам ўртада бўларкан", дея кўнмабди отаси. Бирин-кетин ҳамма колхозга киравергач, отаси иккиланиб қолибди. Усанбой, Олқорбой, Жоникулбойларнинг бор-буди мусодара қилиниб, қулоқлар рўйхатига тиркалгач, отасиям колхозга аъзо бўлишга аҳд қилибди. Унинг Ўратепа томонларда Нишонбой деган ошнаси бўлар, йилига икки-уч марта уникага бориб, зигир ёғи олиб келаркан. Бир кун отаси каллаи саҳарлаб туриб, Ўратепага жўнайман деб қопти. "Мой олиб келаман, қани уёқларда нима гап экан? Нишонбой артелга кирган бўлса, менам шундай қиламан" дебди кетишидан аввал. ШУ кетганга отаси бир ҳафтадан сўнг қайтибди, бу пайтда жилов қўлига теккан тўралар қишлоқдаги ўнлаб бойларни, бир талай

ўртаҳол оила бошлиқларини қулоқ қилиб юборишган экан. "Нега артилга ариза берганмиз, деб айтмадинг, хумпар? Оғзинга толқон солиб ўтиравердингми?" дея отаси кампирини роса обориб опкелибди. Қаёқданама шу Нишонбойниқига борган? Аксига олиб, уям колхозга кириб, жувон айлантириб, ишлагани эвазига озмунча ҳақ олаётган экан. "Зиғир колхозники, оғайни, энди беролмайман", деб куруқ жўнатибди.

Бу хотираларни муаллим онаси раҳматлидан эшитган, ҳар тугул уларнинг тагида ҳақиқатнинг қандайдир учқунлари "йилг" этгандек туюлади, унга нисбатан ноҳақлик қилинганга шубҳа қилмайди. Отасининг юзига қорақуя суркалиши унинг иштирокисиз ёки мутлақо тасодифий бўлганини, бир оғиз ўз розилигисиз қилинганини ҳеч кимга ёриллолмайди. Оталарнинг хатоси учун фарзандлар жавоб бермаслигини биров эътироф этади, биров йўқ. Тарих гилдираги айланиб, фақат олға интилади, сиёсат деганлари эса худди йил фаслларидек ўзгарувчан, одамларни бўйсунушига мажбур қиладиган оқим. Оқимга қараб оқишинг керак, агар қарши сузмоқчи бўлсанг, давр қурбонига айланасан. Мундоқ олганда, отасининг ёзуғи нима, ўзига тўқ, бировга муҳтож бўлмаганими, ахир бунинг нимаси ёмон?

Муаллим тишларини асабий гичирлатди, кўз олди хиралашди, оёқлари ўзига бўйсунмагандек гандираклади, кўнгли беҳузурланди, назарида қон босими кўтарилди, ҳар доим шундай, хафа бўлдим, дарҳол бунинг таъсири бош мияси орқали бутун вужудига тарқалади. Касаллигим майли-я, муолажа қилса тузалар, лекин марҳум отасининг шаънига тавқи-лаънат ёғдираётган кўшниси нега ўзини оппоқ, ўзгаларни қора кўрсатишга интилаверади? Хўш, қулоқ қилинган бўлса нима, ҳар қалай бу одам ўлдирган, бировнинг молини ўмарган, давлатнинг газнасига катта зиён етказган, дегани эмас-ку? Шунчаки сиёсат қурбони бўлганини бу қайсар чол тушунармиди?

Муаллим ҳолсизланиб, гузардан кўтариларкан, кетига бурилиб қарамасликка ҳарчанд уринмасин, бўлмади, нафратомуз нигоҳи беихтиёр Мирзақул сатангга қадалди. Чол занг босган каравотда кетмон дастасининг учига қўлларини қўйиб ўтирар, афтидан, муаллим билан тўқнашувлари тафсилотини бирма-бир кўнглидан ўтказаетгандек эди.

"Қулоқнинг боласи... Мунча совуқ гап бўлмаса, худди қулоғимга кўроғиндек қуйилгану, ўйиб олиб, улоқтириб ташлашнинг иложи йўқдек. Дунёқараши ҳаминқадар бир одам... Бефаҳмлигини ўзи билмайди" деб ўйлади муаллим. Аммо қўшничилик нари турсин, кўнгли билан ҳам ҳисоблашмайдиган чол ҳеч қачон бошини эгмасди, нимасига мағрурлик қилиб, нимасига катта кетади — муаллим тушунолмайди, бир жойни суяб турган мансабдор бўлмаса ёки шундай одамларга қулақданчилиги йўқ, оддий, тўпори, саводсиз бир кимса. Агар муаллим Мирзақул сатангнинг молхонаси ёнбошидаги нураб, қулай-қулай деб турган томчага кўкнори экишини тегишли идораларга шипшитса-ку, қўшниси додини Худога айтиб қоларди-я. Кампирини нашаванд, бир умрга шу балодан қутулолмай ўзи тугул чолини ҳам азоб-уқубатга қўйиб келмоқда. Йилдан йилга ранги заҳиллашиб, қовжираб бораётган кампирини Норгул момога қараб муаллимнинг раҳми келади. Бу заҳри қотилдан бир татиб кўрган одам умрбод бунинг қулига айланиб қолишини шўрлик кампир билмаган, шекилли. Мирзақул сатанг томчадаги кўкнорини биров кўрмасин деб пақирлаб сўғоради, истемол қилиш тугул экиш ҳам таъқиқланган бу матоҳни орган ходимлари кўриб қолса, иш жиддий тус олишини сатанг ҳам билади. Муаллим қўшниси билан неча бор айтишиб, аразлашиб

қолмасин, унинг хуфиёна ҳаракати ҳақида ҳеч кимга сўзламас, бировга яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, ёмонлик ҳам қилма, деган нақл шуурига маҳкам ўрнашганди. Шусиз ҳам чол-кампирнинг охиратлари яқин, ундан домангир бўлиб юришмасин, таҳлика остида яшашнинг ўзи бўладими ахир?

...Муаллим анча кунгача ўз ёғига ўзи қоврилиб юрди, шундан бери салом-аликлари йўқ. Чол эртаси кун "қулоғини" бекитди, аммо муаллим яна ариқ бошига бориб, ҳасратини тўқиб солгач, ҳамсоёлари йўқ дейишолмади. Бир амаллаб, экинларини сўғориб олди. Аввалги можаролардан сўнг ярашишга биринчи бўлиб муаллим чоғланар, бир-икки саломлашувдан сўнг муносабатлари тезда юмшаб кетарди. Бу гал негадир муаллимнинг дийдаси тош эди. "Қулоқнинг боласи" эканлигини юзига солгани умуман кечириб бўлмайдиган гуноҳ, ҳар ким аввал ўзига боқсин. Ўзгалардан хато ахтаргувчи гуноҳкор бандаларининг кўплигидан Оллоҳ ҳам безор.

Раҳмон муаллим бугун хотинидан эшитиб қолди, кеча участка инспектори келиб қўшнисининг чолдеворидаги ҳосилга энган кўкнорисини ўроқ билан чапарастасига ўриб, янчиб кетибди. Сатанг бундан аввал унга хўп ялинганмиш, инспектор рози бўлмабди. "Ҳали қонун олдида жавоб берасиз", дея қанақадир қоғозларга қўл қўйдириб кетганмиш. Худога хуш келмайдиган иш қилмаслик керак, бошқача йўл билан гуноҳи ўзинга уради. Шу боис ҳеч кимнинг дилига озор етказма, ҳеч кимга ёмонлик қилма, дегувчи эди раҳматли онаси. Мана, сатангнинг қилғилиғи ўзига акс-садо бўлиб қайтибди.

... Раҳмон муаллим меҳмонликка келган божасини гузар бўйлаб кузатиб чиқаркан, токзори ичида ўралашиб юрган қўшнисини кўрди. Чол консерва банкалари, қопқоқлар, зангланган темир парчалари, яна силкитса овоз берадиган қақир-қуқурлар тизилган узун симнинг бир учини бостирмасига, иккинчи учини унинг уйи орқасидаги шотут шохига тортиш билан овра эди.

— Ассалому алайкум, Мирзақул ака, саломатмисиз? Қоровулларингиз зўр-ку,— дея ҳол-аҳвол сўрашди божаси у билан.

— Ваалайкум ассалом, энди... шундай қилмасангизам бўлмайди-да, Михливой. Қушлар узумни битта қолдирмай чўқиб кетяпти. Ҳарна-да, шалдир-шулдурни эшитиб қочишади. Божангиз менга тош отгани отган, наша экканимни мелисага етказипти, нима қилай, кампирим қурғур кўкнорисиз тулолмайди, нашаванд бўп қолган. Кеча мелисалар келиб дакиминтлаштириб кетди. Қамаб қўядиёв энди...

Муаллим ёғираётган қўшниси олдида божасига нима деярини билмай қолди. Сатанг арз-додини шу даражада асосли оҳангда сўзлардики, божаси дам ишонқираб, дам ишонқирамай унга, сўнгра чолга қараб юзланди:

— Девор-дармиён қўшнилари уришиб юрса уят-ку. Узоқдаги қариндошиндан яқиндаги яхши қўшнинг афзал, деган гап бор. Мен ораларингизга тушиб ақл ўргатмоқчи эмасману, ҳар қалай кек сақлаб, бир-бирларингизни чалиб юрсаларингиз яхшими?

— Мирзақул ака, тухмат қилманг, ёмон бўлади. Мендан кўра кўпроқ кўйлак йиртгансиз, уришиб қолсак, мендан кўраркансиз-да. Сўранг, бориб ўша мелисадан. Текшириш — унинг вазифаси. Божа, сизам биларбилмас аралашаверманг, — муаллим тўғриси, қўшнисига қўшилиб божаси ҳам устига мағзава ағдараётганига чидаб тулолмади.

— Сиздан бошқа кима етказарди?— тўнғиллади чол.

— Тухмат қилишгаям зақунда жазо бор, Мирзақул ака,— муаллимнинг ранги қув ўчди, пешанасидаги



ажинлар кўпайгандек бўлди, юзидаги маъюслик йўқолиб, боши айланди, кўз ўнги хиралашди, атрофдаги нарсалар айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Ўзини идрок этишга, бошқаришга қодир эмасди, пичоқ бориб суягига қадалса ҳам "рақибига"га қўл кўтаришдан ўзини зўрга тийди. Шунча можаро етмагандек тухмат балосига ҳам йўлиқдими ҳали.

— Мирзакул ака, наҳотки тухмат қилишдан уялмасангиз, — дея унинг ёнини олди божаси.— Қўйингизлар, бу нима деган гап? Ён қўшни, жон қўшни, уят эмасми, ахир? Божалар сангноққа тушишди. Сои суви мавжланиб, бир маромда оқиб ётар, оёқ тагидаги катта-кичик тош ва қум зарралари туфайли бемалол юриб бўлмас эди.

Сатанг индамади, бу гап қулоғига ёқиб тушди шекли, Раҳмон муаллим вазиятни юмшатишга интилаётган божасининг елкасига қўлини ташлади. Божаси Михлиовой унинг нима демоқчи бўлганини англаб, муаллимга эргашди. Божалар сангноққа тушишди. Сои суви мавжланиб, бир маромда оқиб ётар, оёқ тагидаги катта-кичик тош ва қум зарралари туфайли бемалол юриб бўлмас эди.

\* \* \*

Участка инспектори Мирзакул сатангнинг кўкнори эканини тасдиқлаштиш учун гувоҳ сифатида муаллимдан тушунтириш хати ёзиб беришини талаб қилди. Муаллим бош тортди.

— Нега ўқитувчи бўла туриб, жиноятга қўл урганидан хабардор бўла туриб, қўшнингизни ҳимоя қиласиз?

— Мен кўрмаганман.

— Кўрмаслигингиз мумкин эмас.

— Нега ишонмайсиз, ахир?

— Бунга ҳеч ким ишонмайди.

— Қўйинг, ука, ёмонликка олсангиз, ҳаммамизниям гуноҳларимиз кўп. Шу чолга жабр қилманг, беш кунлиги борми, йўқми?

— Мен ҳал қилмайман буни. Актни началникка олиб кириб берганман. Энди улар ё катта миқдорда жарима тўлайди, ё қамалади.

— Бундай қилманг, ука, илтимос.

— Айтдим, менинг қўлимда эмас деб. Хатга тушдинг, ўтга тушдинг.

— Керак бўлса, бошлиғингизга ўзим кираман, у менинг синдошим бўлади.

— Э, гап бу ёқда экан-да, яхши агар шундай қилишга қарорингиз қатъий бўлса, нима ҳам дердим? Агар у киши сизни талабингизни инобатга олиб, команда берса, бизлар кичкина одам, бажараверамиз.

...Муаллим ва участка инспектори орасидаги бу мулоқотдан беҳабар Мирзакул сатанг икки кун ўтиб, ички ишлар идораси бошлиғи ҳузурида қўшнисини кўриб, кўрқиб кетди. "Қаматишгача борибди-да" деган ўй ўтди миясидан. Айни пайтда божасининг ҳалиги гапини эслаб, ўзига ўзи таскин берди: "Бунақа эмасдир". Саломлашув ва суҳбатдан сўнг улар бутунлай бошқа ниятда эканлиги ойдинлашди. Ҳар қалай қўшнисининг юз-кўзидаги ифода нияти холисидан сўзлаб турибди. Аммо Сатанг унинг юзига қараб, хайрихоҳлигини қабул

қилишга барибир қийналди. Бошга тушганини кўз кўрар, давлат ҳам адолатсизлик қилмас, ахир етмишдан ошган чол-кампирни авахтага олиб бориб тиқишга орган ходимларининг ҳам ҳадди сиғмаса керак. Жарима-чи? Гап авзойларидан буни ҳам бекор қилиш мумкинга ўхшайди. Мирзакул сатанг отдан тушса ҳам, эгардан тушгиси келмагандек қўшнисига зимдан разм солди. Раҳмон муаллим бошлиқнинг столига уланган иккинчи столда қўлларини бир-бирига қовуштирганча бамайлихотир ўтирарди.

— Отахон, агар мана бу одам менинг синфдошим бўлмаганида, олдимга келиб, сиз учун кечирим сўрамаганида ҳали анчагина оворайи сарсон бўлардингиз.

Сатанг қатор стуллар, жавонларига семиз-семиз папкалар қўйилган хонага кирганида бир зум анграйиб қолди. Боз устига бошлиқнинг ҳалиги гапини эшитиб, Худога шукр қилди. Қўшнисидан бундай муруватни кутиш хаёлига келибдими? Бундай пайтда нима дейларди ўзи, миннатдорчилик билдириш керакми, кечирим сўраш лозимми, сатанг бир қарорга келолмасдан гарангсиз турарди.

— Энди биз нима қилайлик, ука?— дея узр сўраган бўлди чол айбига иқрорлик маъносида.

Бошлиқ аввал сатангга, сўнг муаллимга қаради, афтидан у қўшниларни муроасага келтириш учун имконият ахтараётгандек эди.

— Энди девор-дармиён ҳамсоялар ит-мушук бўлиб юрсанглр уят, би-ир яраш оши қилинглр, бориб ейлик. Сиз, отахон, жарима тўлашданам қутулдингиз, шу учун...— бошлиқ гапининг давомини айтолмай чайналди.

Чол буни зийраклик билан илғади:

— Ошни мен дамлашим керакми?

— Йўқ, йўқ, дўстим, бунинг сира ҳожати йўқ,— гапга муаллим аралашди.

— Э, дўстима, ҳеч хокисорлигинг, камтарлигинг қомади-да. Сендан бошқа одам бўлса, ўртага тушгани учун пул ҳам ишлаб оларди,— деди бошлиқ муаллимнинг ёнини ошқора олиб кейин чолга қараб кўшиб қўйди:

— Сиз кўзингизни каттароқ очинг, кўкнори экманг, мумкин эмас, истеъмоқ қилишдан-ку, тийилишингиз қийин, пулига чидасангиз сотиб олинг, сизга рухсат,— юзидан қон томиб турган бақувват киши — бошлиқ сатангга қўли билан эшикни кўрсатди.

— Дунёнинг ишларига ҳайронсан, мен бу одамга шу ерга келинг дебманми?— деб тўнғиллади Сатанг ва юмшоқ гиламни калиши билан бир-бир босиб, икки тавақали эшикдан коридорга чиқди. Ичкарига кириш учун навбат кутиб турган одамларни кўриб, чол каттақоннинг олдига ўзи бемалол кириб чиққанидан қандайдир мамнунлик туйди. Қўшнисини кутсинми, йўқми? Яхши-си, ўзи кетади, барибир суҳбатлари қовушмайди... "Мен унинг шу яхшилигига куним қолибдими, энди ўла-ўлгунимча буни юзимга солса керак", деб ўйлади чол.

Мирзакул сатанг идора ҳовлисидаги водопроводдан қониб-қониб сув ичди-да, темир дарвозадан ташқарига чиқди...

## ИСЁН

Туғилиб ўсган, шўх-шодон болалигим кечган уйим-азарона. Ҳамдардлик билдириш учун келиб-кетаётганлар оз эмас. Мен бошим эгик, юракка жиндай бўлса-да таскин берувчи “бандалик” деган сўзни қайта-қайта эшитишга мажбурман. Ўнгу сўлимда, рўпарамда, ортимда, хуллас, ҳар тарафимда бақириқ-чақириқларга қўшилиб, яккаш шу сўз жаранлар, бундан бутун вужудим сирқирамоқда эди. Эшитмасликнинг ёки бу кўргиликдан қочиб қутулишнинг иложи йўқ эди. Ичкарида эса бандаликнинг сўнгги шартини бажо келтирган марҳума — хотиним ётарди. Ҳадемай мурдашўйлар унинг ҳорда осилиб, жони узилган танасини ювиб, кафанга ўрашларини, сўнгра тобутга жойлаб, бир чақирим наридаги сим билан ўралган қишлоқ қабристонига элтишларини ўйлаб, жисму жаҳоним титраб кетди, сўнгра ҳолим нима кечади? Ҳайҳотдек ҳовлида усиз яшамоқ... йўқ, йўқ, буни тасаввур этмоқликнинг ўзи мушкул. Хотини ўз жонига бекордан-бекор қасд қилмаса керак, наҳотки у шунчалар жоҳил, мараз кимса бўлса, қабилидаги миш-мишларнинг қаҳрамонига айланиш хавфи мени дамба-дам исканжага олар, бутун даҳшат ҳам шунда — ҳамма нарсага фаҳмим етиб турганида эди. Руҳимда бир тўлғоқ бошлангани, балки содир бўлган кўнгилсизлик сабабларини ойдинлаштиришга зўр бериб уринишдир бу. Хотирамда эса чала-ярим жонланган хуш-нохуш воқеалар гавдаланар, ниманидир тиклашга уринардим. Қилчалик айбим йўқлигини ён-веримдагиларга ётиғи билан уқдиргим келарди. Ахир у ўзини ўзи ҳалок этган бўлса, менинг ёзуғим нима? Эри бўлиб, тирикчилик аравасини бирга тортганимми? Тўрт йилдан бери фарзанд туғишини ва мени шодумон этишини илҳақ кутганимми? Менчалик сабр-тоқатли, босиқ, умидлар қуршовида юрган одам бўлса, қани, топиб беринг.

...Эндигина институтни тамомлаган ёш йигит қишлоққа қайтса, бунинг устига у бўй-баста келишган, бамаънигина бўлса, қизларнинг илнжига айланиб, ким биландир қуда-анда тутиниш орзусида юрган аёлларнинг назарига тушаркан. Қулоғимга чалинган турфа гапу миш-мишлар, масалан, Ойкумуш холанинг онамдан мени қачон уйлантириш ҳақида бот-бот сўраётгани, онамининг эса “Шу аёлда бир эмас, уч қиз етилиб турибди” дея розилигимни олмоқчидек зимдан разм солиши, Майрам исмли синфдошимнинг мени кутиб юргани ўзимга нисбатан ўзгаларда эътибор ва қизиқиш шаклланганидан далолат берар, бундан, тўғриси, сармаст эдим. Гузардаги ҳамсоямиз Мустафо чолнинг ўнинчида ўқийдиган невараси Гуландомнинг мени кўрганда, хуркиб ўзини олиб қочиши замирида ҳам қандайдир муддао сезилар, фаҳмимча, менга номзодлар етарли эди. Бинобарин, бу мени кувонтирар, номзодларим қанчалик кўп бўлса, шунчалик гурурланар, ростини айтганда, ўз жуфту ҳалоллига эга бўлиш, у билан бор дунёни унутиб қўшилиш, ишқ оламининг сирү синоатга тўлиқ ажойиб ва гаройиб кечинмаларини бошдан кечириш туйғуси, умуман, эртанги ҳаётнинг ширин тасаввурига кўмилганимдан мамнун эдим.

Ишга жойлашиб, қишлоқнинг бирмунча зерикарли, осойишта муҳитига кўника бошлаган кунларимда, ота юртига тўйга бориб келган онам чехраси ёришиб, мени ёнига ўтқазиб, шундай деб қолди:

— Болам, энди бошингни иккита қилайлик,

топганимга кўнгин. Туйғун тоғангни келинининг синглиси бор экан, кеча тўйда кўрдим. Қўл-оёғи чаққонгина, хусниям бинойидай. Тоғангам сўради, ҳали уйлаганим йўқ, дедим. Шу қизни обер, кам бўлмайсан, опасидан ёлчиёп-миз, деди. Агар танлаганинг бўлса, уни айт.

Мен маъқуллаш маъносида бош ирғадим. Етолмай рўёга айланган, чин маънода ўз қадрини сақлаб қолган муҳаббат энди мен учун ширину аччиқ хотиралар бахш этишини онаизорим қайдан билсин? Бунга гўёки ўзи айбдордек юзида фавқулодда таажжублиниш акс этди, овозида эса ҳамдардлик сезиларди. Сукутга чўмдим, нолаю афғон чекишдан не наф? Олис жойга қиз узатишни истамаган севгилимнинг ота-онасини ҳам қоралаш инсофдан эмасдир.

... Уч ўғилни отасиз, айланиб-ўргилиб ўстирган муштипар мендан ижобий жавоб эшитгач, йиққан-сиққанларини таомилга мувофиқ қиз томонга ошириб, келин туширди. Акаларим ҳам қараб туришмади, сарпо, мол-ҳол дегандай елиб-югуриб тўғрилашди. Тўй арафасида куёв йигитлар қандайки тотли нашидалар оғушида масрур юрса, мен ҳам шундай ҳолатда эдим. Биринчидан, келинни кўрмаганим, иккинчидан у ҳақдаги мақтов руҳи билан суғорилган таърифлар, учинчидан, уйланган жўраларимнинг ҳазил-мутойибалари, бепарда насиҳатлари туйғуларимни жунбушга келтирар, никоҳ оқшомини бесабрлик билан кутмоқда эдим. Севги тўшакда туғилади, деб кимларки нақл юритган бўлса, юз фоиз қўшиламан. Тўйдан кейинги илк оқшомдаёқ тоғ оҳусини ( унга шундай ном қўйиб олдим) севиб қолдим. Менга кундузлари унинг дийдорига, бўй-бастига тўйиш камлик қилар, оқшом бўзариши билан оҳугинамининг қуралай кўзларига термулар, юз-кўзидаги тобеликни, журъатсизликни эркалаш ва илтифотлар билан йўқотар, жисмимни эгаллаб олган тотли ҳиссиётларни тилда ва дилда ошкор этгим келар, шубҳасиз, мен унга мафтун эдим, буни таърифлашга забоним ожизлик қилади.

Ўйнинг тўрдаги бурчагига тутилган қуроқ гўшанга ичда аллақандай ирим-сиримларни бажо келтирган янгалар иккимизни холи қолдиришганда, оқ рўмол ёпинган бу малак эпчиллик билан ўнг оёғини оёғим устига босган, бу эҳтиётсизлик эмас, балки атайлабдан қилинган ҳаракат эди. Нега шундай қилди, бу ҳақда кейинчалик ўзи гап очиб, менинг кулгимни қистади. Унинг таъкидлашича, чимилдикда ким биринчи бўлиб, жуфтининг оёғини босса, қўша қаригунча оилада ўшанинг устунлиги сақланармиш. Мен тоғ оҳусининг ақидасига ишонмасам ҳам, мийиғимда жилмайиб қўйдим, ёлғон гап, деб уни биринчи кунданок ранжитишдан истиҳола қилдим. Мусулмончиликдаги анъанага кўра, оилада эркак киши ҳукмрон бўлмаса, унинг мавқеи, иззат-хурмати қаёқда қолади? Дарвоқе, гап бунда ҳам эмас, майли, у ўз тамойилига содиқлигича қолаверсин, қарши эмасман, мен фақат ёш келин-куёвлар қанчадир муддат ўтгач, оиласига шоду хуррамлик ҳада этивчи бола дунёга келишини орзиқиб кутишларидан ўзим ҳам мустасно эмаслигимни биламан. Бундай омад кулиб боқишини қайси йигит истамайди? Афтидан, у ҳам ўзида ўзгариш рўй беришини орзиқиб кутар, фель-атворида қандайдир асовлик, жиззакилик, изтиробга мойиллик пайдо бўлган, буларни сиртига чиқармас, дарди ичида, чехраси маънос эди. Бунга аввало ўзини гуноҳкор деб билаётганини хатти-



ҳаракатлари орқали сезганимда, мен бу жувондаги ғайритабиий итоаткорликдан мамнун бўлганимни яхши эслайман. Очигини айтсам, ўша пайтлар, яъни тўйимиз бўлганининг биринчи йилида муносабатларимизнинг илк ойлардагидек бегараз эмаслигига худди шу нарса соя ташлаб турарди. Эҳтимол, унинг назарида мен ҳам бошқача бўлиб, ўзгариб қолгандирман. Ахир киши ўз феъл-атворидаги табиий равишда пайдо бўлган кусурларни тан олмаслиги мумкин эмас.

Кечки тановулдан сўнг ўтирган жойимизга ўнғайсиз, на онам, на у, на мен бузишга журъат этадиган давомли жимлик чўқар, мўъжазгина ойнайи-жаҳон бўлмаса, бу сукунат ҳар биримизни навбат билан ютиб юборадигандек эди. Бурчаккинда девор зеҳига ёстиқ тираб, кўнишибгина онам ўтирар, телевизордаги аллақайси қитъадан узатилаётган нохуш ҳодисаларни жимгина томоша қилар, аммо шу нарса аён эдики, неварга кўриш бахтини кутиб, бу муштипар иккимиздан кўра зиёдрок ташвиш чекар, қариганда орзу-ҳавас кўриш истаги унга тинчлик бермаётганлиги рост эди, ҳаттоки шундай нияти борлигини яширмасди ҳам. Баъзан у хотинимга оғирроқ нарсаларни кўтармасликни, овқатланишдан қисинмасликни уқдирар, тўй-ҳашамларга бориб алмаштириб келган кийимларнинг сарасини ажратиб кўяр, "Худо хоҳласа, болларинга тўй қилганда ишлатарсан" дея эзгу тилак билдирган бўлиб, унинг дил ярасига туз сепарди. Бошга муаммо тушганда, эркакларга нисбатан аёллар иродасизлик қилишини сиз ҳам инкор этмасангиз керак. Ҳар қалай кўп ҳолларда шундай. Аёлимнинг менга сездирмай йиғлаб олганлари, Худога ёлвориб, тирноқ ато этишини сўраганларига кўп марта шоҳид бўлганман.

... Бемаҳалда эшик тақиллади, ҳали ухламагандик. Мен иш қоғозларимни титкилаб ўтирар, у эса аллақердан топиб келган "Оила" рисоласи мутолаасига берилган, хонага чўккан сукунат туфайли арзимаган товуш ҳам кулоққа чалинарди. На у, на мен тургимиз келмади, эшик яна тақиллади.

— Эшикни очмайсизми?— деди у ниҳоят китобдан бошини кўтариб, овози дағалроқ эди, ёпирай, кўзлари зулматни ёритган нурдайн шиддаткор чақнар, туб-тубида эса бир ҳовуч ғалаён, алғов-далғов дард акс этганди, бу ҳолатни ўзимга қарши бош кўтариш деб қабул қилдим, боз устига ҳалиги истеҳзоли буйруғи бориб турган ҳурматсизлик эмасми?

— Сен очсанг-чи, нима бу ерда фақат мен яшайманми?— деб хитоб қилиб юбордим мен. Сўнгги вақтларда бепушт аёлга йўлиққанымдан тушқунлик кайфиятига берилиб, уни кўрганда асабийлашиб кетаяпман. Бир жазавага тушсам, қутурган итдек ҳамла қилишимни ва ўзига шикаст етказишимни у биларди. Хотиним шу дафъада бироз ҳайиқиб турди-да, мутеларча қиёфада хўмрайиб, вазмин қадамларда айвонга чиқди, ширқ этиб, эшик зулфагини кўтарди. Эшик ортида у ким биландир гаплашди, беихтиёр қулоқларимни динг қилиб олдим. Йўқ, бу рашк туйғуси эмас, шуңчаки, фавқулодда безовталиқни босиб қўйиш эди. У хиёнат кўчасига кирадиган, ўз интиқомини шу усул билан амалга оширадиган аёллар тоифасидан эмасди. Сўзларида ҳам, кўзларида ҳам менга чексиз ҳурматини, садоқатини намоён этишга интилар, бурчим шу деб ўйлаганидан танҳо орзуси — фарзанд кўриш истаги ҳам бунга халал бермасди.

У айвонда қўшни аёл— Ўғилой билан турар, суҳбатлашиш асносида бу хотиннинг кенжатоий кутилмаганда иситма аралаш ахлаб, уларни кўрқитиб юборганидан хабардор бўлдим. Ҳароратни ўлчамоқчи бўлсалар, асбоби топилмайди, югуриб бизникига чиққан.

— Йўқ эди-я, янга. Бунақа нарсаларга ишимиз туш-

магач, олибам келмаганмиз,— деди хотиним унинг ҳожатини чиқаролмаслигидан хижолат чеккандек.

— Менам ҳардамхаёлман, боласи йўқ уйда бу градусник ўлгур керагам бўмайди-да. Ўзимизники бор эди-я, яшшамагурлар қаёққа обчиқиб ташлаганикин?— Ўғилой шундай дея шанғиллаб чиқиб кетди. Ўйламасдан ёки фаросатсизларча айтган сўзи изғиб қолаверди унинг. Оҳ, маънавий дунёси қашшоқ одамлар, лоақал айтажак сўзингизни тарозига солиб ҳавола этсангиз бўлмайдими, ахир бир оғиз ножоиз, қалтис сўз у тугул менинг ҳам суяк-суягимдан ўтиб кетди-ку. Хотинимнинг юзи тундлашди, кўзларида илтижо акс этди, афтидан менга нимадир демоққа оғиз жуфтладию, фикридан қайтди. Буни унинг ўз қисматидан куйиниши деб қабул қилмоқ жоиз. Атрофида юрган яқин кишиларига бу ҳолат қандай таъсир этишини, эҳтимол у чуқурроқ мулоҳаза қилмас.

— Ким экан у?— сўрадим ўсмоқчилаб.

— Ўғилой янга, боласининг тоби қочиб қопти, шунга градусник излаб....

Унинг товуши ҳазинликка қоришиб нақадар мулойим чиқмасин, тутқаноғи тутган одамдай унга қараб хезландим. Хотиним кўрқиб, нигоҳини таажжуб тўла кўзларимга рўпара қилди, барибир мен ўзимни босолмадим, ҳа, босолмадим. Ахир сабрнинг ҳам чеки бордир, никоҳимизнинг учинчи йили бошланганди, хоҳишим ва тахминимга кўра, у иккинчи болага ҳомилалор бўлиши, оиламизга қувонч ва саодат бағишлаши керак эди. Аммо бари аксинча кечаётгани, бунда фақат уни айблаётганим кўп ҳолларда мени худбинлик домига тортиб кетар, баъзан уни аямай-нетмай ҳақорат ва тавқи-лаънатларга кўмиб ташлардим.

— Сен қачон туғасан, қачон биз ҳам одамларга ўхшаб бола-чақа ташвишига кўмиламиз?

Мен ундан иддаоларимга қарши акс-садо қайтишини мутлақо истамасдим, ғазабимни очикдан-очик ошкор этиш учунми, билмадим, ҳар қалай чидаб туролмадим.

— Сен менинг ўрнимга ўзингни кўйиб кўргин, уйда ўтирасан, дунё беҳабар бўлиб. Мен эса кўчанинг одами, элни ичида бош кўтариб юролмай қолдим-ку. Билган билди, билмаган сўраб дардимни янгилайди.

— Мен нима қилишим керак? — кутилмаганда унинг йиғи аралаш беозоргина эътирози қулоғимга чалинди.

— Сенми, сен туғишинг керак. Хотинлар туғиш учун яралган, билдингми?— мен жон ачиғида унинг юз-кўзи аралаш тарсаки тушириб юбордим.

— Э Худо, айбим нима менинг? Шунақа яшагандан кўра ўлиб кўя қолсам бўлмасмиди? Қачон ер қаърига киранман?— деган дийдиёсини тўкиб солмагунча калтаклашда давом этдим.

Хотиним кўрпачага узала тушиб, ҳиқиллаб йиғларди. Гўёки бу билан менда раҳм-шафқат уйғотмоқчи, деган худбинларча бир фикр миямга келдию, баттар жазавага тушдим.

— Айб мендами ахир, дўхтирларга неча марта кўриндим-ку, ҳаммаси туғадиган аёلسиз, эрингиз ҳам ўзини текширтисин, дейди, сиз бўлса буни ор биласиз...

Мен тошдек қотиб қолдим, дафъатан ўйлаб топган тадбирим чиппақка чиққан, бошқача жиҳатдан ёндашганда эса у юзингда кўзинг борми, демасдан мени айбламоқда эди.

— Демак, айб менда экан-да. Бекорларни бештасини айтибсан. Ўша дўхтиринг номаъқул бузоқни гўштини ебди. Мен соппа-соғман, бизнинг авлодда бепуштлар бўлмаган, аҳмоқ хотин,— менинг ўрнимда бўлган ҳар қандай эркак бундай вазиятда, эҳтимол худди шу тарзда титраб-қақшаган бўларди.

У қандай ҳодиса рӯй беришини сезди, оҳишта ўрнидан турди, ўзидан хатолик ўтганини сезгандек сукутда эди. Уй тўридан пойгоҳга қадар бўлган бир неча қадамни юриб эмас, гўёки учиб босиб ўтди, афтидан у ўзига ҳимоябоп жой изларди. Уни ўз ҳолига қўйдим, бироқ юрагимда уйғонган хавф унга ўша оқшом ва кейинги кунларда кўз-қулоқ бўлиб туришимга мени ҳар лаҳзада мажбур эта бошлади.

Ахир бу ақл бовар қиладиган гапми? Бефарзандликда эркак кишини айблаш... Мен хотинимдан бундай зарбани фақат ўша кунни эшитганим йўқ, бу тўғридаги баҳс-мунозара бошланди дегунча менинг устимга мағзава ағдаришдан у тап тортмай қўйди. Наҳотки айб менда бўлса, деб ўз-ўзимни тафтиш қилишга одатландим. Аммо эрлик, эркаклик ғурури буни кескин рад этар, шифокорга бориб учрашиш назаримда, ўзимни ўзим ерга уриш бўлиб туюлар, нафсиламбрини айтганда, қусур менда бўлиб чиқишидан қаттиқ ҳадиксирардим. Шу тариқа кунлар, кунлар кетидан ойлар ва бир-бирини қувиб йиллар ҳам ўтиб кетмоқда эди. Аммо шуни мардларча тан олиб айтишим керакки, хотинимни ҳар қанча сўкмайин, ҳар қанча уриб хўрламайин, худди қадимгилар айтган гапга амал қилмоқчидек, у хонадонимизга тош бўлиб чўкишни ўйлармиди, бирор марта тугунини кўтариб, ота-онасиникига кетган эмасди. Мен ундаги сабр-тоқатнинг, ориятнинг нақадар улкан эканлигига шу лаҳзаларда кўпроқ иқрор бўлаёпман.

...У ўзини ўзи бир нарса қилиб қўймасин, деган ваҳима юрагимни яшин янглиғ тилиб ўтди, қолаверса, анча куч сарфлаб қўйиб, ҳолдан тойган эдим, хонтахтага бошимни қўйдиму, чуқур ух тортдим. Ахир у мени нега тушунмайди, тенг-тўшларим орасида йигит бошимни мағрур кўтариб юришимга айнан шу тирноққа зорлик сабабчи бўлаётганини нечун ҳис қилмайди у? Менинг ўрнимда ўзи бўлса, аниқки, уч йил тутул, бир йил ҳам чидолмасди. Ҳар ҳолда ўқиган йигит учун бундан ўтиб тушадиган омадсизлик йўқ. Миям худди ари уясидек ғувиллар, бир қарорнинг нуқтасини тутганимда, иккинчиси кўндаланг бўларди. У билан тинчгина ажрашсам-чи. Ажралиш учун иккала томоннинг розилиги керак, у эса буни хоҳламайди, биламан, отасиникига тавқи-лаънат билан қайтиб бориб, сиғинди бўлиб яшашдан номус қилади. Орамиздаги жарлик кун сайин катталлашиб борар, хотиржам, фаровон дамларимиз ўрнини хавотир ва саросарлик эгаллаётганга ўхшарди. Ўша тўқнашувдан кейин бир-биримизга бегонадай бўлиб қолдик. Яқинлиқни тиклашга на мен, на у интиларди. Мен-ку, унинг ҳалиги даввосидан сўнг ўзимга келолмай юрардим, ҳатто бунга ишонмадим, унинг тавалло қилиб, кечирим сўрашини истардим. Онам ҳам бу гапдан хабар топган экан, ётиги билан насиҳат қилди.

— Болам, икковингам дўхтирга бориб кўрининглар ёки эскичасига қаратайлик. Уни туғмайди, туғмайди деб ёзгирасан. Насл-насабда бепушт аёллар йўқ экан-ку, суриштирдим. Буям бировни арзандаси, ердан олиб, ерга солма.

— Э, эна, бу авлод-аждодга боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин, наҳотки тушунмасангиз? — дея ўз фикримда қатъий туриб олдим мен.

Ўйлаб қолдим, наҳотки айб менда бўлса, ишониш қийин. Хотиним билан етаклашиб, шифохонага бориш ўтакетган шармандалаи ҳол, мен бундай қилмайман, қилолмайман. Балки сиз ҳам мени қораларсиз, муҳтарам ўқувчим, лекин ўша кезде менинг ўрнимда сиз бўлганингизда қандай йўл тутардингиз, дўхтирга бориш ҳақида ўйлармидингиз? Телбалик ҳам эви би-


лан, ярамас ва бемаза саволларни кимга, нима мақсадда беряпман, ниҳоятда мудҳиш ва тушунарсиз вазият ҳар ҳолда бирдан рўй бермади, балки бунга аввалдан замин тайёрланганига ўзим шоҳидман-ку. Нима учун у сўнгги манзилни ихтиёр этди экан, наҳотки бу мароқли ҳаётни абадул-абад тарк этиш қарорини қатъий қабул қилишга қийналмаган бўлса. Чамамда, у менинг оташин муҳаббатимдан кейин табиий равишда келиб чиққан нафратимга дош беролмади, бир қанча муддат довираб, иккиланиб, ўзига келолмасдан юрди ва оқибатда ўлимни афзал кўрган. Бундан бошқача хулосам йўқ, ишонинг.

Эзмалик қилиб юбордим, узр. Гап менинг хулқ-атворим қандай оқибатга олиб келгани ҳақида кетаяпти. Мени гўзал ва жозибатор жувоннинг ўлимида айбламасликларини жон-дилдан истаган ҳолда кечинмаларимни яширмасдан сизга тўқмоқдаман. Ажабланарлиси шундаки, ҳозир кўққисдан миямда у мени ёмон кўрармиди, деган савол чарх урмоқда. Нега у тирик юрган дамларда бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман, жавобим мужмал. Аслида қандайдир девор бизни ажратиб турар, бу эса туйғу ва қарашларимизнинг сезиларли даражада бир-бирига зидлигини оппаксонлик билан таъминлар эди. Унинг бевақт ажал билан юзма-юз бўлиши менга нисбатан унда туғилган нафратга боғлиқ эмасмикан? Ҳар ҳолда шундай. Кутилмаганда ўлим уни ўзига қорлаган, дунё кўзига зим-зиё кўринган бўлса, нега мени айблашади? Ваҳоланки, ўз жонига қасд қилиш осон иш эмас. Тўқнашувларимиздан бири содир бўлгач, бунисини бор тафсилоти билан ҳикоя қилиб берсам, мен аҳмоқни мутлақо кечирмайсиз — у ўзига келолмай, бир ҳафтача касалхонада ётиб чиқди. Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди, ҳол сўраб боришга юзим чидармиди. Калтак зарбидан юз-кўзи шишиб, кўкариб, кўзлари қисилиб, уч кунгача оғир беморлар бўлмасида ётди. Менинг ўрнимга онаизорим зир қатнарди, хуши ўзига келиб, шифокорлар нима бўлганини ётиги билан сўрашса ҳам, ул муштипар "ёрилмабди". Биламан, менга жабр бўлишини истамаган. Оддий қишлоқ қизи бу қадар олийжанобликни қаердан ва кимдан ўрганган экан? Қариндош-уруғларига ҳам касалхонада ётганини айтмасликни онамдан илтимос қилибди. Бир ҳафта бир ойдай туюлиб, виждон азобида юрдим. Фақат бутун воқеадан хабардор онажоним менга дадла бўлди, минг қарра пушаймон бўлаётганимдан шўрлик таскин-тасалли топган бўлиб, келинини шифохонадан ҳам ўзи олиб чиқди. Афсус-надомат чекиб, ундан кечирим сўрашга тайёр эдим. Аммо музлаган юракни эритишдек қийин иш йўқ экан. Хотиним муолажадан сўнг ўзига келган бўлса-да, менга муносабатларимиздаги чигаллик, тушунмовчилик тобора илдиз отиб бораётгандек туюлмоқда эди.

Қуёш дераза ортидан кўриниш бергач, юмук кўзларим худди қизғиш, илиқ шуъла қуршовида қолгандек хушёр тортдим. Аллақачон тонг ҳам отибди. У ўрнида йўқ, ҳар кунги юмушлари билан банддир. Тўнимни эгнимга ташлаб, ҳовлига чиқдим. Молхона сари челақ кўтариб кетаётган онамни кўриб, ажабландим. Нима учун қедин турганда қайнона сигир соғиши керак? Юз-қўлимни юваётиб, ҳалигина сигир соғиш учун кетган онамнинг айюҳаннос солиб изига қайтаётганидан юрагим ниманидир сезгандек жигиллаб кетди.

— Эй Худо, бу қандай кўргулик, бу қандай кўргулик? Келинимдан ажраб қопмиз, жон болам. Бунга қандай чидаймиз! Шармисорликдан бош кўтариб юришни айтсанг-чи, жон болам...





— Нима бўпти, эна, тушунтириброқ гапирсангизчи, — дея унга қараб шитоб билан одимладим.

— Ўзини осиб қўйипти, пешонамизда шу кўргулигам бормиди?

— А?

— Ана ишонмасанг, молхонага кир. Бу қандай жудолик, э Худойим. Ёзуғимиз не эди?

— Адолат, Адолат, нима қилдинг, нималар қилиб қўйдинг, Адолат, — энди онамнинг дод-войларига меники ҳам қўшилди. Аммо кўп ўтмай нафасимни ичимга ютишим кераклигини англаб қолдим, ахир кўни-қўшнилар нима деб ўйлашади? Минг лаънат, бундай ҳолатга сира тушмаганман. Оёқ-қўлим қалтирай бошлади, дир-дир титраб, молхонага қараб юрдим. Товуқ катаги билан туташ қилиб қурилган оғилхонанинг устки қисми ва ён тарафлари ёмгиру қор сувидан нураб, пастаккина, кўримсиз бўлиб қолган, олд қисмидаги майдончада селгиб ётган таппи-тезақлар кўзга ташланарди.

Оғилхонанинг ланг очиқ эшигидан хотинимнинг сиртмоққа осилган жонсиз танасини кўрдиму, даҳшатдан қичқариб юбораёздим. Эски иморат шифти у қадар баланд бўлмаганидан жасад билан ер орасидаги оралиқ масофа нари борса икки қарич чиқарди. Хотинимнинг эғнида кечаги кийимлари — атлас қўйлак, катта-катта япроқли оч қизил тусдаги баркут халат, жияк тақилган сидирга матодан лозим, бошида эса бўйни узра ўралган шоҳи рўмол. Мен унинг осилиб турган оёқларини, сиртмоқда қисилиш эвазига бутун гўзаллигини бой берган кўкимтир чехрасига боқарканман, беихтиёр инграб юбордим.

— Нега бундай қилдинг, Адолат? Бу билан мени яксон қилдинг-ку.

— Уни эҳтиётлаб туширайлик, болам. Бу не кўргулик, шундай қилади деб хаёлимга келмабди-я, — ёнгинамда ҳозир бўлган онам териси қуруқшаб, ёрилиб кетган қўллари билан жасадни кучиб, йиғлай бошлади.

Мен бир лаҳза ўзимга энг яқин ҳисобланган икки ожизанинг қўш гавдасини кузатиб турган бўлдим-да, дод-вой солишдан энди наф чиқмаслигини идрок этиб, онамни юпатишга ўтдим.

— Қўйинг энди, эна, бўлар иш бўлди. Аҳмоқгарчилиги билан ҳаммамизни доғда қолдириб кетди. Худога ширк келтириб, ўз жонига қасд қилибдими, дўзах азобига гирифторм бўлади.

— Ундай дема, болам, хотининг биздан рози кетмади, кун бермадинг унга. Мен-ку шўрликнинг ахволи-руҳиясини тушунардим. Сенинг калтакларинг уни жонидан тўйдирган...

Ўлганнинг устига тепгандек айтилган гапларга қарши бир нарса деёлмадим. Онам ҳақ, мен уни тушунмасдан, кўнгли билан ҳисоблашмасдан яшадим, фақат ўзимни ҳақ, фаришта деб билдим. Бундай ҳаёт кечириш қайси аёл зотига ёқадики, унга ёқса...

... Жасад бўйнидаги сиртмоқни ечишимиз билан ерга кулаб тушди. Қай тарихка кўтариб чиқишни билмай бошим қотди. Кўрган кўз нима дейди? Аммо марҳумани тезликда бу ердан уйга олиб ўтишга мажбур бўлдим. Бу

пайтда савр қуёши хиёл кўтарилган, қишлоқда ҳар кунги манзара — одамларнинг тирикчилик учун елиб-югуришлари бошланган эди.

Бугун уни қўплашиб сўнги манзилга кузатяпмиз. Келиб-кетаётганлар, назаримда, бунга сен сабабчисан, дегандек, ёвқараш қилишмоқда. Ўзимдан ўтгани ўзимга аён, мен бундай нафратга, тавқи-лаънатга лойиқман, ҳаттоки дарра билан урсалар ҳам розиман. Уни кўпдан бери ўзига чорлаб, ахири ўз муддаосига эришган ўлим шарпаси баҳор елларидек эсиб ўтиб кетмаганлиги учун ҳам мен айбдорман. Кунларни энди ким билан ўтказаман? У билан видолашиш, мангуга ажралишимни ўйлаб, юрагим орқага тортиб кетаяпти. Маросимга келганлар орасида юрган ота-онаси билан мумкин қадар юзлашмасликка имкон ахтармоқдаман. Ана, яна бир тўда одам келаяпти, худди мен уларнинг ташрифига зордек, у билан танҳо қолдирсалар қанийди. Эркак киши аёлларга ўхшаб тўлиб-тўкилиб йиғлолмас экан, ичдан ҳўрсинаман холос. Илтимос, менинг устимдан кулманг, тавба-тазаррумни оллоҳ ўз даргоҳида қабул қилишини истайман. Энди сарсон-саргардон кунларим бошланмасмикан? Қонунан олиб қаралганда, мен жазога маҳкумман. Сиз уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига олиб боргансиз, дея мени тегишли идора ходимлари сўроққа тутишлари, тергов қилишлари ҳам мумкин, агарки ота-онаси даъво аризаси билан мурожаат қилишса... Аммо ўзимдан ўзим қочиб қутула олармиканман? Киши бирор хатоликка йўл қўйса, унинг ўзига ўзи берадиган саволлари кўпайиб кетади. Энг қийнайдигани эса жавоблардир. Виждон азобида қолиш, ўз саволларингга ўзинг жавоб тополмай ўтиришдан ортиқ изтироб йўқ. Мен худди шундай ҳолатдаман, хотиним гўёки ўз ўлими билан мени жазолашга, ўзим устимдан ўзимнинг ҳукм чиқаришимга имкон яратиб кетган кўринади. Ҳа, унинг миясида худди шундай фикр бўлган, ўзининг фожиасидан сўнг менга нисбатан ёвқарашлар, сўкиш ва қарғишлар ёғилишини кўнглидан минг бора ўтказган. Алам қиладигани шуки, унинг бу қилмиши мен учун ҳақиқатдан ҳам оғир жазодир, на тавба-тазарру, на ялиниб-ёлвориш, қўполроқ қилиб айтганда, на йиқилиб, тиззага бош уриш менинг жисму жонимдаги оғриқни бартараф эта олади.

Аёллар ичкиб йиғлашарди, эркаклар эса бир-бирлари билан шикаста оҳангда сўзлашишар, воқеа тафсилотини суриштирган бўлиб, ачиниш билан бош чайқашарди. Битта овоз ажралиб турибди ва у менинг юрак-бағримни тилка-пора қилаяпти, бу — унинг онаси: "Сенга кун бермаганларнинг куни битса бўлмасмиди, болагинам? Не кунларни бошимга солиб кетдинг, қизгинамо, қизгинам". Фарзанд доғига учраган онаизорни тушунаман, аммо менга ҳам осон тутмасин. Ҳализамон унинг жасадини тобутга солиб, қабристонга олиб кетишади, тобутни кучоқлаб йиғлашимга йўл бермайдилар. Тўғрисини айтганда, дафн маросимида ҳаммадан кўра кўпроқ қайғуга ботган менман, буни ҳис қиларсиз. Яхшиси, ўзингизни менинг ўрнимга қўйманг, бундай жудолик бошингизга тушмасин, акс ҳолда сиз ҳам менга ўхшаб ўзингизни ўзингиз тадқиқ этган бўлардингиз...



Муҳаммад ИСМОИЛ



# Овозим учиб кетди

Биздан бўлак ҳеч ким йўқ,  
Бўлса шундай сайёра.  
Сенга севгим айтардим  
Ҳар лаҳзада минг бора.

Муаттар чаманзорга  
Сен осмон, мен ер бўлиб.  
Юз йилларки ўтирсам,  
Кўзларингга термулиб.

Соғинчларим билмай дош  
Ёнгинга айланса гар.  
Ундан миллионга қуёш  
Исинарди муқаррар.

Сен-ла ёлғиз қолсайдик,  
Биздай куйган қайда бор.  
Яна минг йил яшардик,  
Яна минг бор бахтиёр.

\* \* \*

Эртага ҳижронлар тугару,  
Беқарор муҳаббат бошланар.  
Бизлардан кетади гам-қайғу,  
Кўзларим қувончдан ёшланар.

Термулиб хуснингга телбадай,  
Термулиб-термулиб тўймадим.  
Ҳаётим адашар изиндан,  
Қишидан чиқади юрагим.

Пойингга ташлаган гулларим,  
Кўкдаги юлдуздек сочилган.  
Нур билан баргига уларнинг,  
"Севаман" сўзлари ёзилган.

\* \* \*

Тунлар осмонга боқиб  
Ойни тополмас бўлдим

Дилни оловга ёқиб,  
Кўзни ёпол ас бўлдим.

Билмадим бу не савдо,  
Бўғзимда титрайди чўғ.  
Сенга шайдоман, шайдо,  
Чиройлисан тенги йўғ.

Кўзларингнинг сеҳридан  
Гоҳ сархушман, гоҳ полон.  
Сўзларингнинг меҳридан  
Гоҳо хонман, гоҳ бежон.

Мўъжиза ардоғида  
Тақдир кулиб боқсайди.  
Муҳаббат қучоғида  
Бир жон бўлиб ётсайдик.

\* \* \*

Хонада ёнади хира шамчироқ,  
Куй бўлиб учади лабиндан байтлар.  
Сен менинг шеъримни ўқийсан бироқ,  
Ғамгин юрагимга солмайсан назар.

Оламни пойингга тураман ташлаб,  
Маликасан бошим узра юрганда.  
Ахир менинг шўғим билан бир хасчалик гап,  
Сени бузун бир халқ севиб турганда.

Майли, сен кўкдаги юлдуз бўл, эркам,  
Юлдузлар ҳаёти бешафқат, қаттол.  
Бир нафас самимий қараб кўйиш ҳам,  
Инсоний севи ҳам келади малол.

Ҳеч кимни ўзингга яқин олмайсан,  
Ўзгалар дардини куйлайсан осон.  
Мени ҳозир қилди мен куйлолмаган  
Сен менинг қалбимда яратган достон.

Сен менинг дилимда ёнгинсан буюк,  
Сенга садқа бўлсин бу бечора жон.  
Сени севишимни қўйиш қил суюк,  
Сен уни куйлагин, жон Севаражон!

\* \* \*

Сени кўргим келар, жоним, қайдасан?  
Сени ахтараман телефонларда.  
Биламан, сен кўлим етмас ойдасан,  
Кўрингнинг келмайди биз томонларда.

Кўзимнинг олдида юргин, ўйнагин,  
Тўёлмай куяй сен сочган чиройга.  
Соғинчдан ўзимни қайга қўлайин,  
Зорман етолмай сен яшаган ойга.

Овозинг келади гўё самодан,  
Гоҳида шўху шаён, булутли гоҳо.  
Ернинг бор жавҳарин ваъда айлайман,  
Аммо тунд авзойинг ўзгармас асло.

Билиб қўй, бир кунни тугар тоқатим,  
Бир кунни барига бераман барҳам.  
Гарчанд сенга сира-сира ёқмадим,  
Забт этаман бир кун  
Ойни, сени ҳам.

\* \* \*

Тинмай ёгар совуқ қор,  
Мен-чи нохуш хастаман.  
Киссамда на чақам бор,  
Сенга қандай айтаман.

Қоронғуда қор ютиб,  
Юрганам ой билади.  
Сенга юрак олдириб,  
Тинмай кўргим келади.



Ҳар он, ҳар бир лаҳзада  
Сени минг бор ўйлайман,  
Минг бор тушиб ларзага,  
Жамолингга тўймайман.

Сен кўкдаги малагим,  
Мен ерда юпун, хорман.  
Севар-ми, деб сўрадим  
Ёққан ҳар зарра қордан.

Овозим учиб кетди,  
Булуллардан патлари  
Ҳар юлдузга сени жондан  
Севишимни айтгани.

\* \* \*

Соғиндим, кўзимда ёш,  
Тунга айланди кундуз.  
Осмон ҳам қоп-қора тош,  
Йўқдир бирорта юлдуз.

Зулмат увлайди узун,  
Айт, азизам, қайдасан?  
Тун тугамас мен учун,  
Қачон кунга қайтаман?

Мени чаққандир илон,  
Бир бор қара кўзимга.  
Ҳали ўлмасман, ишон,  
Келиб олай ўзимга.

Ҳали бахт ҳар ерда бор,  
Кутмоққа бор бардошим.  
Сени соғиндим, дилдор,  
Артиб қўй кўзда ёшим.

\* \* \*

**М.Цветаевадан**

Иситмани ишқ дедилар, ташиқ қилдилар,  
Менга эса тазйиқ келгай, танбеҳ келгай,  
Қабиҳ билан дўст эдилар.  
Даҳрий бўлдилар.  
Эл йиғлагай, дил ўкингай  
Мен не қилай.  
Мен не қилай ич-ичимдан куйласам гар.  
Янроқ садо қоплаб олса бор самони  
Ҳар садони тутиб олиб ўлчасалар,  
Мен не қилай  
Чеклайдиган бу дунёни  
Мен не қилай шоир эдим ва шоҳ эдим

Тўрт тарафда зулмат увлар, кулфат  
кулар.  
Кенг дунёга доир эрким, илоҳ эрким  
Бунда эркин доим маҳбус  
этар уллар.

## АЙТИШУВ

**ЙИГИТ:**

Ой чехрангга ошиқман,  
Кўзимга нур етмайди.  
Туну кун кўз олдимдан  
Қарашларинг кетмайди.

**ҚИЗ:**

Эй, ошиқ йигит, ёшсан,  
Ўз ҳолинга қараб юр.  
Сўраб қолсам тўсатдан,  
Жон бермоққа тайёр тур.

**ЙИГИТ:**

Қанча ноз қилсанг, санам,  
Бир сенга ярашади.  
Ёлвориб парилар ҳам,  
Хуснингдан сўрашади.

**ҚИЗ:**

Севаман деб ютинмай  
Айтган сўзинг ёлгондир.  
Ҳаётингни бутунлай  
Бағишлагин, ишонтир.

**ЙИГИТ:**

Ёнимдасан, етолмай  
Рангларим бўлди сомон.

**ҚИЗ:**

Ошиққа миллион йилда  
Бир бора бўлар эҳсон.

\* \* \*

Мен сени эркалаб, сўйиб тўймасам,  
Бир зумга кўзимдан нари қўймасам.  
Аммо айт, не сабаб, бугун бўлмаса,  
Эрта мени ташлаб кетасан, жоним.

Термулиб хуснингга маҳлиёман мен,  
Тарки дунёману қалби дарё мен.  
Сузук кўзларингга айни даво мен.  
Кимларни ахтариб куласан, жоним.

Жонимга қасд қилиб қайтмайсан асло,  
Қайрайсан, бир хуш сўз айтмайсан асло.  
Лаблари болдайсан, алдайсан аммо,  
Қачон таслим бўлиб келасан, жоним.

Пойингда қолай деб айтган чоғларим,  
Ёқмадим, ер бўлди иштиёқларим.  
Сенга ёқса ҳамки ҳаммаёқларим,  
Нега мени ташлаб кетасан, жоним.

\* \* \*

Тобора гуриллаб ёнмоқда олов  
Тобора каттароқ, тобора кенгроқ.  
Тобора ўзимга билмасман аёв,  
Тобора кучаяр кўксимда ингроқ.

Тобора пойингга боряпман чўкиб  
Тобора адашиб, тобора сармаст.  
Тобора сен менга азизроқ бўлиб,  
Ўзимдан тонмоққа қилмоқдаман қасд.

Тобора хуснингга телбаман, телба,  
Тобора бошимга урмоқда қисмат.  
Тоғдай роҳатимни совурдим елга.  
Ўрнига топмадим хасча ҳаловат.

Туйгулар ёнмоқда, идрок ёнмоқда,  
Ёнмоқда шиддатли, тобора асов.  
Бир жонсарақ нафас сарсон томоқда,  
Тобора гуриллаб ёнмоқда олов.

\* \* \*

Тангрим! Бунча чигал дунё бу дунё,  
Ҳеч ким менинг каби ҳайрон бўлмасин.  
Бир сўз айтмоқликка шайман-у, аммо  
Бу сўз мен билмаган ёлгон бўлмасин.

Ақлим ожизмидир, қалбим кўрми, айт,  
Пир деб тутганларим шайтон бўлмасин.  
Ким дўст бўлса жондай дўст бўлсин, фақат  
Йўлидан адашган сарсон бўлмасин.

Кимни мен яхши деб ардоқласам, у  
Қиёмат кунда ёмон бўлмасин.  
Жоним титрогида ўстирган орзу  
Умрим бўстон этсин, қопқон бўлмасин.





Ориф ҲОЖИ

# Чиний кабуларлар

Ҳикоялар

## КЎПКАРИ

Илҳом бойвачча тўй қилди. Тўй деганлари шундай бўлса-да. Ўзиёқ роппа-роса уч кечаю уч кундуз алга ош берди. Одам деганингиз мўрчанинг изидай бири кетиб, бири келиб, ора йўлда бир искашиб, бир сўрашиб, кўнгли бўшроқлари иккинчи бор (бу гал дўстининг кўнгли учун), учинчи бор (энди унга ҳамма дўст) қайтадан дастурхонга ўтириб, қуллукни қуюқ, лекин қуруқ қилиб ошхўрлик қилди. Учунчи кун деганда Ҳомид бақироқ карнайисиз ҳам вишиллаб, хириллаб чиқадиган баланд овозини карнайга жўр қилиб жар солди.

— Одамларооо! Эшитмадим демангларооо. Эрта чошгоҳ Эшимди майдонида кўпкарини!

Эртаси кун Илҳом яна ош дамлади. То чошгоҳгача яна етти қозон ош тарқатилди.

Эртаси меҳмонлар узоқ-яқиндан, буёғи Сурхондарёю Қашқадарёдан, буёғи Нуротаю Бахмалдан, Панжакенту Помир тоғларидан отлиғу яёв (яёви машинада) манаман деган полвонлардан қилтириқ ишқбозларгача келаверди.

Эшимди майдони дегани Эшмуҳаммад биргадирга тегишли пахтадан бўшаган-у, шудгорланмаган пахта пайкали экан, кафтдай текис майдонда ариқлар ва ўқ ариқларни демаса от чопганда халал бергудек жой йўқ, одам деганингиз аввал-бошда пайкал четигаги рошларга қатор чизилди. Улоқ тортиш бошланавергач бошда дадилроқлар, кейин ориятлироқлар, охирида қўрқоқлар, хуллас, ҳамма майдонга тушди.

Чортоқ-тўлдириб сомон босилган тележка. Илҳом бойваччанинг дафтарга тушган меҳмонлари учун яна бир усти очик юк машинаси қўйилди. Қора халқ, остида гининглаган тулпори бор полвонлар майдонда. Томоша бошланди. Боши кесиб терисига туз тиқилган улоқлар кичик тележкада чортоқнинг олдида сомон тўкилиб ярим доира қилинди. "Соврин" деб аталган бу ярим доирага киргизиб ташланган улоқ "ҳалол", яъни шу чавандозга соврин берилади.

Бир трактор кичкина тележкаси билан улоқ ташлайди. Улоқни олиб жўнаган тележка орқасидан полвонлар плугнинг орқасидан учиб-қўниб эргашган қарғаларни эслатади. Уч барзани тележка устида ўтириб улоқни полвонлар ҳужумидан кўриқлайди. Қўлида уч газ-уч газ химич, тинмай сирмайди, бақиради. Полвон деганлари бақувват бўлар экан,

химични писанд қилмайди. Беор ҳам бўлар экан — сўкинчи ҳам писанд қилмайди. Улоқнинг ташланишини кутишга сабри йўқ, ўзини уради. Барзангилардан бири улоқни устига чиқиб ўтириб олади ва айлантриб химич сермайди. Полвонлар ночор қолади. Тележка майдон бошига етиб боради. Улоқ ерга ташланмайди. Барзани улоқ устидан тушиши билан улоқ отлиқлар ўртасида талаш бўла бошлайди, кимдир тақимига олади. От жонивор шунга маҳтал тургандай чортоққа қараб чопди. Йўл-йўлакай томошабин пиёдалар тирқираб қочади. Тажрибалироқлари ўзини таппа ташлаб ётиб олади. "От ҳаётда одамни босмайди", дейди билагонлик қилиб бировлари. Отлар гусурлаб ўтиши билан яна одамлар жойларида тўпланади. Бир-бирини итаришиб отлар ўтиб кетган томонга бўйинини чўзиб қичқирашади:

— Чори, ҳа де! Қўйма!

— Со, Чори, бачагарди қамчин билан сол!


— Торт, Шерал!

— Маккам ушла! Икки!

"Чори"си — Чоривой, Шерал- Шерали бўлса керак, иккисини тушунмадик. Бу ном аслида қандоқ бўлган-тиклай олмадик. Икромиддинмикин? Валлоҳи аълам.

Ҳар ким оғзига келганини бақиради. Оғзига келганини сўкинади. Ҳеч ким ҳеч кимни эшитмайди. Ҳеч ким ҳеч кимдан хафа ҳам бўлмайди. Ғалати издиҳом, ғалати бағрикенглик.

Шу пайт бир отлиқ тўдадан ажралиб чиқиб пиёдаларни айланиб, чортоқ томон чопди. Аттанг, ўқариқнинг жойига келганда от тойиб йиқилади. Уч метр нарига бориб тушган чавандоз шу заҳотиёқ оёққа туриб отига томон хезланади. От ўрнидан туради, деб илгариги оёқларини энди тиклаганда орқадан келган от ўзини тўхтата олмай кўкраклар тураётган отнинг бошига урилади ва устидан сакраб ўтиб кетади. Ўрнидан тураётган от ўқариқ рошига шилқ этиб тушади. Қўзларини ола-қула қилиб бир-икки интилади, лекин туролмайди. Йиқилган чавандоз ўтган чавандознинг етти пуштини ағдариб сўқади ва отининг бошига келади, юганидан ушлаб бир-икки тортади. "Чу" деб сағрисиға шапатиллайди. Қисқаси, оломон отнинг атрофини бир зумда ўраб олади ва зич сафлар ҳар тарафдан отни ва чавандозни сиқиб кела бошлайди. Чавандоз одамларга қараб:



— Қочинглар, ҳаво кирсин, — деб бақиради. Одамлар қочишни хаёлига ҳам келтирмайди. Шу орада чавандознинг шериги етиб келади, одамлар орасини ёриб дўстининг ёнига боради.

— Ўзинг соғми, Эшқул?

— Соппа-соғман. Отим... Одамларни ҳайда, жон жўра.

Шерик одамларга юзланади.

— Қочинглар, шамол кирсин, от қийналяпти.

Одамлар қилт этмайди. Ҳалқа яна ҳам яқинлашади.

— Мусулмонлар, бировнинг оти ўлаётир, ҳавони тўсманг, қочинг, илтимос, — энди ялинишга тушади шерик.

"Мусулмон"ларга барибир. Ҳалқа тобора қалинлашиб, қисиб кела бошлайди.

От кўзларини ола-кула қилиб оёғини типирчилата бошлайди, бошини орқага, олдинга ташлаб зўриқади. Турмоқчи бўлади, ҳаво етишмайди, қурби келмайди.

## НАЗАРБОД КАБУТАРЛАРИ

Назарободга борсангиз Чиний кабутарлар яшайдиган тутзорга албатта ташриф буюринг. У ерда яшайдиган муқаддас кабутарлар сизнинг ким эканлигингизни аниқ айтадилар. Бирор кишининг пок ёки нопоклигини билмоқчи бўлсангиз ҳам... албатта, Назарободга олиб боринг. Агар ўзидан кўнгли тўлмаса, кабутарлар томошасига боролмайди.

Назаробод кабутарларининг тарихи шундай:

Назармат ота қишлоқнинг олди дехқонларидан эди. У қадар бой бўлмаса-да, камбағал ҳам эмас эди. Унинг бир неча таноб ери, икки жуфт қўш хўкизи, биргина сўққабош қароли бор эди. Қарол деганингиз — Маҳматқовул номига қарол бўлса-да, аслида Назармат бобога фарзанд қаторида эди. Назармат бобонинг хотини Халча, кўпчиликнинг фикрича ўшанда Халча туғмасак келин бўлган. Назармат соппа-соғ йигит ҳисобланса-да аслида айб кимдаю ким фарзанд кўришга қобиллигини ҳеч ким билмас эди. Назармат бобо йигитлигида бир неча бор алам устида Халча момони туғмасликда айблаб калтаклаган, ҳовридан тушгач, ҳар гал ўзи узр сўраган. Мазлумнинг қарғишидан кўрқиб шундай қилганми ё ўзидан кўнгли тўлмаганми, бу ҳам қоронғу. Очарчиликда эшикларига нон сўраб келиб қолган чўпдай овғин, қилтириқ бўйин, кимсасиз ўспирин — Маҳматқовулни эшикларидеда сақлаб, қарол мақомида тутишса-да, ҳар иккаласининг меҳри унга нисбатан бўлакча эди. Маҳматқовулни сақлаб олганларида ҳали улар ёш эди. Худонинг даргоҳидан умидлари катта эди. Шунинг учун бўлса керак, гарчи Маҳматқовулни фарзанд ўрнида сақлаш, фарзанд аташ нияти ҳар иккисининг кўнглида бўлса ҳам бир-бирини аяб, кўнглига келмасин деган истиҳола билан бу сирни на эр, на хотин ошкор қила билди.

Ҳар иккиси бир-биридан яшириб Маҳматқовулни суйди, Маҳматқовулга туҳфалар берди. Лекин Маҳматқовулнинг жойи ташқи ҳовлидалигича қолаверди. Шундан англаш мумкинки, фарзандсизликни улар ҳар иккиси турмуш ўрғоридан гумон қилар ва унинг кўнгли учун дардини яширар, ҳасратини ҳам ичига ютар эди.

Назармат бобо ўзига овунчоқ топди. У Самарқандга тушганда панжоблик парбоз ошналаридан бир жуфт Чиний кабутар олиб келди ва бўш вақтларини ана шу кабутарлар парваришига бағишлади. Кабутарлар чарх уриб учганда, чаппар уриб шакл ҳосил қилганда Назармат бобонинг

Чавандоз, кўзи жиққа ёш, тўрт томонга аланглайди. Нима дейишини билмайди. Кўзларида ўкинч ва ўтинч.

Шерик ҳамон оломонга ялинади:

— Биродарлар, бу томоша эмас, тарқалинлар, илтимос.

Бу фалокат, одамлар бир кунда бор будидан ажралиб қолаётир, одамлар машинасини авария қилаётир, бу ҳам бир фалокат, қочинг шамол кирсин, шу жониворга жабр қилманг халойиқ!!!

Халойиқ парво ҳам қилмайди. Ҳаво етишмаётган от ихрай бошлайди, тўлғониб-тўлғониб пишқиради.

Шерик ночор қолади. Дўстига қарайди.

— Эшқул, отинг ўлаётир, жўра, қийналаётир, пичоғингни ол, ҳалол қил. Ҳалол мол ҳаром ўлмасин. Сўй, жўра, отингни.

Эшқул ҳеч нарса демайди. Кўнжидан пичоғини чиқариб узангидошига узатади ва ўзи одамлар тўпини ёриб четга чиқади. Ўтириб қўллари билан икки юзини беркиртади ва елкалари силкина бошлайди.

кўзлари ўспиринларники каби ёнар, қувончи кўксига сиғмай қийқириқ бўлиб, ҳушгак бўлиб отилиб чиқарди.

Ёши олтмишдан ошганда Назармат бобонинг бошига иш тушди. Шўро ҳукумати Назармат бобонинг мол-ҳолини, мулкени ва ерини олгани етмагандек, эркига ҳам чанг солди.

Шўрога ўтиб раис бўлган ўз қароли Маҳматқовул бозордан қайтаётган Назармат бобога:

— Остингизда гўжинглаган от, улуг-кичикни билмайсиз, эл оғаларини танимайсиз, қулоқ бўлгингиз келдими? - дея таъна қилганида, Назармат бобо чидай олмади. Маҳматқовулни очарчиликдан омон олиб ўтаман деб жон чекканлари эсига тушди. Бир оғиз тўғри сўзни айтмоқдан ўзини тиёлмади.

— Ўзимни кучутим ўзимга хурийдиган бўлдими? Бу қандай замон бўлди ўзи? — деб юборганини билмай қолди.

Маҳматқовул унинг сўзига маҳкам ёпишиб олди. "Бу бой шўро замонидан норози, шўролар раисини ҳақорат қилди", деди. У қилди, бу қилди — Назармат бобони қулоқ қилиб турмага тикди. Назармат бобо ўн йил Сибирда ўрмисга ўрмон кесди. Қундан бор экан, етмишга кирганида эсон-омон юртига қайтиб келди. Кампири ёлғизлик дардига чидай олмай бандаликни бажо келтирибди. Уйи қаровсиз, хароб бир аҳволда... Бироқ ўзи Самарқанддан келтирган Чиний кабутарлар ҳовлини тарк этишмабди. Уларга қўни-қўшни нон-увоқ, сув бериб туришар ва нурли хонадондан азиз ёдгорлик сифатида эъзозлашар экан.

Назармат бобо қолган умрини шу кабутарларнинг парваришига бағишлади. Қариб-чуриб юз ёшдан ошиб вафот этган Назармат бобонинг ҳовлиси ўрнида ҳозир ҳам чордевор сақланиб қолган. Чордевор яқинидаги қари тут дарахтлари устида қўлдан ясалган тахта устунларида сон-саноксиз оқ кабутарлар яшапди.

Қишлоқ аҳолиси оқ кабутарларни муқаддас ҳисоблаб, дон, сув, увоқ-ушоқ сепишади. Бу оқ кабутарлар ҳеч кимдан чўчимади. Улар бемалол ҳовучлардан буғдой донларини териб ейди, сув ичади.

Айтишларича, бу кабутарлар нопок одамлар қўлидан дон эмас эмиш. Шунинг учун ҳам Назарободга борганлар ўзидан кўнгли тўлмаса, кабутарлар томошасига бормас эмиш...

## МАЙНА

Кеч кириб, қош қораймоқда. Кун бўйи бирор-бир аниқ иш бажармаганимдан кўнглим хижил бўлиб иш столимда чарм камзулимга ўранганча совқотиб ўтирибман. Уйга кетай десам ҳалиги гап: кун бесамар ўтди. Ҳар кун ҳеч қурса, биргина иш бажаришни одат қилганимдан буён биринчи мартаба шундай аҳволга тушишим.

Соат саккизда ишга келдим. Бугун ташкилий ишлар бўлмагани боис бир даста оқ қоғоз олиб анчадан буён миямда пишиғиб юрган ҳикоямни бошладим. Энди бир жумла ёзган эдим, эшик очилиб, узун-қисқа бўлиб икки шоир кириб келди. Ўрнимдан туриб ҳар иккиси билан кучоқлашиб кўришдим. Сўрашдик. Сўнгра негадир бу одамлар мени унутиб ўзаро ғийбатга берилиб кетдилар. Бировларнинг ғийбатига шерик бўлмаслик учун секин хонамни тарк этдим. Ташқари чиқиб, сигарет тутатдим, ўтган-кетганини кузатдим. Қайтиб кирсам келган икки шоир ҳамон ўзларидан бошқаларни ёмонлаб, лойга қоришар, бир-бировига эса ҳамду санолар ўқишарди. Мен хонага кирганимда гурунг бир бўлинди, аммо яна келган жойидан давом этди.

Мен уларни ғийбатдан чалғитиб бирор ижодий мавзуда суҳбатлашмоқчи бўлувдим, ҳар иккиси бараварига соатни сўрашди. Меҳмонларни кузатарканман, улар нима учун келганлари ҳақида ҳар қайча уринмай, аниқлай олмадим. Наҳотки фақат ғийбатлашни учун йўл пули сарф этиб келган бўлишса?..

Шундан кейин ташриф буюрган аёлнинг миллати ҳақида аниқ бир гап айтиш қийин. Аммо унинг сўзларига қараганда оламни ўзгартириш шунга қолган эмис. Кўлида ҳеч қандай ҳужжати бўлмаса-да, бой тилнинг бутун имкониятларидан фойдаланиб пайғамбарлик даъво қиларкан, ҳеч ким шунча китобларни ўқиган бу аёлни телбаликда айблаб олмас эди. Бир соат вақтим сохта пайғамбардан қутулишга сарф бўлди. Ҳабронидан маълумотнома олиб келишни сўраган эдим, "Олий даргоҳда ҳамма ишлар оғзаки олиб борилишини билмайсизми?" деган савол билан мени мот қилди. Мен ҳам ён бермадим. Пайғамбарлигини тасдиқловчи бирор диний идоранинг муҳри ҳужжатисиз ҳеч бир ёрдам бера олмаслигимни маълум қилдим. Ахир унинг оламни ислоҳ қилиш ҳақидаги узундан-узоқ асарини ўқиб маломатга қолишни истамас эдим-да.

Шундан кейин яна бир-икки ҳаваскор келиб газеталарнинг шеър босмаётгани-ю адабиёт бўлимидагилар уларнинг "юксак ижодлари"ни тинглашга ҳафсала топмаётганликлари ҳақидаги беҳуда маълумотлари билан қолган вақтимни ҳам ўғрилашди.

Мана қош қораймоқда. Ёлғизман. Ташқарида бир

гала майна "ғичув-ғичув" қилиб ҳавони арралайдилар. Бир-бирларига ташланиб потирлайдилар. Эски шаҳар лўлиларига ўхшаб ҳаммалари бирданига шовқин кўтарадилар ва бир зум тин олиб яна баробар қий-чув қиладилар. Нега жанжал кўтаради бу майналар, улар нени талашадилар — ҳеч ақлим етмайди. Шу майналар нега бунча ғайрат билан, астойдил жанжал кўтарадилар. Бу билан нимага эришмоқчи бўладилар. Бу жониворлар ақалли ўзларига уя қурмайдилар. Бошқа қушларнинг тайёр уяларини эгаллаб оладилар.

Майналар иноқ қушлар. Гарчи бир-бирлари билан гўшт бўлиб олишсалар-да рақибларига баҳамжиҳат ёпириладилар. Шу боисдан қарға, ҳаққа сингари йирик қушлар ҳам майнани кўрса қанотини қўлтиқлаб қочиб қолади. Мусича, каптар каби қушларни-ку қўяверинг.

Кичиклигимда уларнинг шундай ёприлганларини кузатганман.

Ёзнинг бошлари эди, пичан ўриш учун далага кетаётгандим, бирданига бир майна ерга шўнғидию чўқиниб қий-чув қила бошлади. Аввалига бир майна ёрдамга келди, бир зумда улар кўпайишиб қолди. Мен яқинроқ бориб қардим: ҳамма қушлар ёпирилганидан нимага ҳужум қилишаётганини билиб бўлмас эди. Тўполон анча давом этди. Ниҳоят қушлар рақибни тамом ер тиллатдилар, шекилли, шодон "ғий-чув"лашиб тарқалишди. Шундагина мен тупроққа беланиб ётган каттагина кулранг илоннинг ўлигини кўрдим. Илоннинг илонлиги қолмаган эди. Ҳар томони илма-тешик, кўзлари ўйиб олинган. Мен шунақа илонларни қари тут ковакларидаги қуш уяларига судралиб кириб-чиқиб юганини олдинлари кузатган эдим. Балки майна болаларига тегинганмикин деб ўйладим. Яна ким билади. Нима бўлганда ҳам қушлар илондан бошлаб қасос олишди...

Мен оппоқ қоғозга эрталаб ёзиб қўйилган ягона жумла устида яна узоқ ўтирдим, уни давом эттирмоқчи, нимадир ёзмоқчи бўлдим. Аммо ҳеч нарса ёза олмадим. Эндигина хаёлимни жамлаб бирор фикрни шакллантирмоқчи бўлганимда ташқарида шовқин кучайиб хаёлларимни тўзғитиб юборди. Қани энди қўшотар милтиғим бўлсаю битта қолдирмай қириб ташласам лаънатиларни. Қўштиғим бўлганда ҳам бунинг иложи бўлмаскан, ўйлаб кўрсам. Майналар бинони офтоб нуридан ҳимоя қилувчи панжарасимон тўсиқлар орасига ғужғон жойлашиб олишган. Отсанг тўсиқлар вайрон бўлади, отмасанг — асаб.

Нима қилсам экан. Уйга кетиб, уйда ишласамми?  
Болалар ухладимикан?



## РУҲШУНОСЛАР

Улар ўн беш киши эди: беш эркак ва ўн аёл. Мамлакатнинг турли вилоятларидан тўпланишган, ёшлари ҳам, хулқ-атвори ҳам турлича, фақат, ҳалол нон топиб ейиш ва эл-улусга ҳалол хизмат қилишдан иборат бўлган мақсадлари бир хил эди. Ана шу мақсад йўлида руҳшуносликни восита қилиб олганликлари сабабли ҳам тақдир уларни эрта кузда муаззам "Н" шахрининг қоқ марказида жойлашган дорилфунун ётоқхонасида учраштириб турарди.

Ётоқхона кўп қаватли эди. Уларга олтинчи ва еттинчи қаватларни ажратиб қўйдилар. Таомилга кўра аёллар олтинчи, эркаклар еттинчи қаватга жойлашдилар. Олтинчи қават бир оз таъмирланган, еттинчи қават таъмирталабдигача қолган. Залда бирорта чироқ ёнмаганидан гўристондай зимзиё. Хоналар эшиклари қулф ўрнатиллавериб илма-тешик бўлиб кетган. Айрим эшиклар эса қулф ўрнатилладиган қисми мутлақо кўчиб тушган.

Хона жиҳозлари: шалоғи чиққан бир парта, икки-уч синиқ стул, бурчакда ёғоч кийим илғич, ис босган ва бурчаклари ўпирилиб ётарди. Дераза ромлари қачонлардир ҳаво ранг бўёқ билан бўялган бўлса керак, у ер-бу ерида кўк доғлар бор бир уюм тахта синиқлари девор орасида зўрға лиқиллаб турар, агар табақаларидан бири очилса бутун ром лапанглаб кетади. Ром бурчакларига ўралган энсиз тахтачалар остидан узук-юлук плёнка қоғозлар чиқиб ётарди.

Бироқ бу хоналарга жойлашган одамлар буларнинг бирортасига эътибор бермасди. Уларнинг фикри мутлақо бошқа нарсалар билан банд.

— Иш топиш керак! — деди қирқ беш ёшлардаги муаллимларнинг типик кўринишига эга бўлган қотма, ориқ ва тепакал бўлган киши. — Иш топмаса бўлмайди.

— Тўғри, иш топиш керак, ўқиш тушгача бўлишини талаб қиламиз.

— Бизга икки пара дарс етади. Соат ўн бирдан ишга чиқсак, еттигача саккиз соат ишлашимиз мумкин.

— Нима, сиз тушлик қилмайсизми? — савол берди ёшроқ муаллим.

— Ана, сиз етти соат ишланг, менга тушлик учун 15 дақиқа етарли, етти яримдан кейин эртаси саккизгача вақтим бор. Хоҳлаганча овқат еб, дам оламан, пул бўлса бўлди-да, тўғрими? — У атрофдагиларга мағрур қаради. Шеригини лол қолдирганидан ўзи мамнун эди. Бироқ мамнуният узоққа чўзилмади. Золдир гавдали, ҳаракатчан муаллим савол қилди:

— Нима иш қилмоқчисиз ўзи эртадан кечгача — билсак бўладими?

Билагон шошиб қолди, таратқуллиниб атрофга қаради. Кекса муаллим унга ёрдамга келди:

— Иш топиш керак!.. Мен устаман: уй суваш, гишт териш, том ёпишгача эплаймиз.

— Мен таслимман, — нозикроқ муаллим икки қўлини тепага кўтарди. — Менга докторлар уч килодан зиёд юк кўтаришга рухсат беришмаган. Бунақа ишни эплаёлмайман.

— Сиз андава тортасиз, андаванинг энг оғири бир ярим кило.

— Шу бир ярим килони ўн кило куч билан тортиш керак бўлади. Бечорани ўлдириб қўямиз-ку. — Кекса муаллим ачинибми ё андава қўлдан чиқаётганидан сесканибми, тезда нозик муаллимнинг ёнини олди.

— Бўлмасам бу киши саккиз ярим мингга бир ойга етказсинлар.

— Етказаман, — чиранди нозик муаллим, — етказаман: етмиш беш сўмга бир буханка нон олсам, бир кун ейман, тушликка яримта ош оламан — икки юз эллик сўм, кечкурун ва эрталаб чой-нон ейман, бир кило шакар тўрт юз эллик сўм, юз граммдан ўн кунга етади. Ойига бир минг уч юз эллик, тушлик етти минг беш юз, нон-чай икки ярим минг, жами ўн бир минг уч юз эллик сўм. Ойлигим ўзимга етади.

— Сиз дафтар-қалам олмайсизми, машина минмайсизми, уйга бориб келмайсизми?

Ёш муаллим саволни қалаштириб ташлади.

Нозик муаллим жаҳлланди:

— Сизнинг нима ишингиз бор? — Бироқ барибир изоҳ берди. — Дафтар-қаламни уйдан олиб келганман. Йўлга хотиним ойлигидан проездной олиб бермоқчи. Уйга эса мен боришим шарт эмас. Янгангиз ҳар ой хабар олиб тураман деган. У бизнесмен: мактабимизда болаларга пирашки, қурут, сақич сотади.

Ёш муаллим хоҳолаб кулиб юборди. Бироқ кулгусини ҳеч ким қўламади. Барча муаллимлар унга ўқрайиб қараб туришарди. Бирдан жим бўлди.

Кекса муаллим жиловни қўлига олди.

— Аброрбой, сиз ҳали ёшсиз, ҳаётни билмайсиз. Бировнинг ҳолига кулманг, ука. Эртага сиз қандай рўзғор қиласизу ким бўласиз — бу маълум эмас. Узр сўранг, ука.

Ёш муаллим мулзам бўлди ва узр сўраб ташқарига чиқиб кетди.

Маъфура ИНОФОМОВА

# Ўзбеким қизлари

Кўзлар сузиб, қошлар қоқиб ёндирар,  
Муҳаббати юрагида гуркирар.  
Меҳр билан сўзласангиз ёқтирар,  
Чехрасидан чаман-чаман гул унар.  
Гулдан унган ўзбекимнинг қизлари.

Изларидан гуллар унар қирмизи,  
Қуёш каби қулиб юрсин омади,  
Нурдан унган ўзбекимнинг қизлари.

\* \* \*

Тонгда қуёш билан бирга уйғониб,  
Ўсмаларни турна қатор қўяди.  
Сунгуриси қўлларидан тўлғониб,  
Ховлисига қалдирғочлар қўнади,  
Дурдан унган ўзбекимнинг қизлари.

Бугун муҳаббатнинг кўзларида ёш,  
Илк севги сўнди мисли бир қуёш.

Армон тўла кунлар бўлар-у абас,  
Илк муҳаббат қолар абадул-абад.

Меҳмон келса уй тўридан жой бериб,  
Қалб қўрида ширмоёй нонлар ёнади.  
Дил мавжланса инжу каби сўз териб,  
Бир-бирдан гўзал шеърлар ёзади.  
Шеърдан унган ўзбекимнинг қизлари.

Сени тушунмаган ўша тош юрак,  
Менинг нозик тўйғум айлаган эрмак.

Сени йиғлатган ўша сўз бугун,  
Менинг кўзларимдан чақнатди учқун.

Асли шундай ўзбекимнинг хур қизи,  
Сўзлаганда тилидан бол томади.

Нега, ахир, нега ишқдан воз кечдик,  
Висолмас, ҳижроннинг майини ичдик.



Унут қилиб икков боғлаган аҳдни,  
Қалблардан ўчирдик бу улғу бахтни.

Лекин биз унутган илк муҳаббат,  
Йўқолиб кетмайди, яшар то абад.

У ўзга қалбларни айлағай макон,  
Ки юрак - Ватани, эмас помакон.

Токи дунё собит, бор бани башар,  
Ошиқ юракларда муҳаббат яшар.

## СОҒИНЧ

Феруза ТҮЙЧИЕВА

Бобур БОЛҚИЕВ

Агар ёрим мени соғинсанг  
Порлаб турган юлдузларга боқ.  
Қара тўнда йўлинг ёритган  
Осмондаги тўлин ойга боқ.

Боқсанг агар оптоқ қорларга,  
Унда севгим поклиги ёнар.  
Агар боқсанг мовий денгизга,  
Севгим унда мавжланиб оқар.

Агар ёрим мени соғинсанг  
Тонгда туриб ёдга ол мени.  
Кечалари самога боқиб  
Кўз ёшингла ёдга ол мени.

Қуёшдан сўнг шафаққа боқсанг,  
Менинг қирмиз юзям кўринар.  
Боқсанг тўнда гўзал осмонга,  
Сенга қаро кўзларим боқар.

Агар ёрим мени соғинсанг,  
Шамоллардан, еллардан сўра.  
Тўнда ёққан ёмир томчиси  
Ва ғуборсиз қорлардан сўра.

Қирлардаги алвон лолага  
Боқгин, жоним, соғинсанг агар.  
Унда мени лаъли лабларим  
Ял-ял ёниб товлашиб турар.

Улар сенга жавобан айтар:  
Ёринг кетди севги қасрига  
Агар уни кўрмоқ истасанг  
Боқгин тиниқ зилол сувларга.

Ёрим бўлсанг чиндан соғинган  
Ёшинг билан ювма юзингни.  
Мени сенга чиндан сўйдирган  
Юрагинга боқсанг бўлгани.

Зилол сувга боқсанг агарда  
Унда менинг кўз ёшим оқар.  
Баланд, мағрур тоғларга боқсанг,  
Меънинг унда бардошим ётар.

Мен биламан, бу юрагингда  
Номим ўчмас, ҳеч ҳам ўлмайди  
Гарчи сендан йироқ бўлсам ҳам  
Менинг севгим асло сўлмайди.

## ГИНА


Эҳ, тилим, сенга гинам бор бир оз,  
Сўзлаб қўлсан-а бемаҳалда ҳам,  
Отамга, дўстимга не дединг кеча?!

Хув тонгда айтган гапинг ҳам ёлгон,  
Фариб мусофирни саргардон қилдинг,  
Сендан озор чекди, билдингми нега?!

Мен севаман уни, у ҳам севарди,  
Ана хафа юрибди сен айтган сўздан,  
Ўйлаб сўзласанг бўлмасми тича?!

Соқов бўлганимда яхшимиди, ё  
Тилим, балки ҳали ҳам соқов бўлайми,  
Кел, бир ўйлаб кўрайлик тонггача.





Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ



# ЁЛГИЗИМ СЕНСАН, ВАТАН

Саҳроларнинг саробида  
Соя берди ҳар бутанг.  
Қалбимнинг жон меҳробида  
Сенга бағишладим тан.

Богларингнинг соясида  
Доноларга чой бердинг.  
Ушбу эркининг ғоясида  
Дунё илмини тердинг.

Ҳар бир китрик, ҳужайрада  
Боболарнинг хоки бор.  
Унутмадим ғам-байрамда  
Ўзликка кутдим барор.

Ўтмишингда жонин фидо  
Қилди сен деб ҳар Жалол.  
Туғаб битди ҳар бир нидо,  
Етиб келди истиқлол.

Аждодлардан мерос макон,  
Сен учун биз жон ва тан.  
Жаҳонда ҳур Ўзбекистон, —  
Ёлғизим сенсан — Ватан.

\* \* \*

Олам аро сукут ризолик,  
Сукут асли унсиз тавалло.  
Мен дунёда тилсиз бир балиқ  
Асли мен-ку, аммо ибтидо.

Саҳроларнинг оҳи асли мен,  
Дунё шаклин бузган бир самум.  
Жафолардан ёқам чок бўлган,  
Ушбу дардни қилган тараннум.

Томчиларнинг товуши маҳзун,  
Ушбу дунё яхлит вужудим.  
Нолаларим узундан-узун,  
Дод деб яшаи эски бир удум.

Яшамокда йўқ дедим мақсад,  
Кечир мени эй, Тангрим, Худо.  
Келдик, кетдик, ҳаёт муваққат,  
Сафаримиз топар интиҳо.

\* \* \*

Туғаб кетди ўрик гуллари,  
Тўлиб кетди боғларда баҳор.  
Ғўнгилашига вақти йўқ ари,  
Тоза гулдан излайди гўбор.

Айни баҳор уфурган пайти,  
Гул косаси боғлабди гўнча.  
Яна баҳор келади қайтиб,  
Шошма ҳаёт, шошмагин, тўхта.

Гул косадан май сипқор тўхтаб,  
Нашидага сен ҳам жўр бўлгин.  
Бу баҳор ҳам кетади алдаб,  
Юзингда из қолади сўлгин.

Аммо гуллар чамани бугун,  
Изтиробга солиб улгурсин,  
Атроф боғлар бирам бир гулгун,  
Йил, баҳоринг муборак бўлсин.

\* \* \*

Кеча туңнинг саҳар чоғида,  
Ёмғир билан ёдлашиб чиқдим.  
Томчи кўриб барг қовоғида,  
Гўзалликни бошқадан уқдим.

Бошдан оёқ жиққа хўл дарахт,  
Сувдан чиққан қизга ўхшарди.  
Борлиқ гўзал, кўрганлар қарахт,  
Сув кўйига ўйин тушарди.

Жилғачанинг шошганин кўриб,  
Охуларни бир эслаб кетдим.  
Санобарлар қайиқча ўраб,  
Кўз олдимда ёнимдан ўтди.

Атроф сирли, ёмғир шивири,  
Эслатади асрий бир кўйини.  
Мен ҳам асли дарахтлар бири,  
Қувонардим тўлдириб уйим.

Ташқарида кечар мўъжиза,  
Бугун борлиқ чўмилар сувга.  
Деразадан қараб хўл қизга,  
Сизмас эдим қувончдан уйга.



Тўлқин ЭШБЕК



# ҒАЛАТИ НОМА

Тўлқин ЭШБЕК муштарийларимизга "Жигарбандлар", "Шабада эсган кун", "Қишлоқлик бола қиссаси", "Жайдари ҳангомалар", "Наврўз", "Адашган қиз қисмати", "Сарварнинг юлдузи", "Ҳаёт карвонлари" сизгари насрий тўнламлари орқали яхши таниш. У айни пайтда халқаро ва миллий журналистика факультетларида бўлгуси қаламкашларга сабоқ бермоқда. Ушбу ҳикоя қаҳрамонлари ҳам айни ўша даргоҳларда устозга "туртки" берган...

## Ҳикоя

### 1. Душанба

Журналистика факультетида талабчан домланигим-ни намойиш этдим:

— Қалам тебратмасангиз журналист бўла олмай-сиз, — дедим талабаларга. — Сизларга вазифа: кунига камида бир қоғоз, демак, ҳар ҳафтада етти варақдан ижодий иш ёзишингиз шарт! Кимки ёзмаса, бу даргоҳга адашиб кирганини ўзи фош этган ҳисобланади!..

Мақсадим истеъдоднинг тўқсон тўққиз фоизи меҳнат деган фикрни исботлаш эди!.. Барака топгурлар келгуси машғулотга саккиз-ўн варақдан ёзиб келишибди! Саксон беш нафар талабанинг жами етти юз бетдан ортиқ "ижодий иш"ини кўриб ҳайратга тушдим. Ана сенга олам-олам гул мисол ижод маҳсули! Энди тўйгунингча ўқий-вер, талабчан домла!

Олаҳуржун кўтарган почтачидек бир кучоқ қўлёмалар олиб келганимни кўрган хотиним бурунчасини жийирди:

— Эҳ-хе, шунча қоғозни қаердан олдингиз? Нима қиласиз уларни? Маклатурага топшираимизми, а?

— Қоғоз эмас, талабаларимнинг ижодий ишлари, — дедим қўлёмаларни ижодхонадаги столим устига қўярканман. — Келгуси машғулотгача ўқиб, баҳоламақчиман!

— Қандоқ улгурасиз?

— Улгуришим шарт! Келгуси душанба кунни талабаларим кутишади!..

Хоним пешонасини тириштирганча дилидагини айтди-қўйди:

— Сизга нима зарил?!

— Бўлгуси журналистларга ижод сирларини ўргатмоқчиман!

Асл муддаом — сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб, шунга яраша машғулот ўтиш эканлигини аёлимга ҳижжалаб ўтиришни эп кўрмадим.

Бўлгуси актёрларнинг муаллимаси бўлган хотиним дафтар текширишдан безганини яшира олмади, шекилли, пешонасини тириштирган қўйи атай уф тортди. Эринмаган банда, дегандек, елкаларини учириб қўяркан, дилидаги тилгина кўчди:

— Ўзингизга жавр қипсиз...

У ҳақ экан. Барча ишларини йиғиштириб қўйиб, ҳар кунни юз ўн бетдан ўқисам, келгуси машғулотгача

аранг улгурарканман. Бай-бай-бай. Ўзимни адабиёт оламидаги одам ҳисобласам-да, шунчалик кўп адабий-бадиий китоб ўқишга имкон топа олмасдим...

Энди ўқисанг ҳам ўқийсан, ўқимасанг ҳам ўқийсан, дониш домла!

Хайрли ишни бошладимми, бас, чекинма! Атай ёзди-ганга яраша сабот билан ўқи! Эртага ҳар бир талаба сендан жавоб, таъбир жоиз бўлса — баҳо кутади!.. Туроб Тошбекович, дейман ўзимга ўзим, талабалар олдида чув тушишдан ёмони йўқ.

Қўлёмаларни ҳафсала билан ўқиб, адоғига баҳо қўя бошладим. Бўлгуси журналистларнинг кўпчилиги чакки эмаскан. Бироқ, гуруч орасида учрайдиган курмак мисол айрим гўр талабаларнинг ажи-бужи ёзувлари кўзни, ғализ жумлалар, имло хатолари асабни ишдан чиқараёзди. Уларни ҳам "йўлга" солиш керак. Шунинг учун домламиз-да!..

Хоним уч-тўрт марта ёнимга келиб, жимгина қайтиб кетди. Аҳволимни тушуниб, нон-чоиймни ҳам иш столимга келтирди... Шу кунни қачон қўзим илинганини билмайман. Партага бош қўйиб ухлайдиган талабалар сафига қўшилиб қолаёзиман. Яхшиям, хоним бот-бот уйғотиб турди...

### 2. Сешанба

Тагин тунни тонгга улашга жазм этдим. Қўлёмалар устида жавлон уряпман. Навбатдаги "ижодий иш"ни ўқир эканман, кўзимдан олов чиқиб кетди! Ана холос. Жим-жимадор хатга қайта-қайта тикиламан. Кимга атаб ёзилган? Наҳот бу менга бўлса?! Ол-а. Иккинчи курс талабасидан шунақа гаплар чиқибдими? Наҳот?! Мана ўша хат:

"Азиз домлажон!

Ушбу номамни ўқиб, мени жинни деб ўйларсиз? Нима қилай, ўзингиз жинни қилиб қўяётган бўлсангиз... Шу кунгача севги деган сирли сўзнинг маъносини тушунмасдим. Севгиш қанақа бўлишини тасаввур ҳам эта олмасдим. Энди севгисиз яшашни тасаввур эта олмаяпман. Сизни кўрсам, хатто ўйласам, юрагим ҳапқириб кетаётганини қай тил билан айтай? Дарсингизда кўзингизга кўзим тушса, тамомла ўзимни йўқотиб қўяман. Сиз асл "идеалим"сиз! Афсус, бугун сизга шундай дейишга (хатто



хат ёзишга!) ҳаққим йўқ. Сиз аллақачон ҳаётда ўрнигингизни топгансиз ва қайсидир маликадек малакка бахт ато этган бахтиёр инсонсиз. Мени севиш у ёқда турсин, ҳатто юрагингизга сиздир олмаслигингизни тушунаман. Майли, хафа бўлмайман. Бироқ, шуни билишги, менинг юрагимда ёнган аланга инкимизга ҳам етарди!.. Мана, мен умримда кўлимга қалам тутган эмасдим. Энди сизга аталган каломимни ёзмасам чидай олмаяпман. Фақат тўғри тушунасиз, деган умиддаман.

Сизнинг ҳаёлингиз билан яшаш қанчалик бахт эканлигини англадим! Сиз "Меҳробдан чаён" асаридagi Анварга жуда ўхшайсиз? Мен Раъноманми-йўқми, буни ҳаёт кўрсатади. Тўғри, анча кеч қолганман. Минг афсус, дунёга кечроқ келдим-да... (Ёки, сиз шошиб, вақтлроқ келгансиз...) Қисмат эса бутун бизни учраштирди!..

Сизни ҳаммадан қизганиман. Афсуски, қуёшга ўхшаб барча-барчага меҳр пурингизни беаёв сояверасиз. Қанийди, бутун меҳрингизни жамлаб фақат ўзимга бахшида этсангиз! Эҳ, менинг телба домлам!

Севгисиз ҳаётда топмайсиз маъно,

Гар Анвар эмассиз, хазондир Раъно...

...боғу".

Куларимни ҳам, куяримниям билломай қолдим.

Хўш, азиз ўқувчим, шу тобда менинг ўрнимда бўлганингизда сиз нима қилардингиз? Дунёни бошингизга кўтарардингиз ё ҳаммасини ичингизга ютардингиз?

Домла бўлмаганимда ўзим нима қилишимни айтайми?

Бир ҳурилиқо ёзган хатдан ҳапқириб кетмаган юрак юракми, дейишим аниқ эди! Кейин, менга шунчалик қўнғил қўйган гўзални увол қилмасдим... Минглаб мушкул тутунни ечган ақлим бу масалани ҳам муқаддас китобда фатво берилган йўсинда бўлса-да ҳал этиш йўлини топарди!..

Модомики, бутун домла — мураббийманми, бас, шунга яраша қадамимни билиб босишим шарт! Шогирдига кўзола қилган домланинг кўзига зиён...

Қайдам, севгининг кўзи кўр деганлари шудир? Устозини севиб қолган ожизада гуноҳ йўқ... Унинг кўзига мирзо Анвар бўлиб кўринган бўлсам, менда не гуноҳ? Ким экан ўша Раъно? Об-бо, ҳаёлпараст-ей. Раъно эмиша! Иккинчи курсда шунақа қиз бор эканми? Ўйлаб, ўйимга етмагач, гуруҳ журналини варақладим. Ҳеч қанақа Раъно исмли қиз йўқ. А-ҳа, рамзий маънода ёзган! Исми Раъно бўлганида асло ёзмасди. Унда ўзини Кумуш дермиди! У ҳолда камина Отабекми?..

Наҳот, қирчиллама ёшимда ҳам муҳаббат боғида юришга ҳақли бўлсам!.. Ахир, қирқ ёшингда қуюласан, дейишган-ку...

Бейхтиёр хатга кўз ташладим: "телба домла" дебдимми? Об-бо қизалоғи тушмагур. Ҳозир шу ерда бўлганида таъзирини берардим-а. Ўзи домласини телба қилиб қўймаса бўлгани...

Хатни қайта-қайта ўқирканман, ошхона томон қараб кўярдим. Ишқилиб, хоним кузатиб тургани йўқмикин? Бу хатни кўриб қолса нима бўларди? Ўҳ, кейин кўринг томошани. Ўша ...ни топиб берасиз, деб туриб олса-я?! Рашк энг мулоийм хотинни ҳам урушқоқ қилиб қўйиши бор гап. Хайрият, у ҳозир ўз иши билан банд. Ошни дамлаб қўйгач, ўғлимизга калькуляторда ҳисоблашни ўргатапти. Худога шукр, шундоқ "овунчоғимиз" бор!..

Хатни кўлёмаларга солиштириб кўра бошладим. Шу ҳаракатим худди изтопар ёки кўлёмалар институти хо-

диминикига ўхшаётган бўлса ажабмас. Йўқ, тополмадим. Балки, шўхроқ бола ҳазиллашдимикин? Эринмасдан йигитларнинг ёзувига солиштирдим. Йўқ, унақа ҳуснихат ягонага ўхшайди. Ё, атай ёзувини ўзгартирдимикин? Буниси ҳақиқатга яқинроқ... У ҳолда ким бўлиши мумкин? Машғулотимда гулгун яшнаб ўтирадиган қизларни бирма-бир кўз олдимга келтиришга ҳаракат қилдим. Шунда дафъатан сесканиб тушдим. Беғубор чехраларни бўлмагур ҳиссиёт ила эслаш бемаънилик эди мен учун...

— Ухламайсизми?— Хонимнинг товуши ҳарқанча майин бўлмасин, шу тобда момағулдираддек даҳшатли эшитилди. Илкис ётоқхонамизга қарадим. Хайрият, ортимдан пусиб келмабди. У меҳрибончилигини яна намойиш этаётганди.— Чарчаб қолманг!..

— Бемалол ухлайвер, жоним,— дедим ўзимни бамайлихотир кўрсатишга тиришиб.— Бироз ишласам бўлмайди.

Бу гапга жавобан жуфти ҳалолим нималар деганини англолмай қолдим.

Минг ақли, донишманд бўлма, бир жонон севаман деб турса ақлинг ҳам шошиб қоларкан. Юрагим мунча қинидан чиққудек урмаса. Мунча ёнмаса. Тавба, Отабек ўқиган шеър нечун шу тобда ёдимга тушди:

Янги ёрни топқанда, дўстлар, эскиси нечун керак,  
Эскини ўлган санаб, латта қафан бичмоқ керак...

### 3. Чоршанба

Хотинимдан биринчи марта сир бекитдим.

У тўғри тушуниши мумкин, барибир, эр-хотиннинг орасига совуқлик соладиган биринчи сабаб — бегона ҳақидаги гап бўлади. Қолаверса, эртага пайшанба! Оилавий тадбир олдидан ошга пашша тушмасин-да.

Бу хат юрак ўйноғи қилиб қўйди... Об-бо зумраша-ей. Қайси ошиқ, йўғ-е, маъшуқаю беқарор ёздийкин бу номани...

Келгуси ҳафтагача юрагим дош бериши амри маҳол. Ўша сирли мактуб эгасини топмагунча тинчий олмайман. Оёқларим бейхтиёр факультет томон кетди. Тавба, дейман ўзимга ўзим. Менга нима бўляпти ўзи? Ўша қиз учун кетяпманми? Вой-вой-вой, тез юришимни қаранг. Худди бир нарсдан қуруқ қолаётгандек югурияпманми? Хўш, иннайкейин-чи?.. Шу пайт бир сесканиб тушдим. Бир савол виждонимни беаёв эза бошлади: мен кимман ўзи? Мураббийманми ё телба ошиқ?.. Оҳ-воҳли ошиқлик даврим аллақачон ортда қолмадимми? Эсингни еб қўйма, Туроб, ақлингни йиг! Бейхтиёр кўкрак чўнтагимга қўл тикдим. Мени мажнунга айлантираёзган хатни қўлга олганча йўл-йўлакай жимжимадор ёзувга кўз ташладим-у... вужудим алангаланиб кетди!..

Факультет эшиги олдида безовта бўлиб турган дечкан муовинининг юзи ёришди:

— Хизрни йўқласак бўларкан-да, Туроб Тошбекович,— деди у салом-алик асносида.— Уйингизга қўнғироқ қилсак, сизни қаттадир чиқиб кетган, деб айтишди.

— Тинчликми?

— "Бадий публицистик жанрлар"дан дарс бераётган домламининг тоби қочиб қолибди. Амалётини сиз ўтишингиз керак-а? Эй-й, яшанг! Ҳозир шу машғулоти ўтсангиз. Талабалар кутишяпти...

Айни муддао! Сичқон овлаётган мушукдек тимирекланиб юрмасдан, шу машғулоти пайтидаёқ орани очиб қиламан, вассалом.

Декан муовини бўлса, "сўзини икки қилмаганимга" шуқр қилиб қолгани кўзларидан аён сезилди.

Назарий билимдан кўра амалиётга — ижод осмонида парвоз қилишга ташна талабалар мени севинч билан кутиб олдилар. Машғулот ўтар эканман, кўзларим беихтиёр ўша қизни ахтарарди. Чўғдек порлаб турган кўзларнинг қай бири экан?

Дангал савол ташласаммикин? "Бирингиз менга хат ёзибсиз..." десам, хўш, ундан кейин-чи? Талабалар гув-в этиб қалқиб кетишмайдими? Нима деб ёзибди, нима ҳақда экан, деб туриб олишмайдими? Иннайкейин-чи? Хатни ошкора ўқиб бераманми? Кейин кўринг дув-дув гапни...

Шу гаплар хаёлимдан кечаётиб, талабаларнинг кўзларига боққандим, юрагим алланечук бўлиб кетди. Ахир, ҳаммаси ўз фарзандларимдек-ку! Улар ҳақида бемаъни хаёлга боришдан бемаънилик борми?! Талаба ёшлиқ қилган бўлса, сен ақлли бўл, дониш домла! Бўлмагур хаёллар билан юрсанг, у сени тубсиз жарга қулатади...

Барибир, хат эгасини топишим керак-ку!..

Кўнгироқ чалинганда талабалар билан хайрлашаётиб, дилимдагини сал-пал тилимга чиқаришга уриндим:

— Кимнинг менда шахсий гапи бўлса, кафедрамизга кирсин. Ўн-ўн беш дақиқача шу ерда бўламан.

Худди шунга кутиб тургандек гуруҳ сардори — Гулноза шундай деди:

— Устоз! Ҳозир ман кираман...

Бошимдан яшин ургандек бўлди. Ўз қизимдек — Гулноза айтдимми шу гапни? Нима демоқчи?! Наҳотки... Эҳ, шошма, сардор сифатида бирор нарса демоқчидир? Сал бўлмаса, эсингни еб қўяёздинг-а, Туроб?! Балки, хатдан хабари бордир? Бирор дугонаси ёзган, аҳтимол дардини дoston қилган бўлса не ажаб? Бўлиши мумкин! У ҳолда ҳаммаси силлиқ кўчади. Устозларга хос салобат билан масалани (гуруҳ сардори гувоҳлигида!) ижобий ҳал этаман...

Беш дақиқа ўтмай бир кучоқ қоғоз кўтарганча Гулноза кириб келди.

— Устоз, бизни амалиётга зўр ўргатяпсиз-да! — Қувноқлик билан гапирди у қўлидагиларни олдимга қўяркан. — Ҳаммамиз бетўхтов ёзипмиз! Мана минг бетча бўпти!..

Ўтган кунни тошширганларингни ҳали ўқиб улгурмаган эдим-ку, дейишга тилим бормади.

Ана сенга олам-олам ижод гуллари! Тўйгунингча ўқийвер, мулла Туроб!

Уйда тагин шу аҳвол: турфа қўлёмалардан бош кўтара олмай қолдим.

Хоним пешонасини тириштирганча иддаоли оҳангда сўради:

— Овқатингизни яна шу ерга келтирайми?

Бунақа ўтириш ўзимга малол келди. Жимгина ўрнимдан туриб, ошхона томон юрдим. Шавла еяётганда ҳам хаёлим қўлёмаларда эди. Ёшларнинг гулгун чехраларини кўз олдимга келтириб, ғайратим жўшарди. Бироқ, барча ўйларимни биргина хат талқондек майдалаб юборарди.

Вужудимда икки тўлқин — Юрак ва Ақл беаёв курашарди.

Талаба — ўз номи билан талабчан бўлади. У домласидан кўп нарса талаб қилишга ҳақли! Бироқ, домланинг талаби чекланган! Билим ва тарбиядан бошқа нарса талаб қила олмайди...

Бу — ақлимдан чиққан гаплар!

Юрак амри эса бошқачароқ: дунёга келдингми, яшаб қол, армонсиз сев! Фикри ожизимча, дунёда ҳақиқий ошиқ битта бўлса — ўзимман! Синфдош қизни севган ҳолда унга ҳавас қилардим; шу қадар севилиш беқиёс бахт эмасми? Дейлик, каминани бирор қиз шунчалик севганида ўзимни қандоқ ҳис этардим? (Афсус, "Туробни севман" деган гап шу пайтгача қулоғимга чалинмаган). Оилавий сирим бўлса ҳам айтай: "Мени севасанми?" деган саволимга ўз рафиқамдан "Сев, десангиз, севавераман..." деган ўта мужмал жавобдан бошқасини эшитмаганман.

Шуям севги бўлди-ю...

Аслида "йигитни севган қиз" ҳақида эшитсам, гашим келарди. Гўё, дунё тескари айланаётгандек, ҳаёт мезонига дарз кетгандек туюлаверарди. Қизлар фақат севилиш учун яралган, деб ҳисоблардим.

Ўзим ҳам бир қиз севгисини қозонганим ҳақидаги хушxabардан воқиф бўлгач, бу борадаги фикрларим тамомила ўзгариб кетди...

Дарвоқе, уни қандоқ аташ керак — ошиқми ё маъшукча? Билганим шу эдики, севган — ошиқ, севилган — маъшукча. Бу гал мен қиз томонидан севилган маъшук(-а)манми? Шунча китоб ўқиб, бу оддий жумбоқ ечимига кўзим тушмаган экан. Дунё тескари айланмаптими, ишқилиб?

#### 4. Пайшанба

Эҳ, каллам қурсин, қўлёмалар уммонида "пайшанба тадбири"ни унутиб қўйибман-ку. Энди дам олиш керак! Пишиллаб ётган хоним уйқусираса-да ҳақ гапни айтди:

— Соатга қаранг, жума бошланганига икки ярим соат бўлди, тўғрими, бас, туринг, ишингизни қилинг! Сизга хотин эмас, хат керак!

Чаён чаққандек сапчиб тушдим:

— Қанақа хат?!

Хоним хумор кўзларини очмасдан минғирлади:

— Ана, столнинг усти тўла хат-ку? Шулардан бош кўтара олмаяпсиз-ку?

— Тўғри, — дедим салгина ўзимга келиб.

Хотиним томдан тараша тушгандек сўради:

— Бошқача хат ҳам бормиди?

— Йўғ-е, нималар деясан? Бошқача хат бўлса, сендан яширармидим? Доим айтаман-ку, дунёда хотинига вафодор битта эр бўлса — ўзимман!.. Сал сурил энди...


#### 5. Жума

Муҳаббат гулшани ёшлиқ боғларида ажиб хотира бўлиб қолган деб юрар эдим... Ўғлингнинг бўйи бўйингга тенглашиб, мўйлаби сабза урганида бу ҳақда ўйлаш ўзи кулгили...

Ақл отига миндим, деганда муҳаббат осмонида яна бир яшин чақнаб, мени телба қилиб қўйса-я. Бу ҳақда ўйламайман, десам ҳам юрак қургур... Мажнун бўлиб қолишимга бир баҳя қоляпти. Наҳот шу ёшимда талаба қизнинг "юрагидан урганим" рост бўлса!..

Юрак нидосини қаранг: "...илгарироқ қаерда эдинг, Лайлим!.."

Ўт-оловдан қолишмайдиган ёш қиз севгининг сирли оламини қандоқ тасаввур этишини яхши биламан! Муҳаббат боғида гунчадек очилган ожиза оташдек юрагини ақлига бўйсундиришга ожизлик қилади. Туйғулар тоқиди у ўзини қай даражада ҳис этиши аниқ. Унинг юрагини забт этган домла учун бу бахтми ё бахтсизлик?



Ишқилиб, охири бахайр бўлсин...

Хатни кўйлагимнинг кўкрак чўнтагида сақлаб юрибман. Юракка малҳам бўлсин, деганим эмас бу. Бошқа чўнтакларимга хонимнинг ҳам қўли кириб туради...

Тизгинсиз хаёлларим ўзимни тизгинлаб ташлади...

Бу нозик ишда Ақл ҳарқанча ғолиб бўлмасин, туйғулар ҳам ўз ишини қиларди; демак, бу дунёда мен ҳам лоақал бир бора (гарчи самарасиз бўлса ҳам!) севилиш бахтига мушарраф бўляпман! Ҳозир ҳаммасидан кўра худди шу ҳақда хаёл суриш мароқли эди! Демак, мен учун муҳаббат япроқлари хазонга айланмаган! Севги куртаклари барқ уриши, қалбимдаги гунча гул янглиғ очилиши мумкин! Севилишга арзигулик йигит эканман-а! Менга кўнгил қўйган қиз (гарчи хомхаёл бўлса-да!) кимсан — талаба! Демак, ҳали талабадек севиб-севиладиган даврим! Ишқ осмонида парвоз қилаверсам бўларкан!..

Шундай туйғулар оғушида хатни қайта-қайта ўқирдим...

Ажиб туйғулар хотинимдан вақтинча сир сақлашга (асло хиёнат қилиш мақсадида эмас!) мажбур қилди. Унга билдирсам нима бўлиши аниқ; хатни бурда-бурда қилади, вассалом.

Домлалик фаолиятимга ҳам нуқта қўйилиб қолиши ҳеч гапмас...

Майли, бу ёғи бир гап бўлар. Энди хат муаллифини аниқлашим керак. "Бону"си ким бўлдикин?.. Қайси талаба қизнинг юракчасидан урибман? Наҳот, бир қалбни забт этганман! Беихтиёр тошойнага қарадим. Қоматим чаккима! Алпомишкелбат деганлари, ана, кўзгуда савлат тўкиб турибди! Кўнгил қўйган қизнинг ҳам дидига қойил. Барчининг ўзи қанақа экан?..

Эндигина бутланган ақл кўрғонини телба туйғулар парчалаб ташлади. Шу қадар парчаладики, ўша он қўлимдаги антиқа хатни парчалаб ташлашга кучим етмасди. Муҳаббат оташида ёнган қиз юрагидаги ҳарорат вужудимни чулғаб, алангасида мени куйдираётган эди...

Хаёлимда кечган ўйлардан сесканиб кетаман. Ҳай-ҳай, ўзингни бос!..

Севиб, севгидан адоён тамом бўлган Мажнун севилиш лаззатини энди ҳис этапман!.. Эҳ, мунчалар тотли бўлмаса бу руҳий лаззат! Вужудим мунча ёнмаса? Муҳаббат ёш танламас, оташи исталган вақтда куйдириб кул қиларкан-да...

Ҳов, ақлингдан адашма, дейман ўзимга ўзим. "Қирчиллама ёшдасан" деб кўнглингни минг кўтармасин, ҳаёт қариллик кўрғони сари етаклаётгани ўзингга аён-ку. Наҳот, ақл чўққисида собит тура олмайсан?! Шу савлатинг билан қандайдир ҳислар гирдобидан чиқа олмайсанми? Ўйлаб иш тутишга наҳот бардошинг етмаса?! Мен домлалигимни қилай, сен талаба эканингни унутма, дея хатни йиртиб ташласанг оламгулистон-ку!

Афсус, қайсидир нозанин ёзган хатни парчалашдан кўра ҳозир юрагимни парча-парча қилиб ташлаш осонроқ эди...

#### 4. Шәнба

Туйғуга эрк бермай, Ақл машғалин баландроқ кўтар, дониш домла!..

Кошки эди мудом ақл ила иш тута олсам!..

Туйғулар барибир тентиратиб қўяверади... Бўлмаса, муаллифи номаълум хатни шунча кундан бери қўйинида сақларимдим?..

Оилага садоқат қаёқда қолди?

Бор гапдан хотинимни ҳам бохабар қилсам, иш бошқача бўлармиди! У ҳолда ҳақиқий "идеал эр" ҳисобланишим муқаррар! Телбаларча ёзилган хат шунчалик телба қилмасин, Туроб Тошбекович! Биров суйдим, деса, унга жавобан, куйдим, дейиш шартми? Ёстиқдошингдан неча кун сир сақлай оласан?..

Бу ақлли гаплар "ғишт қолипидан кўчганидан сўнг" хаёлга келди...

Мени "жинни" қилаётган қиз шу даргоҳда-ку! Уни топиб, орани очиқ қилмасам бўлмайди! Факультетга яқинлашарканман, яна вужудим титрарди. Инидан чиқаётган асаларилардек эшик бўсағасида турган қизлар саломига вазминлик ила алик оларканман, бир қур нигоҳ ташладим. Балки шулар орасидадир?

Ўйқ, ҳеч ким менга сирли ё айрича боқмади...

Кафедра томон юрдим. Қузатиб турган бўлса, балки ортимдан келар? Бу умид ҳам пучга чиқди. Катта танаффус тугади ҳамки ҳеч ким қадам ранжида қилмади.

Талабаларнинг чеҳраларига боққанча ийиб кетдим. Уларга бегона кўз билан қараган куним ўлиб қолсам керак... Талабаларини ўз фарзандидек сева олманган одам устоз бўла олмайди! Бу — мен кашф этган фалсафа!

Ўша фалсафага аввало ўзим амал қилмоғим лозим!

Шундай ақл билан уйга қайтгач, чўнтакка қўл соламану...

Ташна туйғулар тентиратиб қўяди.

Ахир, севги деган илоҳий неъматни Ақл тарозисида ўлчаб бўларканми?

#### 7. Акшанба

Хотинимнинг гапи томдан тараша тушгандек бўлди:

— Дадаси, мунча хаёлпараст бўлиб қолдингиз?..

— А, лаббай!— Гўё айб устида қўлга тушгандек ичимда нимадир чирт узилди. Бошимда қаққайиб турган хонимга хуркиб қарадим. — Бир нарса дедингми?

— Мунча ух тортасиз? Тинчликми?

Тилим зўрға айланди:

— Тинчлик...

Кўзимни олиб қочганимни сизди, шекилли, илмоқли савол ташлади:

— Намунча ўзгариб қолдингиз?..

— Қайтиб ўзгарибман?

— Ўзингизга билинмаяптими?

Катталарнинг гапига аралашма, деб минг панд-насихат қилсам-да ўрни келганда шартта қўйворадиган ўғлим луқма ташлади:

— Ойимга жа-а меҳрибон бўлиб қолдингиз!

— Бунинг нимаси ёмон? — Бошқа гап топа олмагач, ўғлимга ёвқараш қилдим. — Сен қачондан буён отанг билан онангинг ўзаро муносабатига баҳо берадиган бўлиб қолдинг?

— Бир кинода кўрувдим! — Тап тортмай бидирлади ўғлим. — Қилғилиқни қилиб қўйган эркак ҳадеб хотинига хушомад ураверади...

Бунақа бемаъни гапларни ўз ўғлингдан эшитганда жинни бўлиб қолар экансан. Ўзимни тута олмай, ўшқириб юбордим:

— Шунақа бўлмағур кинолар кўришни сенга ким қўйибди!..

Бир имо билан ўғлимизни нариги хонага чиқариб юборган хоним мени тинчлантириш учун аста бошимни силади:

— Шунгаям шунчами? Асабингизни асранг, дадажониси!.. Ахир, домла деган номингиз бор! Тўғрими, домлажон!

Ҳовуридан тушгач, мингирладим:

— Мишиқингга айтиб қўй, отасининг бетига буйтиб бақраймасин!

Вазиятни юмшатиш учун хоним яна бошимни кучди. Сочларимни оҳиста силаркан, муросага чақирган бўлди:

— У ҳали бола-да, домлажон!

Хонимнинг "домла"лаб гапирishi кулгимни қистади:

— Ўғлимиз — бола! Сен-чи? Талабамисан? Намунча "домла"лайсан?!

Хоним антиқароқ қаради:

— Талабага ўхшамайманми, домлажон?

У шу тобда худди "Мехробдан чаён" фильмидаги Раънога ўхшарди. Уни кўриб ўзим ҳам Анварга ўхшагим келди. Юрагим ажиб туйғулардан сармаст бўлиб, сўзларим ҳаяжонли чиқди:

— Талаба қизлар олдинда эп эшолмайди!.. Сен ҳақиқий Раъносан!

— Чинданми?

— Бўлмасам-чи!

Ҳозир ундан: "Сиз Анварга ўхшайсиз" қабилида гап қутгандим, афсуски, гапнинг нишаби бошқа ёққа бурилди:

— Бир нарса сўрасам майлими?

— Хўш?— Хушёр тортиб қарадим хотинимнинг юзига.— Сўрайвер.

— Мен ҳам "ижодий иш" ёзсам қандоқ бўларкин?

— Майли!— Дилимдан, шу етмай турувди, деган ўй кечса-да, тилимдан бошқа сўзлар чиқди.— Ўзиш қўлингдан келадими ўзи?

— Келганда қандоқ!— Қаҳ-қаҳ отди хоним.— Шундай ёзайки, домламиз телба бўлиб қолсин!..

— Қанақа телба?!

— Худди шунақа!

— Тўшунмадим?

— Мана, телба бўлиб юрибсиз-ку!!

— ...

— Ишонмайсизми?— Хоним қандайдир сирдан воқифга ўхшарди. Мени синамоқчидек ўсмоқчилаб гаширди.— Наҳотки... Ахир, мен ёзган хатни бир ҳафтадан бери қўйингизга солиб юрибсиз-ку, домлажон!.. Худди мушук бир нарсасини бекитгандек...

— Нима?!

Туйғулар жангига мағлуб бўлган Анвар кинода мағрур турганди. "Сен энгдинг, Раъно!" дея тан берганди. Менинг эса мажолим етмади. Диванга чўкаётиб, хонимнинг сўзларини элас-элас эшитдим:

— Сизни Мажнун қилган "...бону" — ўзимман!..

Ҳикоям туга...мади.

Навбатдаги душанбада машғулоти одатдагидан бошқачароқ бошладим. Янгилик ва ахборотга ташна талабаларимга ушбу воқеанинг ярмини айтиб бергандим, ҳаяжондан аудитория ларзага келди. Уларни қизиқтирган савол битта эди: ким ёзган экан?

Ҳикоям давом этишини истаб, атай шундай дедим:

— Машғулотдан сўнг ўша "бону"ни кафедрада кутаман...

Иккинчи қаватдан бир эмас, тўртта қиз изма-из тушиб келди.

— Домла, сизни ҳаммамиз яхши кўрамиз,— деди улардан бири дангал мақсадга кўчиб.— Баъзи курсдошларимиз суратингизни ётоқхонагаям илиб қўйишган!..

Хат "муаллифи"ни тополмаганимда бу гапдан эсанкираб қолишим аниқ эди. Энди талабамнинг беғубор чехрасига бафуржа боқдим:

— Хўш, кимлар экан?

У ўн икки нафар дугонасининг исмини айтиб ташлади.

Иккинчи қизнинг ҳам гапи қизиқ бўлди:

— Устоз, сизга атаб шеър ёзиб юрганлар ҳам бор.

— Хўш, қайси шоирлар?

Тагин бир талай қизларнинг исmlарини билиб олдим.

Баъзи қизлар янги китобимга тақриз ёзишаётгани ҳам ошкор бўлди.

Бу гаплардан сармаст бўлиб, савол ташладим:

— Хў-ўш, сизлар-чи? Яхши кўрмайсизларми?

Кўнғир сочли талаба меҳр ила боққанча шундай деди:

— Устоз отангдек улуғ, деган мақол мағзини энди чақаялмиш! Ҳақиқий устоз — меҳрга қон бўлар экан. Уни севмай бўладими!

Тилим базўр айланди:

— Мен ҳам сизларни ўз фарзандларимдек севаман.

Қўлидан қалами тушмайдиган қиз ҳар қандай домла учун орзу бўлган гапни айтди:

— Машғулотиңгизга соғиниб келишимизнинг боиси шунда!

Шу пайт эшик қоқиб келган йигит суҳбатга қўшилди:

— Сизга хат ёзган одамни топдим!

— Хўш, ким экан?

Жингалаксоч йигит тахминини айтди:

— Ўғил болалардан бири хуснихатини ўзгартириб ёзган бўлса керак!

— Нега шундай деб ўйлайсиз?

— Ҳар қандай ҳодисадан зўр ҳангома чиқаришингизни ҳамма билади, — деди унинг ўзи ҳам умидвор боқиб.— Ўша бола "кулгули мавзу" яратмоқчи бўлгандир!

Қирқ кокилли қиз ўзича "нишон"га урди:


— Мабодо, ўша бола ўзингиз эмасми!

Гур-р кулгидан хонамиз ёришиб кетгандек бўлди!..

Шу тобда меҳр тўла кўзларга боқиб, кўнғлим алланечук бўлиб кетди. Ахир, мен уларни ўз фарзандларимдек севишим аниқ-ку! Бу буюк муҳаббат олида ҳалигидақа гапларга ўрин бўлиши мумкинми? Асло! Энди абадул-абад ҳар бир талабамнинг мафтуниман!..

...Бу ҳангомадан ютганим — навбатдаги машғулотга қуруқ бормайдиган бўлдим! "Ижодий иш"имга эса қаҳрамонларимнинг ўзлари баҳо қўйишар...





# МАШАҚҚАТ ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

Авалло таржима ҳақида икки оғиз сўз: гарчи жаҳонда таржима соҳасига жуда катта эътибор берилса-да, мамлакатимизда бу борада катта мактаб яратилмаган эди. Асарлар қадимда ё буйруқ, ё қўнғил майли эҳтиёжидан таржима қилинган. Аслида эса таржима ҳам сўз санъатининг муҳим таркибий қисми бўлиб, бадий адабиёт билан тенга-тенг бўйлаша оладиган ижтимоий онг шаклларида бири сифатида қаралмоғи лозим. Айрим ҳолларда у ўзининг машаққатли маҳоратталаблиги билан адабиётнинг бошқа жанрларидан кам турмайди. Агар бадий сўз усталарини ғаввоста ўхшатиш мумкин бўлса, таржимон ҳам ғаввос машаққатини бошдан кечиради, ҳам заргар маҳорати талаб этилади ундан.

Ўзбекистонда таржимашунослик соҳасига асос солган алломалардан бири, йирик олим, марҳум Файбуллоҳ ас-Салом "Таржима бор экан, халқлар бир-бирлари билан доимий жонли мулоқотда, адабиётлар бир-бирига во-баста, бир-бирдан баҳраманд. Таржима бор экан, фикр-фикрдан сув ичади, ташийди, ўткирлашади", деганларида том маънода ҳақ эдилар.

Ҳақиқатан ҳам ҳар йили китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётган адабиётларнинг аксари хориж адибларининг асарлари: Жон Риднинг "Дунёни титратган ўн кун", Шекспир ва Пушкиннинг олий мақом асарлари, Нозим Ҳикмат, Азиз Несин, Муин Бисю, Пабло Неруда, Эрнест Хемингуэй, Александр Дюма, Фенимор Купер, Жюль Верн, Артур Конан Дойл, Чехов ва бошқа адибларнинг асарлари ким туфайли ўзбек китобхонининг маънавий хазинасидан жой олди? Шубҳасиз, буларнинг барчаси - таржимонларнинг заҳмати, меҳнати меваси.

Ўтган асрнинг бошларида рўй бериб, 70 йилдан ортиқроқ улкан бир мамлакат ҳукмрон сиёсатини юритган шўролар тузуми даврида, гарчи сифат кўрсаткичи унча баланд бўлмаса-да, адабиёт ва санъат сингари ўзбек таржимачилик мактаби шаклланди. Эҳтимол, бу мактабда яратилган, таржима маҳсули бўлган барча асарлар ҳам халқимиз мулкига айланмагандир, қанча-қанчалари сиёсатнинг эврилиши билан бир пуллик қиймат касб этмай қолгандир. Аммо, асосийси бу эмас, муҳими, таржимачилик мактаби пайдо бўлди, тажриба ортди, маҳорат юксалди. Забардаст таржимонларимиз сафи кенгайди.

Ўзбек таржимачилик мактаби анъаналари қатор йиллар давомида авлодлар томонидан муносиб тарзда давом этиб келяпти.

Масалан, ўтган асрнинг бошларида Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Ҳамид Олимжонлар бошлаб берган бу ишни Абдулла Қаҳҳор, Мирзакалон Исмоилий, Миртемир, Сарвар Азимов, Амин Умарий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Ваҳоб Рўзиматов, Шавкат Раҳмон ва бошқалар таржима мактабини истиқлол йилларигача эсон-омон олиб кела олдилар.

Шуниси эътиборлики, агар истибод даврида қўпгина таржима асарлар буюртма асосида, кўрсатма туфайли яратилган эса-да, етмишинчи йиллар ўзбек таржимачилик мактабининг сабоғи шундаки, бизнинг йирик шоир, ёзувчи, драматург ва профессионал таржимонларимиз қайта яратиш жараёнини санъат ва ижод деб қараб келдилар. Улар бу "иккиламчи", "ҳосила", ижодий иш ўзбек адабиёти тараққиётининг ҳар бир даврида турлича аҳамиятга эга эканини чуқур ҳис қилганлар.

Шўро ҳукумати мафкурачилари юқорида таъкидлаганимиздек, ўзбек тилига таржима қилинаётган асарларнинг бадий жиҳатларига унчалик ҳам эътибор қилмаганлар. Қолаверса, ўзбек китобхонининг мукамал, етук асарларни мутолаа қилиши унинг манфаатига зид ҳолат бўлган. Шу боис ҳам республикада таржимашунослик фанини яратиш ва уни ривожлантириш саъй-ҳаракатлари фикр бўлиб туғилган ҳамоно бўғилар, қувғинга уч-рарди. Ҳаттоки 1975 йили дунёнинг 35 давлати вакиллари иштирокида Хельсинкида бўлиб ўтган, Европа хавфсизлигини таъминлаш ҳақида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан имзоланган 1 август шартномасида таржима соҳасидаги ишларни йўлга қўйиш тўғрисидаги келишув имзолангани ҳам бу борадаги ишларнинг яхшиланишига заррача таъсир ўтказмади.

Нафсиламбирини айтганда таржима - сиёсий масала эди. Ҳукумат чет эл сафарига борувчиларни минг бир чиғирикдан ўтказгани каби, таржимонларнинг фаолиятини ҳам доимий назорат остида тутиб турган. Назорат остида тутишнинг эса воситалари кўп. Шулардан бири, таржима асарларига тўланадиган ҳақ — молиявий масала эди. Йирик адабиётшунос, моҳир таржимон Озод Шарафидинов фақат моддий манфаатдорлиги юқори бўлгани ўша кезлари пулга зориқиб юргани туфайли ҳам қўплаб Ленин асарларини ва инқилоб мавзусидаги асарлар таржимаси устида тинимсиз ишлаганликларини рўй-рост тан олганлар. "Бундай муносабат, — деб ёзади Файбулло Сало-

мов, ўша давр таржимончилиги ҳақида қалам тебратиб, — аслида даврий такрорланиб туриши, афсуски, тасодифий ҳам бўлмаса керак. Шундай вақтларда, айниқса, бадий таржимонлик иши уларга ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам улкан тарбиявий мадад бўлган”.

Мана шу жумлаларни тадқиқ қиламиз. Ҳосил бўлган мантӣқ шундан иборат эдики, агар таржимонлар бадий асарлар ўғирмасида “соддалаштириш, маҳаллий китобхон, миллий тушунча ва мушоҳадасига мослаштиришдек “сарқит” услубни қўллаганликларида ёки, асарнинг сўзма-сўз таржимаси — копия яратиш йўлидан борганларида эди, ўзбек таржима мактаби тажриба касб этмаган, сон-саноксиз китоб жавонлари ададсиз китоблар билан тўлган бўларди, холос. Худди шунинг учун ҳам улар кўпроқ В.Шекспир, Ф.Шиллер, Н.В.Гоголь, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, А.Н.Толстой, В.В.Маяковский, М.Горький, А.Исақянов асақрларини таржима қилишга юзланишган. Даврнинг долзарб масалаларини, хаста виждони ва муштарақ дил изтиробларини ана шу буюк ёзувчилар тилидан, уларнинг номидан изҳор қилишган.

Биринчи авлод ўзбек таржимонларининг ижоди кейинги авлод учун ўрта авлод тажрибаси, ундан кейинги авлод учун — кейинги ва ҳозирги ёш авлод ҳолида профессионал таржимонлар учун битмас-туганмас ворисий хазина вазифасини ўтамоқда.

“Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдан, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини юксалтиришдан иборат”, деган эдилар юртбошимиз И.А.Каримов. Ана шу улғувор ишда ўзбек таржима мактабининг вазифаси, ўзбек таржимонларининг тутган позицияси нимадан иборат бўлмоғи лозим?

Бу ўринда шунга таъкидлаш лозимки, таржимон олдидан турган вазифалар том маънода, ҳамма даврда бир хил бўлган академик Конрад таъбири билан айтганда “халқлар ўртасидаги адабий алоқалар” таъминотчиси сифатидаги ролини бажараверади. У миллий адабиёт хазинасини жаҳон адабиётининг сара асарлари ҳисобига бойитиш, ўзи мансуб бўлган халқнинг маънавий мулкини умуминсоний қадриятлар жилоси билан зийнатлашдек шарафли ишга камарбаста бўлиб қолаверди.

90-йиллардан кейин ўзбек таржимачилигида қўлга киритилган ютуқлардан бири — халқимизнинг кўп замонлардан бери армони бўлиб келаётган, буюк халқ даҳосининг кўп асрлик закосини ўзида мужассам этган диний-маърифий мавзудаги бебаҳо меросимиз таржима қилиниб, кенг китобхон оммасига етказилгани бўлди. Бу борада қилинган ишлар сирасига энг аввало Қурони карим ва унинг маънолари, Ҳадиси шариф ва бошқа диний қўлёзма асарлар киради. “Ҳидоя”, “Шамойили Муҳаммадия”, “Жомеъ ул-мутун”, “Қиссаи Рабғузий” сингари асарлар халқимизнинг маънавий мулкига айланиши билан бирга, ўзбек таржима мактабини Алоуддин Мансур, Абду-

лазиз Мансур, Сайфиддин Рафиддинов, Мирзо Кенжабек сингари моҳир таржимонлар ҳисобига бойитди. Мустақиллик йиллари бадий асарлар таржимасини варақлаганимизда уларда ҳам мазмуни, ҳам моҳият жиҳатидан сифат ўзгариши юз берганини кўрамиз. Таржима қилинаётган асарларнинг аксари авваллари ўқиш мумкин бўлмаган, таъқиқланган асарлардир. Ушбу сиёсий мавзудаги асарлар таржимаси халқимиз онгида ўз-ўзини англаш, ёшларимизни бугунги шафоатли дамлар ҳақида шукроналик туйғуларини камол топтиришга хизмат қилади. Бу йўлда самарали меҳнат қилиб келаётган атоқли таржимон Озод Шарофиддиновнинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Зеро, унинг самарали ижоди ва беназир маҳоратининг маҳсули ўлароқ, ўзбек китобхонлари И.Буничнинг “Партиянинг олтинлари”, А.Рибаконинг “Арбат болалари”, Э.Севеланинг “Самолётни тўхтатинг, тушиб қоламан”, П.Коэлонинг “Алхимик”, “Бешинчи тоғ”, Л.Толстойнинг “Иқрорнома” сингари асарлари билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Озод Шарафиддинов таржима учун асар танлашни ижодий маҳоратнинг бошланғич нуқтаси деб қарайди. Китобхонга ҳавола этилаётган янги таржима асар ҳам халқимизнинг маънавий мулкига айланиб, жамият тараққиётига хизмат қилиши ҳамда ўзимизда тарихан мавжуд бўлган ўлмас мавзулар сафини тўлдириши лозим. Биргина мисол, қадимги дунё адаби (милодий III-II асрлар) Лонгнинг “Дафнис ва Хлоя” номли асарини ўзбекчаштирган мутаржим, ўқувчининг маънавий ва ахлоқий тарбияси учун кўп ибратли мисоллар бериш билан бирга, адабиётимизнинг “Лайли ва Мажнун”, “Юсуф ва Зулайҳо” сингари мавзуларини бойитган.

Айрим таржимашунослар бу соҳада импорт ва экспорт сингари соф иқтисодий ибораларни қўлламоқчи бўлади. Аммо бу тўғри эмас, чунки, экспорт имконияти улкан бўлган давлатда ишлаб чиқариш ривожланади, иқтисодий манфаатдорлик ўсади. Импортга муте бўлган мамлакатда эса маҳаллий ишлаб чиқариш саноати инқирозга юз тутаяди, жуда бўлмаса оқсоқланиб қолади. Таржима саноатида аҳвол тамоман бунинг акси. Негаки, ўзга бир халқ ижодкорининг ўша халқ тилида, ўша халқ дунёқарашидан келиб чиқиб, ўша минтақага хос урф-одатлар, менталитетга асосланиб ёзилган асарини ўз ҳолича бошқа бир юрт китобхонига ҳавола этилса у ҳеч қандай қиймат касб этмаган бўларди. Худдики, садаф ичида марварид оддий тош экани, у ғаввоснинг машаққатли меҳнатю заргарнинг нозик дид ва маҳорати билан зийнат ва қиймат касб этгани каби ҳар қандай таржима асар таржимоннинг устахонасида қайта ишлов берилгандагина ўзга бир халқ истеъмолига яроқли-қундалик эҳтиёж заруратига айланади.

*Зилола ХҲЖАНИЕЗОВА,  
аспирант.*





# Чашма чалар чанқовуз

## ҲУЙЁВ ҲҲҲ

Хуйёв, хуйёв, хуйёв, хуй...  
Қўрмочлар қилиб толқон тўй.  
Томоқларингга тиқилса,  
Толтобоқларга қимрон қўй.

Хуйёв, хуйёв, хуйёв, хуй...  
Боваси берсин битта тўй.  
Кўнмайлар жотсин қудаси  
Қолинга қистаб қирқта кўй.

Хуйёв, хуйёв, хуйёси,  
Товларга тортсин тўясин.  
Элбеги тўнғич тоғасин  
Тўйишга тўя сўясин.

Хуйёв, хуйёв, ҳаммасин,  
Босмалар боссин момосин,  
Ўтовларида ўманглаб  
Чалмалар чалсин аммасин.

Хуйёв, хуйёв, хуйросин,  
Кўйларга тўлсин кўрасин,  
Жийрон отларин жеталаб  
Жўрсинда жилов жўрасин.

Хуйёв, хуйёв, хуй қушлар,  
Дайдиблар кетсин дарвишлар.  
Хуйёларминан овуниб  
Ухлаблар қолсин тиш-тишлаб.

## "КИШТАЛА КИШТ"

Бойбувамнинг эркаси, киштала кишт,  
Сурувининг серкаси, киштала кишт.  
Елкамни яғир қилди, киштала кишт,  
Туздай оғир тўрвасин, киштала кишт.  
Етти юлдуз, Хулжар оғар,  
Сомонийла Қозиқ қоғар,  
Оймомо оқ сўтин соғар

Унга тўлсин сўрасин, киштала кишт.  
Етагани, Етим юлдуз,  
Чув, Тарози-отим, юлдуз.  
Бир ниятим кеча-кундуз  
Жедам бўлсин кўрасин, киштала кишт.  
Не бўлса-да чидай-чидай,  
Бир кун карам қилар-да, бой,  
Ол-ей, қулим, - деса Худой  
Аллалар-да йўрасин, киштала кишт.  
Бойбувамнинг эркаси, киштала кишт,  
Сурувининг серкаси, киштала кишт.  
Яғир бўлса майлига, киштала кишт,  
Мендай етим елкаси, киштала кишт.

\* \* \*

Ёр, юрагим яроли,  
Кел, бир гурун қуроли,  
Кўйиб борар кўкайим  
Қарошингдан қўр олиб.

Ишиқ-мехмон, ошиқ-мехмон,  
Қолгон барчасин ёлгон,  
Дил ўртада дастурхон,  
Кел, сен бир, мен бир олиб...

Асли сен, хур-гилмонсан,  
Осмон рафтин олгонсан,  
Мен деб ерда қолгонсан,  
Беҳишт учун яролиб.

Кечганингни гузардан  
Турмай туриб сезарман,  
Борлиқда бўй кезаркан,  
Мушки анбар таролиб.

Чечак хандон: -ўтди, дер,  
Тошида забон: -ўтди, дер,  
Омон-омон ўтди, дер  
Мўрча бели буролиб.

\* \* \*

Чашма чалар чанқовуза, охува,  
Чўққи чўқар чўққа тиза, охува,  
Шивир-шивир шаршарами, охува,  
Қирқ кокилин қирққан қиза, охува.

Сувлари қаймоқ, Кўкбулоқ,  
Бағрима бир бор боқ, булоқ.

Сибизгамни чаламан, охува,  
Минг муқомга соламан, охува.  
Ул сулувада кўнглим бор-ей, охува  
Айтгали уяламана, охува.

Кўзлари нилдай кўк, булоқ,  
Сен ҳам сездингми, йўқ, булоқ.

Боботонинг бетини-я, охува,  
Олқор ўтлар ўтини-я, охува.  
Тумандайин тўйилди-ей, охува,  
Ўтовининг тўтини-я, охува.

Кийик улоқдай шўх, булоқ,  
Ёрни кўрдингми йўқ, булоқ.

Олқор шохи бурама-ей, охува,  
Шохида гул тўрама-ей, охува.  
Кўза кўтариб чиқса, ёр, охува,  
Кетсам сувлар сўрама-ей, охува.

Кўнглима кўлдай тўқ, булоқ,  
Айланиб кетай, Кўкбулоқ.

Бир сулувои суманбар,  
Сарваҳад, сочи аждар,  
Қучоғида қўли анор  
Лас либосга тиролиб...

Хулқар, Тарози сўнди,  
Тош тўшига ой қўнди,  
Сой сеҳрзарга дўнди  
Сендан, мёндан сир олиб.

Ёр, юрагим яроли,  
Келгин ёриб кўроли,  
Ўзинг малҳам ўлмасанг  
Не кечар шоир Ҳоли.

Ёр, юрагим ёр олиб...

\* \* \*

Бойнинг қизи бўрсилдоқ  
Хамир қорар ҳарсиллаб.  
Тушларига тинимсиз  
Довча кирар карсиллаб.  
Туш. Зулумот зим-зиё  
Айғир ўйнар бир бия,  
Орқовулда адоғда  
Чақин чақар чарсиллаб.  
Туш татбири тасқара,  
Сувга ийғисанг-масҳара,  
Ловуллаиди лорсиллаб.  
"Отанга айтма, дермиш,  
Сиримиз сотма дермиш,  
Эса эссиз бошларга  
Қамчи қўнар карсиллаб".  
Бой бу кеча бослигар,  
Қил тезизса қон чиқар,  
Ҳовут бойлаб бетлари  
Бўғриқади тирсиллаб.  
Керишади бойвучча,  
Дудоқлари довуҷча  
Буралганда беллари  
Қовурғаси қирсиллаб...  
Бойнинг қизи бўй-бўйдоқ,  
Шўрсирайди ўй-ўйлаб.  
Тушларига тинимсиз  
Кўёв кирар гурсиллаб.

#### ҲАРРОВ ХАЙТ...

Ёр боради ҳимиллаб,  
Хур бадани жимиллаб.  
Ҳолсирайди кўкайим  
Сувсагандай симиллаб...

Нор, ноламини ёрга айт,  
Қўнғирогинг тинган пайт.  
Тушларимга кирмасин.  
Ҳарров ҳайт, Ҳарров ҳайт...

Уюм-уюм қум. Қўнон...  
Ишқим бўлдимни ўйин.  
Ғирромини қаргама  
"Ўйинанг кўйсин, ўйинг..."

Карвон келиб борар. Хувв.  
Қош қораяр-қоронгу...  
Қўбизим-ай, қўшиқ айт:  
"Ҳарров ҳайт. Ҳарров ҳайт".

#### ЭЛИМ, СЕН БЎЛАРМОН БЎЛ!

"Бўлармоннинг боласи  
Ўн бешида бош бўлар.  
Бўлмасмоннинг боласи  
Қирқда ҳам ёш бўлар".

Бўлармон бўла келар,  
Эс-ҳуши тўла келар,  
Олдирмай ола келар -  
Омади йўлдош бўлар.

Бўлмасмонда гужур ўйғ,  
Топканида хузур ўйғ,  
Ёв боласи урса дўғ,  
Кўзи жиққа ёш бўлар.

Бўлармон бўлак емас,  
Бир-бировдан кам демас,  
Бирор мушкул чиқса, бас,  
Қавмига қўлдош бўлар.

Бўлмасмон бел гапирмас,  
Берсанг чоғир... ётар маст,  
Макруҳ еса тушурмас,  
Ҳаром-хариш ош бўлар.

Бўлармон бўри феъли,  
Ари дидли, шер дилли,  
Сертағмиз, дали-ғулли,  
Юртига кўз-қош бўлар.

Бўлмасмоннинг ўйғ бурди,  
Товонин ялар зўрди,  
Сон тегса, Худо урди -  
Золим, бағритош бўлар.

Бўлармонлар бир-бирин  
Бовурлаб дер, ботириш.  
Ўзгадан сақлаб сирин,  
Ўзига сирдош бўлар.

Бўлмасмоннинг бети без,  
Кўринганин тутиб эз.  
Ули-улмас, қизи-қиз,  
Кўн уйрилмай фош бўлар.

Бўлармонлар бургуткўз,  
Дор тағида тўғери сўз,  
Тиг тортсанг-да чўкмас тиз,  
Мисли сангбардош бўлар.

Элим, сен, бўлармон бўл,  
Илоҳим берсин оқ йўл,  
"Овмин" деб очайин қўл,  
Қўшиқ ҳам адаш бўлар.

#### БЎРИЙЎРТИШ

Ойдинда ойдинг бир оғиши -  
Оқ ўтовлардинг уйбоғиши.  
Овул одоғида ҳар санг-тош-  
Мен учун бувишинг болиши.

Ойдинг ойдинланиб оғиши -  
Ойсулувнинг сийир совиши.  
Кади-кашкуллари ўйилсин,  
Кўмушлар кўмсин-да ковушин.

Ойдинда ойлардинг оғиши -  
Оққушдинг гозланиб қўниши.  
Узатсам, қўлларим увишар -  
Хуржиб, қанотлари қўнишиб...


Ойдинг ойдинда бир оғиши -  
Ўжасадданма жондинг совиши.  
Кўкайлар кўйиб кул бўлди, воҳ,  
Эшитиб оҳува - нолишин.

Ойланиб ойдиннинг оғиши -  
Бўйқиздинг чонқовуз болиши.  
Тилкалаб тўшимди қилди хуш,  
"Биёв-биёв" лаган товуши.

Бехишлар бўйинини тўйдимда,  
Солиблар қўйдим-ай қўйинимга.  
Қизариб-бўзарди осмон -  
Бўйинимдан ойминан сўйдимда...

Ойлар бир ойдинлаб тўғсинда,  
Ойланиб, ойланиб оқсинда.





# Халоскор кўчи

Воқеъий ҳикоя

Тонг. Ҳовлим гуллар ифорига, қушлар чуғур-чуғурига тўлиб кетди. Ҳаёт қушларни ҳам, гулларни ҳам ҳаракатга келтирган. Бу табиатнинг азалий қонуни. Шундай сокин, оромбахш паллада радиодан нафис “Чўли проқ” навоси таралди. Най бўзламоқда. Наво мени олис-олисларга олиб кетди. Хотирамда бир умр сақланиб қолган ўша дилбар навони нурли тонг сукунатида, кексалик чоғимда яна тинглаб, унинг сеҳрли оҳанглари оғушида узоқ-яқин ширин-аччиқ хаёлга чўмдим. Салқин тонг шабадаси юзимни оҳиста силаб, аллалагандай ором бағишларди. Мени ёшлик сари, бўронли йилларга етакларди. Мени беш йил ўқитиб, қўлимга муаллимлик дипломини топширган жонажон Самарқанд Давлат дорилфунуни кўз олдимда намён бўлиб, 1941 йилнинг оташин июнь ойи ич-ичимни ёндирарди.

Талабалар ётоқхонасининг иккинчи қаватидаги бир хонада курсдош дўстлар — Шароф Рашидов, Фанижон Жаминов, Мўминжон Файзиев ва мен истиқомат қилардик. Мен Тожикистоннинг Нов районида келганман. Жиззахлик талабалар орасига тасодифан тушиб қолгандим. Фақат тенгдошим, шеърят мухлиси, ёш ижодкор Шароф Рашидов мени ҳамхона бўлишга маслаҳат берганлигини билардим. У билан бирга шарқу ғарбнинг буюк ижодкорлари асарларини ўқиб, бирга қалам тебратганларим ёдимда. Шунингдек, 1937 йилда Рашидов билан бир пайтда фуқаролик паспорти олганлигимни ҳам эсламан. Ички ишлар ходими, россиялик офицер бизларни чақириб, Сизлар энди янги давр фарзандлари, деб аввал Рашидовга 1917 йил 6 ноябрь, менга 1917 йил 7 ноябрда туғилган деб, паспорт бериб, табриклади. Биз эса бир йил аввал туғилганмиз дедик. Паспорт берган ходимнинг жаҳли чиқди. “Энди ўтмиш йўқ, янги революция эпохи бошланган” деб бизларни чиқариб юборди. Ўша паспортни шўролар давридан қолган фуқаролик ҳужжати деб юраман. Ҳозиргача у ёнимда. Паспорт ёнида талабалик дафтарчасини сақлардик.

1941 йилнинг 22 июни — якшанба, дам олиш куни эди. Ётоқхона ёз келиши билан тандирдай қизийди. Биз сўлим Сиёб дарёси соҳилида дам олишни хуш кўрардик. Ётоқхонамизнинг ярмини медицина институтининг талабалари, бўлажак шифокорлар эгаллаганди. Бир ҳовлида, бир бинода яшагандан кейин, албатта медик талабалар билан таниш эдик. Уларнинг кўпчилиги қизлар эди. Қизларки, ғоят гўзал, ғоят ифбатли ва хаёли. Бизлар билан саломлашиб ўқишхонага ўтардилар. Балоғат ёшида олий билимгоҳларни тугатаётган биз талабалар дипломи олиб, дорилфунун билан хайрлашсак, олдимизда мустақил ҳаёт дуч келишини яхши билардик. Шифокор қизлардан қаллиғ танласак ёмон бўлмасди, деб ўйлардик. Шифокор қизларнинг кўнглидан ҳам шу эзгу хаёл ўтгандир, ҳойнаҳой. Қизлар эса кўнгил сирларини аён этмасалар-да бизлар билан апоқ-чапоқ, хушсухбат, яқин дўст эдилар. Иккинчи қаватда турган қизлар эрталаб сочларини орасталаб, деразадан юз кўрсатишганда қуёш нурларида улар янада парирухсор бўлиб кўринардилар.

Эрталаб марказий кутубхона ёнидан ўтиб дам олишга бораётганимизда, қаршимизда ҳовлиқиб, биз томонга югуриб келаётган бир гуруҳ талабаларни кўрдик.

— Уруш! Уруш! — дея бақириб-чақириб, ёнимиздан ётоқхона томонга ўтиб кетишди. Биз ҳам орқамизга қайтдик.

\* \* \*

Диплом олган кунимиз ҳарбий комиссариатдан чақириб қоғози келди. Курсдошлар билан айтилган вақтда бордик. Ҳарбий даргоҳ арининг уясига ўхшарди. Кирди-чиқди авжида. Чақирув қоғозини ҳарбий ходимга бердик. Навбат кутинглар, деди у. Ҳаял ўтмай кўзойнак тақиб юрадиган озғин курсдошим Ҳамдам Бердиевонни чақириб қолишди. Бироздан сўнг у комиссия хонасидан қўлида қоғоз билан чиқди. Кечқурун йўлга чиқарканман деди. Уни медкомиссия интендант қисмга лойиқ топиб-

ди. Биз билан хайрлашиб Каттақўрғонга, қишлоғига, она-си, жигарбандлари билан хайрлашувга жўнаб кетди.

Навбат бизга етди. Шароф Рашидов пулемёт, Фанижон ва Мўминжон артиллерия қисмига юбориладиган бўлди. Комиссия менинг ҳужжатларимни кўриб, сиз ҳозирча дам оласиз, кейин навбат келади, деб менинг кетишимни кетга сурди. "Ана, холос", дедим хафа бўлиб.

— "Ана холос" эмас, тегирмон навбати билан, — деб кўнглимни кўтарди Рашидов. Сўнг у ҳамшаҳарлари билан, ота-оналари билан хайрлашиб келишга кетди. Ётоқхонада бир ўзим қолдим. Мен бир ой бўшаб қолган ётоқхонада саргардон юрдим. Ҳарбий комиссариатга бориб жанжал кўтарганларим ҳам наф бермади. Ниҳоят, 1942 йил март ойидагина Харковдан Тошкентга кўчиб келган "Кимё ҳимояси" мактабига жўнатилдим. Курсантликда ҳарбий машғулотлар осон бўлмади. Кимё формулаларини билолмай жоним қийналарди. Комиссар эса сен олий маълумотли, партия аъзоси, командир бўлишинг керак, деб мен билан бирга хизматга келган, университетнинг юқори кимё курсида ўқиган ҳамюртим Аҳмаджон Алиевга боғлаб қўйди. Энди Навоий, Пушкин, Байрондан гапирмайсан, Менделеев жадвалидан дарс ўрганасан, деб Аҳмаджон ҳазиллашар эди. Курсантликда бўш вақтим бўлмади, кимёсини ҳам, отиш, ҳамла машқларини ҳам яхши ўзлаштириб, шеър ёзишни ҳам унутмадим. 1942 йилнинг октябр ойида кичик лейтенант унвони билан Брянск фронтга жўнаб кетдим.

Минг тўққиз юз қирқ тўртинчи йилнинг кузи. Қаҳшатчи жанг давом этар эди. Душман чекина-чекина тиш-тирноғи билан қаршилик қилаёттир. Мен — ҳарбий мухбирман. Таҳририят тошпириғи билан олдинги маррага отланган ўша кун ҳеч хотирамдан чиқмайди. Гўёки онадан қайта туғилгандек бўлдим ўша кун...

Армия штабидан олдинги маррага бораётган юк машинасига ўтирдим. Кетяпмиз, кетяпмиз... Қинғир-қийшиқ, ўнқир-чўнқир йўл, дала, чек-чегараси кўринмайдиган ўрмон. Машинада автоматларини елкаларига осиб олган навқирон йигитлар гурунглашиб ўтирибди. Улар орқасида танк корпусининг таниш лейтенантини кўрдим. Улар билан саломлашиб, қаторга қўшилдим.

Мен осмонга қарайман. Дарахтлар баланд ўстанидан осмон кўринмасди, тарвақайлаб кетган ўсиқ дарахт шохлари йўл устига қанотларини ёйган. Шамол ғувиллайди, дарахтлар шовуллайдди, какку қушининг хунук овози қаердандир эшитилади. Мен манави кетаётган йигитлар, сўнги олишувлардан омон чиқиб, ота-оналари ёнларига қайтишларини жуда-жуда истайман, Ахир мен ҳам олис Сирдарё бўйидаги кичкина овулдаги захматкаш, оёғи доим оғриб турадиган кекса деҳқон отамни, эски зингер тикув машинаси билан кун кўраётган муштипар онамни хотирга келтираман. Улар ёнига қайтиб, онам кўлидан дипломимни олиб, маорифга бориб, ўқитувчи бўлишни дилимдан ўтказаман.

Юк машинаси бирдан тўхтади. Шобфёр йигит ўрнидан туриб кўлига челак олди. Машинага сув керак бўлиб қолибди. Мен ўрнимдан туриб, бизни қуршаб ол-

ган, шовуллаб турган ўрмонга қарадим. Шу пайт олисдан, ўрмон тўридан най овози эшитилди. Қулоқларимга ишонмадим: "Чўли ироқ?! Наҳотки?!" Бутун вужудим қулоққа айланиб, най овозига маҳлиё қотдим: Ҳа, бу таниш, севимли куй Чўли ироқ эди. Найнинг жозибали, майин, дардли оҳанглари бутун хаёлу вужудимни қамраб олган эди. Бу қадимий, нафис эл куйини болалигимда, мактаб ҳаваскорлари ижросида биринчи бор эшитгандим. Самарқанд театрида ҳам созандалар бу куйни ижро этса, жим қолиб сел бўлиб тинглардим.

Мана энди, жанг майдонига, олдинги маррага кетаётган уни нотинч бир дамда юрагимда маҳкам эслаб қолиш ва най чалаётган кишини кимлигини билиш учун машинани тўхтатишни шофёрдан сўрадим. Шофёр ёнида ўтирган лейтенант менга ўқрайди:

— Сизга сибизга керакми, жангдаги баҳодирлар керакми? Кетдик!

Мен бу най чалинаётган жойда ҳам жангчиларимиз хойнаҳой, бор, мен уларни кўришим, улардан хабар олиб, улар ҳақида ҳам ёзишим зарур, дедим.

"Овоз приёмникдан келяпти!" деб дўнғиллади лейтенант.

Шофёр машинасидаги ясама приёмникни буради. Ундан бўғиқ овоз эшитилди.

— Бу музыка приёмникдан эмас, ўртоқ лейтенант! — деди шофёр. Машинадаги жангчилар, "Қандай ёқимли сибизга овози" дея жим қолишиб, дардли оҳангларга қулоқ солишди. Машинадан тушмоқчи бўлдим.

— Тушмайсиз, биз билан олдинги маррага борасиз! — дея бақириб берди лейтенант.


Унга жангтоҳда мен учун орқа ҳам, олд марра ҳам бир, қаерда жангчи бўлса ўша ерданман. Мен мусиқа овози келаётган жойдан хабар оламан, орқаларингиздан бошқа машинада етиб бораман дедим.

Машина тепасидан ерга сакраб тушдим. Машина юриб кетди. Мен ўзимни ўрмон ичига урдим.

Яқинда жанг бўлиб ўтган ўрмон ичи тартибсиз эди. Синган дарахт шохлари сочилиб ётарди. Най овози эшитилаётган томонда сўқмоқ йўлни кўрдим. Хайрият, одам юрадиган йўл бор экан деб олдинга юриб кетдим. Лекин куй чалинаётган жой кўзимга кўринмасди. Майин, сеҳрли овоз анча олисроқда эди. Хаёлим эмас, юрагим у куй ёққа талпинарди.

Кимсасиз, хомуш ўзга эл ўрмонида талпинган юрагим мени дадил бўлишга, эзгу хаёллар билан олдинга юришга етакларди. Йўлимни бир лаҳза унутгандай бўлдим, болалик йилларида най наволаридан сеҳрланганлигимни, Оқсой соҳилида баланд ўсган қамишзорни ва ундан биттасини кесиб, найча тайёрлаб, "дуд-дуд" деган овоз чиқариб хурсанд бўлганлигимни эсладим. Энди эса, улғайиб, Ватан аскарлари бўлиб, олдимда эшитилаётган мусиқа машғоғини излаб шошиляпман.

Ўрмон. Сўқмоқ йўл. Анча юргандан сўнг дарахтзор орасидан ўтовдай, чоғроқ уй кўринди. Хайрият, деб унга етиб олдим. Кўз олдимда яланг ҳовли ва икки қаватлик болахоналик уй кўринди. Ҳовли ўртаси катта экинзор, яралари бинт билан боғланган йигитлар атрофда дам олиб



ўтиришарди, баъзилари қўлтиқтаёқда эди. Мен бу ер аскарларни даволаш маскани экан деб, болахонага қарадим. Унда ёлғиз бир офицер берилиб най чаларди. Ҳовлида бегона пайдо бўлганини кўриб, айвондан пастга тушмоқчи, пешвоз чиқмоқчи бўлди. Мен эса қўл билан тушманг, ўзим ёнингизга кўтариламан, дедиму ёғоч зинадан тез юқорига кўтарилдим ва ўзимни фронт газетасининг мухбири деб таништирдим. Мухбир зотининг кўрган кишиси билан тез мулоқотда бўлиш одатини ҳамма билади. Мен билан ҳам дарҳол танишиб олди. У дивизия санбатининг командири, жарроҳ шифокор, майор Носир Хўжаев экан. Овқатланиб, дам олишга чиққан ярадор жангчилар "Ўртоқ майор, най чалишни тўхтатманг!", деб яна илтимос қилишди.

"Ҳа майли, бемор илтимосини ерда қолдирмай", — деб майор найни қўлига олди ва менга қаради. Мен "Чўли ироқ"ни чалишини сўрадим.

Ўрмон жозибали наволарга яна тўлиб кетди. Ерда гурунглашиб, тамаки чекиб ўтирган бемор йиғитлар жим қолишди. Олам ўзини дилрабо наволар бағрига олди. Сехрли "Чўли ироқ" бир меъёрда, ўта нафис оҳангларда қанот ёзарди. Мен ўзимни қаерда ўтирганлигимни унутиб, айвон четидан пастга умбалоқ отишга сал қолганлигимни билмабман. Менга қараб, "берироқ ўтиринг", деди Носир ака ва мусиқани давом эттирди.

Сехрли мусиқа оламида яна суза бошладим. Қалам-кашларнинг диллари нозик, таъсирчан бўлади, дегандай, ёш боладай кўзимни юмиб тебраниб ўтирардим. Кучли таассуротда эдим. Бу таассуротим жанг майдонларида йиғитлик ёшим ўтаётганиданми ёки менга Тошкентдан омон дийдор кўришни истаб хат ёзиб юборган Мухаббат ёдга келганиданми, билмайман, най садосидан адо бўлгандим.

"Чўли ироқ" оҳангларини сердарахт яшил ўрмон ҳам тинглаётгандай, шамол елпинишдан тўхтаб, сокин эди. Мен тил билан баён этиб бўлмайдиган бундай Мусиқа дунёда борлигидан мамнун эдим. Бу дилбар навони она юртимдаги одамлар эшитаётгандай, киндик қоним тўкилган уйимизни, жангоҳдаги акам Аширматни ва укам Холматни кутаётган кексайган ота-онамизни ва кичик укаларимни кўз олдимга келтирдим. Тикув қўл машинасида укаларимнинг қўйлақларига ямоқ тикиб ўтирган онам санитар батальонида най навосини тинглаб соғомон ўтирганимни билиб, мени кўриб ўтиргандай тинч эдим. Сехрли наво мени оромбахш хаёллар бағрига тортиган эди.

Шу чоғ ўрмон ёқдан бир неча аскар югуриб кела бошлашди. Кўзлари бежо. Афтидан бир фалокат юз берганга ўхшайди. Ҳа, аданмаган эканман!

— Ўртоқ майор! Ўртоқ майор, — дея улардан бири ҳовлиқиб Носир Хўжаевга мурожаат қилди. — Беш чақиримча нарида бир машина миная йўлиқиб портлаб кетди!

Ярадорлар ўртасида ғала-ғовур кўтарилди. Кимдир санитар машинасини чоғлашга ошиқди. Бир оздан сўнг маълум бўлдики, ўша фалокатга учраб, кули кўкка совурилган машина — мен ҳалигина тушиб қолган, олд фронт чизигига кетаётган улов эди.

Мен ҳангу манг қотиб қолдим. Мени... мени муқаррар ўлимдан най навоси қутқариб қолган эди!

...Тонг. Беғубор, сокин субҳидам. Ногоҳ боғ ичра қулоғимга чалинган бу диловор мусиқа хотирамда ўша унутилмас лаҳзаларни жонлантирди. Кўзларимда беихтиёр ёш қалқди: "Раҳмат сенга, халоскор куй..."



Наргиза АСАТБЕК қизи

# Мен билганим

## фақат шеър бўлди

### ОСТОНА

Остонада турибман, мана,  
 Ёдимдан ул ёдингиз бўйлар.  
 Гумон эмас, шонинг мени,  
 Бошлаб келди соғинчи йўлар.  
 Остонада турибман, мана,  
 Поёндозга инган гардингиз.  
 Киrolмайман, тўхтатар недир,  
 Товонимдан боғлар изингиз.  
 Остонада турибман, мана,  
 Кўксимдаги қуш сози авжи.  
 Ичкарида билмайман, не сир,  
 Ташқарида ҳисларим мавжи.  
 Остонада турибман, мана,  
 Тутқичга ҳам етади кафтим.  
 Бир баҳя қолганда дейман:  
 "Манглайимдан босилсин тафтим".  
 Остонада турибман, мана,  
 Дийдорингиз энг яхши тилак.  
 "Бугун яна кўрмайманми?.." деб,  
 Мендан араз, йиғлайди юрак.  
 Остонада турибман, мана,  
 "Кутмоқ"лардан бездингизми ё...  
 Одимингиз эшитиб шу он,  
 Чопиб кетдим, сездингизми ё...  
 Остонада турибмиз, мана,  
 Деразадан боқиб ҳайрона.  
 Азизим, чин, сиздан-да ортиқ,  
 Мени суяр ушбу — Остона..

### КУЗАТАДИ...

Кузатади йўллар, чироқлар,  
 Кузатади ортда Ота уй.  
 Сен қоласан, қучиб фироқлар,  
 Йўл бошлайди "ёр-ёр" деган куй.

Куйлаб-куйлаб куйдирди "ёр-ёр",  
 Ёдинг энди ёт бўлди-ку ёр.  
 Сенсиз менга бу овулар тор,  
 Борлар ичра яшайманму зор.

Холидага

"Ортга боқма, келин..." дейдилар,  
 Боқсам агар ирим бўларкан.  
 "Шамдек оқма, келин..." дейдилар,  
 Энди ёдинг сирим бўларкан.

Куйлаб-куйлаб, куйдирди "ёр-ёр".  
 Ёдинг энди ёт бўлди-ку ёр.  
 Сенсиз менга бу дунёлар тор,  
 Борлар ичра яшайманму зор.

Уловлари сиргалар аста,  
 Тол ортида бир шарпа боқар.  
 Сурнайлари чийлаб хаста,  
 Юрагимга гулханлар ёқар.

Куйлаб-куйлаб, куйдирди "ёр-ёр",  
 Ёдинг энди ёт бўлди-ку, ёр.  
 Сенсиз менга бу дунёлар тор,  
 Борлар ичра яшайманму зор.

Узатади йўллар, чироқлар,  
 Кузатади ортда Ота уй.  
 Бир умрга қийнаб сўроқлар,  
 Олиб кетар "ёр-ёр" деган куй...

### КЎЗГУДА...

Боқаман... юзлари аллақандай тунд,  
 Кўзлари кулмайди, сурати хушсиз.  
 Хаёл уммонида сузар оҳиста,  
 Қатралар қалқийди кўзларда ҳиссиз.

Биламан... қалбида саргаяр соғинч,  
 Ишқнинг саҳросида қийнар ташналик.  
 Ёлғизлик олдида туради — ёлғиз,  
 Бугун унга ҳижрон қилар ошнолик.

Боқаман...



### ОНАМ ОРЗУГИ

"Мени кезим ҳали бир кез бўлсин..."

Онамнинг сўзлари.

Йўлга тушиб ўзи кўргани келган,  
 Сезиб-сезиб ҳолим сўргани келган.  
 Қўлида туғуни, елкада юкин,  
 Кўтариб борини бергани келган,  
 Оввора онам-а,  
 Сарсон-а, онам.

Қалбининг бешдан бир парчаси ўзим,  
 Хавотир уйининг дарчаси ўзим.  
 Дийдори етаклаб келган чоғида,  
 Таскин ёшларининг барчаси ўзим.  
 Дилпора онам-а,  
 Тийрон-а онам.

"Вақт етмас"ларга-ку, сайландим, Она,  
 Минг бир баҳонага шайландим, Она.  
 Бу ерни қишлоққа ўхшаш деб ўйлаб,  
 Тош шаҳарда тошга айландим, Она.  
 Садпора онам-а,  
 Ҳайрон-а онам.

Мен нима ҳам қилдим, сизга арзулик,  
 Бир сўз тополдимми тилга олгулик.  
 Билмадим, билганим фақат шеър бўлди,  
 Бир қиз бўлолдимми сизга арзулик.  
 Гулёра онам-а,  
 Бийрон-а онам.

Наргиза Асатова 1984 йил Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ тумани Гул қишлоғида туғилган.  
 Ҳозирда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтининг 3-босқич талабаси.  
 Шеърлари "Ёшлик" журналида илк бор эълон қилиниши.



Юсуф ХУДОЙҚУЛ

# ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКЛАР

## Ҳикоя

Яланғоч даҳасида кўп қаватли уйлар қурилади бошланди. Яна денг, атрофи бийдай дала, бугдойзорлар ичида, кўримсиз, пастаккина кулбалар қаторида тўрт қаватли уйлар қурилишининг ўзи мўъжиза. Ахир, иссиқ сув, совуқ сув, ванна, душ, ҳатто ҳожатхонаси ҳам ичида — жаннат-ку. Фанишер ака ҳам баҳоли қудрат уч хонали уйга эга чиқди. Атрофи дала бўлганидан ўзича, уч-тўрт сотих жойга белги кўйди. Ер ағдариб ўрганган одам тек ўтирармиди, рўзгорга ул-бул, дегандай томорқа-да. Лекин кутиб турадиган вақт, ўзгармайдиган замон йўқ. Давринг келди сур, укам, деганларидек ҳамма бизнесга — пул топишга ўзини урган дамларда Оқтов адирларидеги қишлоқда яшовчи узоқ қариндоши Хушомон Фанишер акани йўқлаб келди. Куюқ салом-алиқдан сўнг, бирров ношушта қилган бўлишди ва "ҳовли" кўргани ташқарига чиқишди. Хушомон қўлбола "ҳовли"ни, уйни кўздан кечирган бўлди. Ўзича нималарнидир чамалади, чўтлади.

— Эй, Фанишер ака, мақтаган ҳовлингиз шумиди ҳали...

— Уч-тўрт сотих камми, ука?!

— Кўп қаватли уйнинг тагидаги ерда бу...

— Тагида эмас, ташқарисида де, тўр сим билан ўраб кўйганман.

— Шуям... эй, ҳовли солиб бўлмаса...

— Бир гап бўлар, мева-чевага, экин-тикинга бола-ларнинг тиши тегиб турибди.

— Мана буни экин-тикин деяпсизми?

— Энди, ука, кўй шу гапларни, тирикчилик ўтиб турибди. Ўзингдан гапир, ўзингдан.

— Менда бир режа бор, хўп, десангиз бойиб кетамиз. Шу, десангиз, хув, ўртоғингиз Холмат ака бор-у, ўша бир гап айтди. Биз тарафда така арзон экан, шаҳарда эса ўтгиз экан. Олиб сотганлар бойиб кетаяпти.

— Кўй-эй, қўлдан келадиганидан гапир-да, ука!

— Нимаси ёмон, ҳаш-паш дегунча анча-мунча пулли бўламиз.

— Эй, умримда эчки сотганманми?

— Мен-чи?! Замон шундай, таваккал қилмаган ютмайди.

— Қараб турсам гапингдан қоладиганга ўхшамайсан. Янаям билмадим-у, ҳай, қани гапир, эштай-чи.

— Мен адирликлар билан гаплашиб кўйдим. Хуллас, фойда яхши қоларкан. Харажатнинг ярми сиздан, ярми биздан.

— Қайси харажат?

— Ҳа, нима, ҳаммасини мен тўлайми? Ўзи арзи-маган пул, мана...

— Биласан, бола-чақалиман, ундай пул менда йўқ.  
— Таниш-билиш бордир, йигирма кунга, деб олинг. Узоғи билан ўн беш кунда сотамиз. Қарздан ташқари мўмайгина чўнтагингизда қолади, ака. Бу бир ойда фалон пул дегани!

— Йўғ-эй, бўлмайдиган иш-ов?

— Ахир, рўзгор демайсиз, болаларга уст-бош демайсиз. Ҳатто бир йилда машинали бўласиз, ёмонми?!

— Ҳа, энди кўз кўриб, кулоқ эшитмаган гаплар-да. Хушомон Фанишер аканинг юмшаётганини кўриб, баттар тезлади.

— Хўп, деяверинг. Тўрт бетон орасида асирга тушган солдатдай яшамайсиз, данғиллама ҳовли-жой қилиб оласиз. Мана кўрасиз.

— Тўрт девор бўлсаям, ўзимники. Иссиқ-совуқ суви, гази бор. Ёзда салқин, қишда иссиқ. Нолиганим йўқ, ука.

— Ҳали хорижнинг сауналари, бассейнлари ҳовлингизда бўлади.

Икки қариндошнинг тортишуви кулоғига чалинган Гули чечанинг гаши келди:

— Нима бало, бўлишолмаган молларингиз борми? Гап талашасиз, бутун маҳалла эшитаяпти-я?!

— Эй, чеча, акамга бизнес қилайлик, десам ҳисобини тополмаяпти. Ҳар ойда фалон пул фойда қилса, ёмонми?!

— Вой, шунча пул-а, нима экан, ўзи, бу ўлгур бизнесинг?

— Бизда нима кўп, така кўп. Арзон сотиб олиб, шаҳарда қимматига сотиш-да.

— Ҳай, қайни, оладиган борми ўзи?

Хушомон шошганидан:

— Клент бор чеча, клент бор, — деб юборди.

— Ундай бўлса хўп дея қолинг, адаси, ука ўзингизники, алдаб-нетиб юрмас...

Ниҳоят битим имзоланди. Гули чечанинг оғзи кулоғида, келадиган бойликка нималар сотиб олиши ҳақида ўйлайди. Фанишер ака эса чуқур ўйга ботган, қарзни кимдан олсин энди?

Эртасига эрталаб Фанишер ака дўкончи қўшнисиникига чиқди. Аввалига гап тополмай калавланди. Ахир, нима бўлса бўлар, деб ростини айтиб кўя қолди.

— Фанишер ака, сиз билан анчадан буён қўшнимиз, — дея салмоқланиб гап бошлади дўкондор. Сиз сўраган ҳазилакам пул эмас. Яна бизнес... Ким билади дейсиз, ишингиз юришмай қолса, мен куяман, юришиб кетса бор барака. Агар ростдан ҳам шу ишга бел боғлаган бўлсангиз, бундай қиламиз, сиз ҳам фойда

кўринг, ҳам олган пулингизни устамаси билан қайтарасиз, майлими?.

— Устамаси нима?

— Юзига йигирма мингдан қўшиб берасиз-да.

Фанишер ака чамалаб чиқди, ҳай аттанг, тузукки-на фойда қиламан девди, унинг ҳам чораги сабил кетди. Лекин рози бўлмай бошқа иложи йўқ эди.

\* \* \*

Оқтов ва Қоратов ораллигидаги адирлар ёзда жаннат-маҳон жойга айланади. Хушомон ўзини анча бардам ҳис қилди. Пул белни бақувват қилади, деб бежиз айтишмайди-да, гапларни ҳам чўрт кесди.

— Чўпон бува, гапнинг пўст калласи, ўттизта така олмоқчиман. Сиз йўқ десангиз Душан чўпонга бораман! Айтишларича, такалари зўр экан.

— Мен сенга така йўқ дедимми? Пулинг борми ўзи, болам?

— Пул бўлмаса, така сўрайманми?!

— Хўп, сенга қандайи керак, ўзи сотмоқчимисан ё мол қиласанми?

— Дадил-дадилдан бўлсин, у ёғини кўрармиз.

— Энди нарҳини келишиб олсак, нима дейсан?

— Холмат ака нарҳини айтган.

— Ҳа, баччағар, айтибди-да.

Ўттизта така сурувдан ажратиб олинди. Қотмадан келган икки йигит "Камаз"га юклай бошлашди. Хушомон Холмат акага келишилган нарҳни санаб берди. Ва мийиғида кулиб, ўзи-ўзига деди: "Алдамабди, жойидан йигирматадан ошиқ олсанг ўн мингдан девди, ростакан. Чўпон бир сўм ҳам қўш демади-я. Ё мол бировникимикан? Йўғ-э!".

\* \* \*

Сахармардондан эшик кўнғироғи жиринглади. Фанишер ака эринибгина эшик ёнига борди.

— Ким у?

— Мен, Хушомонман. Молни олиб келдим, жойлаштирайлик, Фанишер ака.

Фанишер ака тўнини елкасига ташлаб, ҳовлига чиқди. Қараса, катта "Камаз"да ўттизта қора така. Бир-бирига ўхшайди, жониворлар. Келбати ҳам бир хилда.

— Иби, нега бу ерга олиб келдинг? Оладиганим бор девдинг шекилли? Олиб бормадингми?

— Кленгни топгунимча, томорқада турса девдим, далада юрганга булар, оғзи ўтга тегиб турса ориқламайди.

— Болаларнинг ризқини пойхон қилади. Бўлмабди бу ишинг.

Орага жимлик чўкди. Қайтарай деса, пули куйган, олиб қолай деса, экинлар. Хаёлига бирдан далада боқиб турсам-чи, деган гап келди.

— Хушомонжон, буларингни дала марзасида боқиб турай, сен одамнинг топ! Бугундан қолмасин-а, ука.

Фанишер ака чала-чулпа нонушта қилган бўлди. Такаларни олдига солиб далага кетди.

Така дегани ҳеч гап уқмас бўлади-да, эртадан қора кечгача Фанишер акани роса терлатди. Ҳеч бир жойда турмаса денг. Подани томорқаси ёнига ҳайдаб келибоқ, Хушомонни сўради. Бозордан пешинда қайтган Хушомон мизғиб олган, эълларни шишибди.

— Хўш, ука, эпландингми?

— Йигит кишининг гапи битта, ака. Эртага келиб шу ердан олиб кетади. Акагинам, пул сафламасангиз пул келмайди. Сиз ҳам роса чарчаган кўринасиз, мен ҳам толиқдим. Шу, биттасини сўйиб, қон чиқариш керак эди ўзи. Ишимиз юришарди.

— Керакми шу?

— Керак, ака, ҳамма шундай қилади.

— Унда қассоб чақирай...

— Эй, тўхтанг! Қассоб кўрса мол ориқлайди. Ўзимиз эплаймиз.

Ҳаш-паш, дегунча ўн беш-ўн олти кило юк босадигани саромжонланди. Қолганлари, бари бир томорқага қамалди. Начора, кўчада қолдириб бўлмайди-ку! Хийла пуллик мол бўлса...

Эртаси кунни иягидан ўн-ўн беш дона соқол ўсан жиккаккина чол бир ўспирин йигитни бошлаб келиб қолди. Гўё экспертдай такаларни роса текширди. Гоҳ-гоҳ бошини сарак-сарак қилиб, нимадандир норозидай Фанишер акага қараб қўярди. Бир пасдан кейин ариқчадан жилдирабгина оқаётган сувга қўлини чайди-да, мез-бонларга яқинлашди.

— Далада юрган экан-да, ем емабди. Ориқ молни сотиш қийин...

— Эй, ака, ориқ деманг, танлаб-танлаб олганман. Ҳар бири ўн беш-йигирма кило гўшт қилади-я.

— Гапнинг барорини айтдим-да.

— Ҳа, қанча дейсиз?

— Энди, чамалаб кўрсам ўн учдан кўтаради, ўн тўрт-ўн бешга ўткаса бўлади.

— Чап ёнингиз билан турганмисиз, биродар, — Фанишер аканинг капалаги учиб кетди. — Ўзи ўн бешдан тушган-ку!...

— Сиз жим туринг, — зарда билан гапини бўлди Хушомон, — йўл пули-чи, қанақа ўн беш? Йигирма тўрт-йигирма бешга айланаяпти.

— Қараб турсам, сотадиган чўтларинг йўқ. Ҳай, майли, бизга рухсат, оладиган харидор ҳам топилиб қолар.

— Эй, шошманг-да. Бозор кўрган одам экансиз. Инсоф билан айтинг, қанчадан оласиз ўзи? — Хушомон нима бўлса ҳам тезроқ сотишга шошиларди. Мўмай даромад қилиш илинжи уни тинч қўймасди.

— Ука, қўлни беринг! Баракасини берсин, ана ўн етти, хўп денг энди. Сизники ҳам эмас, меники ҳам.

Хушомон гоҳ Фанишер акага, гоҳ такаларга илтижолари қаради. Такалар-ку гапирмайди, Фанишер ака ҳам яна қовун туширишдан чўчиб, оғзини очиб тураверди. Тортишув эса ҳали-замон тугайдиганга ўхшамасди.

— Сотиладиган мол, ака. Озгина кўшинг!

Харидор ўлғудай пухта экан, баракасини берсин, деб туриб олди. Ҳар қўлини силкиб барака сўраганида Хушомоннинг елкасидан нимадир узилгандай бўлаверди.

— Инсофингизни берсин, озгина кўшинг, қарз ҳавола қилиб олинган мол эди.

— Ўн саккиз, ана бўлди энди.


— Йигирма денг, бола-чақангизни роҳатини кўриб юринг, ака, йигирма денг.

— Бола-чақани ўртага кўшдингиз-да, бўлмаса рози эмасдим, бор барака.

Чеккадан кўз солган одам, гўё Хушомон мол сотмаяпти, ялинишидан молини қарз олган одамга бир амаллаб ўтказаяпти дерди. Нима қилсин, такаларни боқиб ҳам ем керак, хашак керак, ем эса пул туради. Шундай қилиб ўнтаси йигирмадан сотилди. Харидорлар олинган такаларни машиналарга юклагач, чол ўспиринга нимадир деди. Ўспирин ён чўнтагидан бир даста пул чиқарди-да, санаган бўлиб, бир қисмини чолга берди. Сотувчилар билди: чол харидор эмас, даллол экан.

Икки юз минг сўм Хушомоннинг қўлида, Фанишер ака бир амаллаб маблағни қўлга киритиш илинжиди. Ахир қарзини бир қисмини берса, ўлгурнинг устамаси ошиб кетмайди-да. Хушомоннинг эса бергиси йўқ.





— Ука, хабаринг бор, қарз олгандик. Элликка кириб бировдан қарз бўлган эмасман. Яна устамаси билан берди, ноинсоф. Шу пулни...

— Фанишер ака, сабрсиз бўлма! Ҳозирдан пулни ҳар томонга сочсак, қачон бойиймиз? Мол ана томорқангизда, бу — пул дегани. Албатта тўлаймиз қарзингизни, қолганини сотайлик!

Йўқ, бўлмади. У деса, бу деди, бу деса, у деди. Барибир пул Хушомонда қолди.

Хушомон харидор топиб келаман деганча, бир ҳафта қорасини кўрсатмади. Такалар эса томорқадаги экинларни еб тугатди. Ҳар дақиқада мантрагани етмагандай, айниган пивоға ўхшаш ҳид тарата бошлади. Бора-бора кўшниллар ҳам безор бўлди бундан. Балконда ўзи ясаган қўлбола сўрида хомуш ўтирган Фанишер акани кўрган Гули чеча гапга солди.

— Сиз ҳам ер чизмай ҳаракат қилинг-да, ахир.

— Нима қил дейсан?

— Ана, Миркомил қассобга учранг, бир-ярмини сотиб берар. Тўй, маърака қиладиганлар бор. Қолаверса, қариндош-уруққа ҳам айтиб кўринг!

Фанишер ака хаёлга толди: "Хотиннинг гапида жон борга ўхшайди. Бергандан ҳам, бермагандан ҳам бир сўра, деган гап бор. Мендан нима кетди".

Миркомил қассоб янги сўйилган ширбозни бўлак-лаб сихга илиб турган экан.

— Эй-эй-эй, ассалому алайкум, Фанишер ака, келинг-келинг, келинойимга бир қўлбола шўрва қилдирай, дебсиз-да, қайси бўлакни тортай? Ҳозир сўйдим, ўзиям ширбоз, мазза қиласиз.

— Шўрва бўлса қочмас, сенга бир юмуш билан келувдим...

— Ҳа, айтаверинг, қўлдан келса дўндирамыз.

— Хушомонни биласан-у, қариндошим, шу бизнес қилайлик девди...

— Агар қарз бўлса, сўрамаганингиз маъқул.

— Ҳа, йўқ, қарз эмас, шу десанг ўттизта така олиб келувди. Ўнтасини пулладик. Ўзингдан қолар гап йўқ, бир-ярмини сўйиб, сотиб берасанми?..

— Бе, а, мен эчки гўшти сотганимни кўрганмисиз? Кўни-кўшниллар нима дейди, ахир?!

Орага бир оз жимлик чўкди. Қассоб узоқ ўйлади. Бармоқларини қимирлатиб турди. Гуё Фанишер акага раҳми келгандек гап бошлади:

— Энди ака, гап бундай, Чорсуда танишларим бор, улар оптим сотади. Мен кечга кўнғироқ қилиб кўрайчи, агар омаднинг келиб мол олишмаган бўлса, хўп, дейишса сотасиз-қўясиз.

— Илоё, барака топ, ука. Бир ёрдам қилгин.

\* \* \*

Хушомон ахири Холмат ака савдо қиладиган бозорни топди. Акаси тушмагур, анча-мунча тадбиркор бўлиб олибди. Ўзи соя-салқинда чойхўрлик қилар, даллолар эса молни баҳолаб, харидорни унинг олдига бошлаб келар, ака нақд пулни санаб олиб, даллолга уч-тўрт сўм чой-чақа бериб қўярди.

— Эй-й, Холмат ака, ҳорманг!

— Хушомонбой, ўзингмисан, қани кел, ўтир. Иш юришдимми?

— Ҳа, такалар Фанишер аканинг қўрасида. Ўнтасини сотдим, йигирмадан кетди. Қолганига харидор керак.

— Им, харидор дегин. Пулини сотилгач олсанми ё дарров бериш керакми?

— Айтувдим-ку! Қарз-ҳавола қилиб оламан, деб. Фанишер аканинг хабари йўқ. Ҳали Хушомон такалар-

ни сотгани олиб келган, деб юрибди. Бир юзини бериб турса қолганини сотгандан кейин берса ҳам майли. Бугун пайшанбами, келаси чоршанбага молни олиб келаман. Озгина ишларим бор, битириб ҳам оламан.

— Майли, Хушомонбой, сен ҳам бегонамас, кечга тортиб хабар ол, ўзим бериб юбораман.

"Режалар амалга ошса, яна Оқтовга кетаман. Ҳовлидаги такалар туриб тургани маъқул. Чунки унда Фанишер аканинг ҳам улуши бор. Даромад бўлиниб қолади", дея ўйлади Хушомон.

— Аввал, ука, нархини келишиб олайлик, тагин ака-укачилик ўртасига совуқчилик тушиб юрмасин.

— Тўғри.

— Гап бундай, нархини биламан, бу ишнинг пири бўлиб кетдим. Фалон пулдан берасан, менгаям уч-тўрт сўм қолсин-да.

— Энди...

— Энди-пендини қўй, ука! Кўраёпсан, молни тепасида туриб савдолашиб сотаётганим йўқ. Йигирмадан ҳам сотаяпман, энди баъзида мўлжалга бораётгани ҳам бор, яшириб нима қилдим...

\* \* \*

Эртаси куни барзангидай келадиган иккита йигит хориж машинасида келишди. Бўйинларига алламбало темирларни тақиб олган, бирининг қўлида телефон, биттасининг қўлида ҳисоблаш машинкаси. Улар ҳам томорқага киришди, лекин такаларнинг яқинига йўлашмади. Зимдан кузатишди. Кейин ким биландир телефонда узоқ гаплашишди. Томорқадан қайтиб чиқиб:

— Пахан, молингиз яхши экан! Фақат нархига келишса бўлди, — деди.

Фанишер аканинг кўзлари ёниб кетди.

— Ўзингиз тушунгандирсиз, бизлар кўчада иш қиламиз. Ўн мингдан берасиз, ҳаммасини оптим оламыз.

— Барака топкурлар, яланғоч қилиб кетманглар-да мени ҳам.

— Агарот ўзингизникими?

— Томорқами, энди бўш, бекор ётган ер, фойдаланиб турибмиз-да...

— А йўқ, эчкиларни айтаяпмиз.

— Ўзимники бўлмай бировники бўлармиди?

— Беш мингдан улоқ беради бозорда, олти ой боқсангиз етилиб турибди. Беш минг чўнтакка қолади. А-а, пахан, хитирсиз, кўпроқ фойда кўрай, дейсиз-да.

— Ростини айтсам, биз ҳам сотиб олгандик. Ўзи ҳеч бундай иш қилмаганман. Бизнес қурсин, ойига беш юз минг фойда қиласан деса, лаққа ишонибман-а.

— Нархини айтинг, пачакилашиб ўтиришга вақт йўқ.

— Жилла курса, йигирмадан олинглар!

— Осмондасиз-у, ерга тушинг, ерга.

Бундай оҳангда гаплашиб ўрганмаган Фанишер ака қандай қилиб савдолашишни ҳам билмасди. Агар, шу ўлгур, қарзи бўлмаганда шу нархга бериб ҳам юборарди. Лекин экин-тикиндан ажрагани етмагандай, яна...

— Ўзларинг бир нима денглар!

Йигитлар бир-бирига қарашди, нималарнидир пи-чирлашишди.

— Пахан, гапнинг очиги, ўн учдан юқориси бизга тўғри келмайди.

— Еганларинг ҳалол бўлсин, барака топкурлар, ҳеч бўлмаса ўн бешдан, денглар.

Йигитларга Фанишер аканинг жовдираб қарашлари таъсир қилдими ё ростдан ҳам вақтлари йўқми, ишқилиб, ўн бешдан оладиган бўлишди. Фанишер ака ҳайрон, сотмай деса Хушомон бедарак кетди, сотай

деса, пули қарзга кетади. Шу пайт Миркомил қассоб келиб қолди. Йигитлар билан қучоқлашиб кўришди. Вазиятни билиб йигитларга нимадир, деди. Улар аввалига бошларини сарак-сарак қилишди. Бир оз тортишувдан сўнг розилик аломатини беришди.

— Фанишер ака, омадингиз бор экан, мен келиб қолдим, ўз нархига сотиб нима фойда кўрасиз, бир амаллаб кўндирдим, ўн олтидан беради, рози бўласиз.

Рози бўлмай қаерга ҳам борарди. Ахир такаларни нимасига боқади? Йигитлар пулни қассобга беришди. Қассоб пулни қайта санади-да, уч юз йигирмасини Фанишер акага берди, қолганини чўнтакка урди. Шу пайт, қутилмаганда, дўкончи кўшни қорасини кўрсатди.

— Эй, эй, эй, баракасини берсин, Фанишер ака. Бизнес мана бунақа бўпти-да! Анча пишиқ экансиз, мен сотолмайсиз, деб кўрқувдим. Қойил. Энди, қарз омонат, охиратгача елкада кетади, вақтида қутулсангиз савобга коласиз.

Шундай қилиб дўкончи кўшни қарзини устамаси билан қуртдай санаб олди.

Фанишер ака йигирма мингни у ёқ, бу ёғига қаради-да, кулимсираб ён чўнтагига солиб кўйди. Салмоқли қадам ташлаб, уйига чиқаётганида йўлда кўшниси, маҳалла кайвониси Ҳалима хола учраб қолди.

— Фанишербой, а, кўрпага қараб оёқни узатмайсизми? Сизнинг қозонингиз ҳар куни гўшт кўрса, биз такаларингизнинг сассигини ҳидлаб ётайликми?! Бу зормандаларни йўқотинг, кўшни!

— Сотдим, Ҳалима опа, сотдим. Бугуноқ болаларим томорқани тозалаб кўяди.

Фанишер аканинг хафсаласи пир бўлиб уйига кирди. Гули чеча аввалига мулойим оҳангда сўради:

— Адаси, неча пулдан сотдингиз, у-бу қолдими ишқилиб?

— Мана, йигирма минг, қолгани шу бўлди.

— Вой, ўлмасам, элликка кириб ҳам эсингиз кирмабди-да! Ҳар йили томорқадан олти қоп картошка, олти қоп пиёз, тўрт қоп сабзи олардик, яна болгар, помидор-чи, така ўлгур еб тугатди-ку! Бу очофатлар дарахтнинг пўстлогигача еб битирди. Сиз йигирма минг қолди деб озингизни очиб туравердингизми? Қирилиб кеткурларга айтинг эди, ҳеч қурмаса йигирма беш мингдан олсин эди...

Йўқ, Фанишер ака бошқа эшитмади. Балконга ўтди, сўрига чиқиб, бошини чопонига буркади-ю, ётиб олди. Лекин кўнгли безовталана бошлади. Сотиб чакки қилдими ё сотмай турса бўлармиди, бунга ҳам билолмади. Ичини тимдалаётган нарса бўзига қараб ҳаракат қилар, ҳар қанча югинса ҳам пастга тушмасди. Уйлаган сайин Хушомонни итдан баттар ёмон кўра бошлар, яна бир томондан унга ачиниб ҳам кўярди: “Ҳозир қаерда экан, ўзи ҳам ўйламай иш қилди-да! Мана энди қарзимни қутиламман, деб сарсон бўлиб юргандир”.

Шу пайт катта қизи чинни чойнакка чой дамлаб келиб қолди.

— Ада, аччиққина чой олиб келдим.

— Барака топ, қизим. Бу дейман бизнеси бизга тўғри келмас экан-да! Одамни имонсиз қилиб кўяр экан...

Қизи отасининг дардини янгилагиси келмади. Секингина ошхонага ўтди...

Хуриш НУРУЛЛАЕВ



## Баҳорнинг илк изи — бойгечак!

\* \* \*

Сўхбат қурди туи билан узоқ  
Сукунатни ёт билган ёмғир.  
Новдаларни тўтди қалтироқ —  
Тонг-ла кириб келди ел—чоңқир.

Сув бетида нур акси тилла,  
Булувлардан бўлса-да эҳсон,  
Шоҳлардаги томчилар билан  
Кўлмакларга ел кўяр нишон.

Тонг ёқтирар қалб бедорлигин,  
Наҳор яшаш каби бебаҳо.  
Ишонтирар жаннат борлигин,  
Ёмғир ҳидин таратган ҳаво.

\* \* \*


Толиққан кун юмар кўзини  
Ва тўнлари — оқшом эҳсонлар.  
Чақмоқларнинг кўриб юзини  
Булувларнинг кўзи ёшларлар.

Деразадан қочган нурларни  
Ўққа тутар садаф томчилар.  
Дайди шамол гапига кириб,  
Мажнунитоллар сойни қамчилар.

Уфққа, кўз ёшлари қуриб,  
Булувлар бош олиб кетарлар.  
Шоҳлардаги моҳир томчилар  
Кўлмакларга гуллар битарлар.

Юлдуз боғи ичра ярашиб,  
Ой осмондан санамдай боқар.  
Шоҳдан қочган томчи адашиб,  
Сукунатнинг эшигин қоқар.





Сассиз кириб келар тонг, таниб,  
Хаяжондан боғ қотган, карахт.  
Сўз айтолмай турар, ийманиб,  
Туни билан ювинган дарахт.

\* \* \*

Тонг отар, юлдузлар шамдек сўнади,  
Кўзларин ишқалар атроф жамоли.  
Ташна нигоҳимга келиб кўнади  
Тогларнинг бошдаги оппоқ хаёли.

Кўнгилини қитиқлар тонгги шаббода,  
Оппоқ кўйлагини кийган булутлар.  
Раққоса капалак ўйнаб ҳавода,  
Кўз очган чечакни ҳаёт-ла қутлар.

Майсалар баҳорнинг танида қони,  
Шабнамлар юлдуздан қолган ёдгорлик.  
Тоглардан югуриб тушган шўх сувга  
Дарё қирғоқлари қилади торлик.

Келиндек очилиб чиққан қуёшнинг  
Нурларин—торини чертар чумчуқлар.  
Дарахтлар оқ гулда, фақат шафтоли  
Шохларида порлар қип-қизил чўғлар.

Кетайлик, гар бу бахт бизларга насиб,  
Бош олиб уйларики тор хонасидан.  
Лолалар юзига лабимиз босиб  
Ўпайлик баҳорнинг пешонасидан.

\* \* \*

Тунлар ўнгим келар ойнинг юзидан,  
Юлдузлар сочини келар тарагим.  
Еллар оққан меҳр юлдуз кўзидан,  
Қалбимга етказар баҳор дарагин.

Томчилар — эшитилар туннинг юраги,  
Ойнинг кўшигидан сув бўларкан қор,  
Тариовдан томиши бир манзарки,  
Ўз-ўзидан лабинг шивирлар: "бахор".

Кейин бу шивирнинг буюк маъноси  
Борлигинга қондек таралар экан,  
Кўзингда уйғонар унинг навоси,  
Шодлик деган наво, яшиллик деган.

Қизинг кел дер, уйга босасан изинг,  
Маҳтайсан бекангни: "мазали ошинг",  
Ўйлайсан: Ой каби севимли қизинг,  
Баҳорга ўхшайди умр йўлдошинг.

\* \* \*

Изгириннинг синмай қаноти,  
Эримасдан нигоҳларда қор,  
Чақмоқ каби кўкка бўй отиб,  
Адирларда уйғонар баҳор.

Бойчечакдир у илк босган из,  
Жилга тоғнинг севинч ёшлари.  
Елкасида кўтарар ялтиз  
Адирнинг соғотган тошларин.

Хабарчилик касбини олган,  
Шудгорнинг нам ҳидин таратиб,  
Кўздан бери йўқолиб қолган  
Шабдалар келади қайтиб.

Қайтиб келар вафодор қушлар,  
Мусичалар ишқдан кўйлайди.  
Камалакни камондек ушлаб,  
Уфқлар ёмғирни ўйлайди.

Келинчақдек нозли, иболи,  
Тонглар тўғилганда беғубор,  
Қизариб гуллайди шафтоли —  
Чехрасини кўрсатар баҳор.

### САРАТОН

Ўйлару кўчалар ёниб тургандек,  
Ҳавода оқарган тандирнинг тафти,  
Майсалар баҳорни хаёл сургандек,  
Бошлари ҳам эгик, саргайган афти.

Сувталаб оғизда айланмас забон,  
Ўйлайман, ютганча оташ ҳавони  
Тандир — уфқларга тўташган осмон,  
Кўкда нурли қуёш — Самарқанд нони.

\* \* \*

Кўзларимни ёнди сочларинг ўйнаб,  
Ҳис қилдим, вужудинг менга эгилди.  
Бу даврон ўткинчи эканин ўйлаб,  
Сочларинг ҳидига жон бергим келди.

Омад билан қутлар телба орзуни  
Лабим дудогинга бўсалар бериб.  
Кўзларинг тўлайди қувонч назрини,  
Юзимга марварид томчилар териб.

Шодликдан йиғлама, асра кўз ёшини,  
Ҳали кўп ёшланар бурчини ўтаб.  
Чехранга термулай, кўтаргин бошини,  
Кўзларимни қайнар сочларинг ўртаб.

Қалб ишқ оламида армон билмаган,  
Севги-ёлғизликдан қутқарган ҳаким.  
Кўксингда икки тоғ, забт этилмаган,  
Устида бутунлай сузган кўкрагим.

Шодон кўз юмарман, сен мен туфайли  
Ўртамма, ҳовлида юр асо судраб.  
Кўз ёшинг бурчини ўтасин майли,  
Кўксингда тоғ сувсиз ўрқадек титраб.

\* \* \*

Юлдузлар кўзгуси — сойга тикилиб,  
Хаёлниг измидан чиқмай бир қадам,  
Танҳолик қафаси тордир-сиқилиб,  
Турибман чорасиз — хотирга қарам.

Тўлқинлар нон каби ушатар ойни,  
Майсалар кокилин тортиқлар еллар.  
Юзига юлдуздан хол кўйган сойни  
Тинч кўймас мажнунтол таққан кокиллар.

Нигоҳга чирмашар висоллар ёди,  
Ўтмиш хаёлимни тутар қамалда.  
Ҳижрон - ҳаётимнинг унсиз фарёди,  
Ўмид - юрагимга юпанч ҳам далда.

Булутлар қуршовга олади ойни,  
Зулмат сочларини юборар очиб.  
Ғаройиб шарпалар ваҳмидан сойни  
Тарк этар юлдузлар, қушлардай қочиб.

Севги хаёлидан ҳайшқар кўрқув,  
Кўнгилини ёритар умид чироғи.  
Ишқ — зулмат дунёсин ёритган тўйғу,  
Муҳаббат — оламнинг муқаддас боғи.

\* \* \*

Тонгни кўздан яширган туман  
Тоб беролмас қуёш нурига.  
Дарахтлар тузарлар анжуман  
Қушларни чорлаб ҳузурига.

Тонгдан ёдгор оппоқ булутлар  
Кафтида тутгандек қуёшни.  
Бойболадек гердаяр ўтлар,  
Ёнга олиб болишдай тошни.

Пешонадан терларин солиб,  
Аздаради тупроқни деҳқон.  
Ҳар ботганда қуёшни олиб,  
Сингдиради заминга кетмон.

Қизчамдай шўх еллар, олмай тин  
"Баҳор", дея ҳар томон елар.  
Мен баҳорнинг рангин кўшигин  
Қуёш каби кўйлагим келар.

\* \* \*

Ойдинликнинг кўшигин айтиб,  
Чиқиб келар уфқдан қуёш.  
Нигоҳларга ҳузур таратиб  
Гуллар сирли тебратоди бош.

Дарвиш каби беғам қушларнинг  
Овозида бахтнинг оҳанги.  
Асирига олар ҳушларни  
Майсаларнинг сеҳрғар ранги.

Ошиқларнинг висол онидай  
Хаяжоннок шабнам кўзлари.  
Онажонинг — меҳрибонингдай  
Шабданинги илиқ сўзлари.

Дунёда ҳеч бўлмагандек гам,  
Эслатар юрт жаннат жойини.  
Қиз тўй бўлган уйдек хотиржам  
Субҳидами баҳор ойининг.

\* \* \*

Юлдузлар жим турар, тутгандек мотам,  
Дуога қўл очган ой, ўқир омин.  
Қиш ўтган.  
Тонг чоғи бир куй самода —  
Турналар келтирар баҳор саломин.

Совитилган отдек ҳуркмас шамоллар,  
Кўйида совуқнинг синган қиличи.  
Кўзда қўлларидан айрилган толлар  
Қирғоққа саф тортган, гўё сой кечиб.

Сўқмоқлар тўлганар ялпизни қутиб,  
Ажриқлар турқини яширган қиров.  
Сойнинг саёз суви нафасин ютиб,  
Қуёшни пойлайди, қилмоқ учун ов.

# Сўзда сир бор, сеҳр бор

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича  
ўринбосари, шоир Минҳожиддин Мирзо  
билан суҳбат**

— Минҳожиддин ака, сизнинг фаолиятингиз бевосита ёшлар билан боғлиқ. Шу маънода суҳбатимиз аввалида бугунги ёшлар, хусусан ёш ижодкорлар руҳиятидаги ўзига хос жиҳатларга тўхталиб ўтсангиз.

— Ёшлик бу — Тангрининг одамзотга берган энг буюк инъомидир. Инсон вужудига тилсимлаган мўъжизаларнинг кўпчилиги айнан ёшликда намоён бўлади. Ёшлик бу — севиш, севилиш билан бирга ёниб яшаш, яратиш фаслидир. Назаримда ҳар бир авлод бу оламни ўзича янгилайди. Ёшларнинг орзулари, мақсадлари, мана шу йўлдаги интилиш ва изланишлари, қатъий ҳаракатлари дунёни нурлантиради. Биласиз, бугунги авлод — ҳар томонлама эркин, мустабид тузум чеклашларини кўрмаган, ҳар соҳада ўз фикри ва қарашларига эга. Энг муҳими улар бизга ва биздан аввалгиларга хос бўлган қимтиниш ҳиссидан йироқ. Ўз фикри, қарашини баралла айтиб, керак бўлса уни ҳар томонлама ҳимоя қилишга тайёр. Яна бир муҳим жиҳат бор: бугунги ижодкор ёшлар беш-олти йил аввалгиларга нисбатан қатъиятглироқ. Турмуш қийинчиликлари, машаққатларига ўткинчи бир ҳолат сифатида қарайди ва тинмай мақсад манзили сари интилади. Яна бир жиҳати — журъатлироқ, тadbиркорроқ...


Улар орасида ҳали нафақат шеър, ҳикоя, балки ёш бўлишига қарамай, дoston, саҳна асарлари, қисса, романлари билан устозлар эътиборига тушаётган ва ёки инглиз, француз ва бошқа жаҳон тилларидаги бадиий адабиёт намуналарини дадил ўзбек тилига ўтираётган, ҳатто ўз тилимиздан бошқа тилларга таржима қилаётганлари бор. Жумагул Холмирзаева, Беҳзод Фазлиддин, Салтанат Шодиева, Аъзамжон Обидов, Зумрад Ваҳобова, Бибиражаб Тўлаганова,



Беназир, Илҳом Раҳмон, Антонина Иплина, Шаҳноза Равшанова, Фарида Бобоҷонова, Насиба Юсупова каби бундай ёшларимиз жуда кўп.

Энг муҳими бугунги ёшлар дунёқараши кенг, хоҳ сиёсат, хоҳ иқтисод, тарих ва бошқа соҳалар бўлсин, ҳар борада эркин фикр юритиш қобилиятига эга. Компьютер билан дўстлашган, Интернет уммонида суза олади. Дунёнинг ҳар бир нафасидан хабардор. Улар яхши билан ёмонни, оқ билан қорани фикр, қиёс, мантиқ орқали ажрата олади. Бу жуда муҳим жиҳат. Бу ҳолни ижодкор ёшларимиз асарларида ҳам сезиш мумкин. Қани энди барча ёшларимиз ҳам мана шу даражада бўлсалар? Афсуски, жаҳон адабиёти у ёқда турсин, ўзбек адабий меросидан ҳам беҳабар, адабий жараёндан қалбан, руҳан анча четда, сўзни ҳис қила билмайдиган, шеърятнинг ҳаммага маълум қоидаларига ҳам риоя қилмайдиган, пишиб етилмаган дастлабки машқларини бир амаллаб китоб ҳолида чоп эттириб турли иддаолар қилиб юрадиган ёшларимиз ҳам бор. Биз уларга ҳам тўғри йўл кўрсатишимиз керак.

— Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ёшларнинг "Камолот" ижтимоий ҳаракати ҳамда Фафур Фулом нашриёти билан ҳамкорликда бир гуруҳ ёш ижодкорларнинг шеърлари жамланган "Ватаним деб сени уйғондим" ва сара ҳикоялари жамланган "Ёш юраклар ёлқини" китоблари нашр этилди.



## Ёшларнинг ижодий интилишларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириб туриш яхши натижалар беради, тўғри эмасми?

— Албатта, Юртбошимиз: "Бу заминда истеъдодсиз бола йўқ" дейдилар. Шу ўринда мен бир нарсага алоҳида ургу бериб айтмоқчиман. Бугунги маърифатли дунёнинг атоқли арбоб ва олимлари, нуфузли ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Президентини чин маънодаги ёшлар ҳомийси деб эътироф этадилар. Бу бежиз эмас. Юртбошимизнинг мана бу сўзларига эътибор беринг: "Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилса... бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас". Кўряпсизми, мақсаднинг улуғлигини. Шубҳасиз, бугун сизу бизнинг интилишларимиз ана шу улуғ мақсадга мувофиқ бўлиши керак.

Истеъдодни Худо беради, аммо уни ҳайрихоҳлик вояга етказди, дейдилар. Ёзувчилар уюшмаси ҳам устозларимиз бошчилигида ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш борасида баҳоли қудрат ҳаракат қилмоқда. Уюшма қошида "Она-жоним шеърият" тўғараги фаолият кўрсатади. Яқинда наср ва драматургия йўналишида қалам теб-ратаётган ёшлар ижомонлама қўллаб-қувватлаш маъносида "Умид" тўғараги ташкил этилди. Сиз юқорида қайд этиб ўтган китобларда қирққа яқин ёш ижодкорларнинг ҳикоя ва шеърлари чоп этилди. Ўзбекистон Миллий Университети қошида ташкил этилган Олий Адабиёт курси, Жиззах ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган ёш ижодкорларнинг "Зомин" анжумани ёшларга чинакам қанот бўлмоқда. Улар ўз ижоди билан устозлар имтиҳонидан ўтмоқда. Ёшларнинг ижод намуналарини таниқли шоирлар, ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, драматурглар таҳлил қилиб холис баҳо бермоқда, йўл-йўриқ кўрсатмоқда. Шу аснода улар Катта Адабиётни англамоқдалар. Устозлар кўмагида маҳоратини оширмоқдалар. Нуфузли давраларда иштирок этмоқдалар.

Оммавий ахборот воситаларида, хусусан "Шарқ юлдузи", "Ёшлик", "Гулистон", "Саодат", "Ёш куч", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Туркистон" каби нуфузли газета ва журналларда, Ўзбекистон Теле-радиокомпаниясининг "Ёшлар" теле ва радио каналлари, "Маънавият" студиясининг қатор адабий

кўрсатувларида дадил чиқишлар қилмоқдалар. Ижоднинг машаққати, "ширин азоби" билан биргаликда унинг завқини, роҳатини ҳам дилдан туймоқдалар. Бу эса уларнинг ўзига бўлган ишонч ва масъулиятини ошираётгир.

Ҳар йили Зулфия номидаги Давлат мукофотига "Зомин" анжумани қалдирғочи бўлган бир ёки иккита шоира қизимиз сазовор бўлаётган бўлса, бу йил ана шу анжуман тасдиғидан ўтган тўртта шоира қизимиз муносиб кўрилди. Ёки мана шу бир йил ичида "Зомин" анжумани иштирокчиси, Олий адабиёт курсида таҳсил кўраётган ёшларимиздан Шодмонкул Саломовнинг "Юрак иқлими", Фаҳриддин Ҳайитнинг "Илинж", Манзура Шамснинг "Қадр", Адиба Умированинг "Яшил тушлар", Муҳаммад Сиддиқнинг "Синиқ лаҳзалар", Ойгул Асилбек қизининг "Остона", Гулбаҳор Ортиқхўжаеванинг "Сунбула", Муҳиддин Абдусамаднинг "Ишқ бекати", Дилрабо Мингбоеванинг "Ёмғирзор" каби китоблари чоп этилди. Айтишингиз мумкин, бугун китоб чиқариш мушкул иш бўлмай қолди, ҳомий топса бўлди-да деб, йўқ булар ҳомий маблағи туфайли чоп этилган усти ялтироқ, ичи қалтироқ китоблар эмас, аксинча ижодкор сифатида шакллана бошлаган, адабиётга ўзининг янгича овози билан кiritиб келаятган ёш шоир ва ёзувчиларнинг китобларидир.

— Сўз — илоҳий

**Ижодкорлар ҳар доим янги мўъжиза.** Ижодкорлар ҳар доим янги сўз топиб айтишга интиладилар. Бугун сизнинг назарингизда ёшлар орасида сўзга эътибор ва муносабат қандай?

— Тўғри, сўз—мўъжиза. Сўзда сир ҳам, сеҳр ҳам бор. Сўздан таъсирлироқ восита йўқ. У Яратган томонидан одамзотга берилган жуда катта имкон. Аммо қийини, ҳамма ҳам ана шу имконни англай билмас экан-да. Шу боис сўз ҳамиша ҳам мўъжизакор бўлавермас экан. Айнан улуғларимиз жаҳонни лол этар даражада мўъжизалар яратган бу сўздан бугун айримлар кишининг энсасини қотирадиган (шеър дейишга арзимаиди) шакллар ясамоқдалар. Сўз айрим олди-қочди газета ва FM радиолари "ижодкор"лари, қўшиқдўз "шоирлар" тилида арзон, жуда арзон хомашёга айланиб қолмоқда. Бир сўз билан айтганда баъзилар сўзни увол қилмоқдалар. Қарангки, неча асрлар мобайнида қўшиқ шоирнинг шеъри, бастакорнинг мусиқаси, хофизнинг ижроси билан мукаммалашган. Бугун, XXI асрда аччиқ бўлса-да айтиш керак, шаклланган адабий аънаналар ва талабларни менсимайдиган, ҳатто яхши қўшиқ яратиш учун шеър шарт эмас, маълум маъноларни жам қил-



ган матн бўлса кифоя дея ўз ожизлигини яширишга уринадиган ёшлар ҳам пайдо бўлди. Бугун қайсидир маънода уларнинг бу иддаоларига кўникиб қолганга ҳам ўхшаб кетамиз. Ахир, давраларда ёки телевизор экранларида фалончи сўзи ёки кўшиқ матни пистончини деган сўзларга кўпам парво қилмай кўйдик-ку! Айрим шеърларни ўқиб, кўшиқларни эшитиб бу муҳаббат изҳор қиляптими ёки енгилтабиат бир қизга илмоқли гап ташляптими — билиб бўлмай қолди. Муҳаббат, севги, вафо, садоқат, висол каби ёғдули сўзларни қай аҳволга солмоқдалар. Биз ёшларни ҳам, ёш ижодкорларни ҳам ана шу йўллардан, таъсирлардан асрашимиз керакмасми?

Устозларимиз қалбидан ўзига хос сир, жозиба, дард уйғунлигининг ёрқин ифодаси бўлиб тўкилган ушбу сатрларга эътибор беринг:

*Дунё деган шундайин англаб бўлмас сир экан,  
Гоҳ кенг экан, гоҳида тўйнуқсиз қаср экан.  
Лекин инсон ҳамиша бир ҳисга асир экан,  
Нечун билмовдим аввал, биринчи муҳаббатим,  
Парво қилмовдим аввал, биринчи муҳаббатим.*

Ёки:

*Сизиндим ёр санамга ман,  
Муҳаббат саждагоҳида  
Билинг динсизлар осиймас,  
Муҳаббатсизлар осийдур.*

Ҳар бир инсоннинг кўнгил кўзларига нур бағишлайдиган, дардига, куйган бағрига малҳам бўладиган шеърлар, бу сатрлардаги сўзлар чин маънода илоҳий мўъжиза касб этади. Ҳақиқий шеър фалак тоқини ёритиб турган юлдузлар ўхшайди. Гўзаллигидан баҳраманд бўласан, лекин кўлинг етмайди. Шеърият осмони ҳар ким ҳам қўл узатса етаверадиган осмон эмас. Нур билан сояни, олмос билан оддий тошни фарқлашимиз керак.

— Назаримда, ўрни келиб қолди, суҳбатимизга алоқадор яна бир савол берсам: сизнингча шеър нима?

— Ҳазрат Навоийнинг назмга берган жуда тўлақонли жавоблари бор:

*Бўлмаса, эъжоз мақомида назм,  
Бўлмас эрди Тангри каломиди назм.*

Эъжоз—мўъжизакор, сирли, қудратли, таъсирли... Назаримда эъжоз мақоми деган каломни изоҳлаш учун бу сўзлар ҳам камлик қилаётгандай. Фикримча, Ҳазратнинг бу каломи ҳамиша, ҳар қачон дилимизда бўлиши керак. Чунки бу байтлар бизга шеърнинг шуур гавҳари, шаффоф туйғу, ҳайрат,

ҳасрат, ширин қайғу, қалб титроғи, соҳир бир даргоҳдан келаётган тоза ҳаво янглиғ бир мужда эканлигини англайтиб туради. Шеъриятнинг не эканлигига, унинг кўнгилда бунёд бўлиш каби сирли ҳолатига ҳали, назаримда, инсоният тугал жавоб, изоҳ топа олмаган бўлса керак.

*Маънос сўзлар кимни чорлайди,  
Ва ё кимга аталган бу байт?  
Эй шеърият, бунёдинг қайдан,  
Юракдаги меҳмонинг ким, айт?!*


— Ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш борасида яна қандай режалар кўзда тутиляпти?

— Ниятлар катта, ана шу ниятларга яраша ҳаракатларимиз бор. Устозимиз Абдулла Орипов катта давраларда ёниб, жўшиб шеър ўқиётган ёшларни кўрганда беҳад қувониб кетишига кўп бор гувоҳ бўлганман. Ана шундай кезлар "Қалай, яхши-а, эртанги адабиётимизни шулар гуллатади-да" деб қўядилар. Ёшларимиз Ватан, қолаверса дунё эътироф этган, Катта адабиётимиз дарғалари, устозларимиз қувончига сабаб бўладиган асарлар, шеърлар яратаётган экан, адабиётимизнинг келажаги албатта нурли бўлади. Режаларга келсак, келинг, олдиндан режаларни дастурхон қилиб мақтанганга ўхшаб қолмайлик. Имкон қадар устозлар раҳнамолигида, кўмаги ва мадади билан ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайверайлик. Зеро, меҳр билан парвариш қилинса ҳеч бир гунча гуллаш бахтидан бенасиб қолмайди.

Адабиёт майдони — муқаддас майдон. Навоийдан—Қодирийгача, Машрабдан — Чўлпонгача не не улуғ сиймолар ўтди. Бир сўз билан айтганда уларнинг ҳар бири бу майдонни нафақат ижоди, жони, қони билан поклаб, улуғлаб ўтди. Бугун улуғ устозларимиз, буюк адибларимиз бу майдонга нур бағишлаб турибди. Бу нур нафақат элимизга, бутун дунёга етгулик. Сизу бизга, ёш ижодкорларимизга ана шу устозларнинг йўлини, журъатини, шижоатини берсин. Ватанимиз, халқимизнинг бугунги ёшлардан умиди катта. Келажак олдида юзимиз ҳамиша ёруғ бўлсин. Устоз айтганларидек:

*Қудуқда сув азиз, тандирда-чи нон,  
Тоғларнинг бисоти неча-неча кон.  
Бел боғлаб майдонга чиқдингми, энди  
Сен ҳам бир каромат кўрсат, эй ўғлон!*

**Адиба УМИРОВА**  
суҳбатлашди.



Ориф ТҶҲТАШ



# СЕВГИЛИМНИНГ ҚАРИНДОШЛАРИ

## Ҳазиллар

### СЕВГИЛИМНИНГ ОНАСИГА

Синглингиизнинг ёноқлари ойдан ойдин,  
Лабларидан ранг олгандир гулчалар ҳам.  
Сизни кўриб, кўксимдаги юрак тойди —  
Синглингиизга ўшаркансиз бунчалар ҳам?!  
Кўзларингиз менга жуда қадрдондай,  
Ул нигоҳ ҳам мана шундай ҳуркак эди.  
Ишқ дегани сеҳрларга бой, о, қандай!  
Бугун гулшан, кечагина куртак эди.

Севгилимни эслатмоқда сўзингиз ҳам,  
Куйиб қўйгандайин бир хил бўй-бастингиз.  
Ахир севиб кўргансиз ўзингиз ҳам,  
Йўқса гапларимга кулиб қўймасдингиз.

Биласизми, синглингиизни кутиб-кутиб,  
Мен баъзида муштоқликда толар эдим.  
Чиқар бўлса қўлларидан бундоқ тутиб,  
Қучоғимга мана бундай олар эдим.

Кейин бундо-оқ силар эдим сочларини,  
Ўтирмасдим олди-қочди сўзин тинглаб.  
Сиз шекилли уяр бўлса қошларини,  
Кўзларига мана бундай босардим лаб.

У ҳам сиздай кипригини пирпиратиб,  
Лабларимни қитиқларди, ташналарди.  
Шу тариқа висол боғин гуркиратиб,  
Ўртамизда эркалашлар бошланарди.

...Эҳ, айтгандай, сизлингиз унутибман,  
Кечирасиз, шўх кувёнинг шўхлиги-да!  
Чақирганда чиқиб туринг опа, хўлми —  
Бугунгидай синглингиизнинг йўқлигида!

### СЕВГИЛИМНИНГ ОНАСИГА

Қизингизни бермадингиз мен шоирга,  
Эрингиз ҳам ёки битта шоирмиди?  
Мендан ортиқ узатасиз хўш, қаерга,  
Одам зоти қизин сотиб бойирмиди?!  
Кўп қадрдон бўлиб қолди уйларингиз,  
Шу томонга бошлайверар қадамларим.  
Балки мени лақма деб ўйладингиз,  
Воқийшингиз жимирлатар баданларим.

Қулоқ тутмай қизингизнинг кўнглига ҳам,  
Отвордингиз жойлаб уни палахмонга.  
Сизга қандай?  
Аммо менга қилар алам —  
Бориб тушди лапашанг бир сўлоқмонга.

Эл оғзидан тинглаганим, билишимча —  
Кувёнингиз севи нима — англамаскан.  
Лекин жонга малҳам бўлар бир тушунча,  
Ишқ дегани ҳеч қачон ёш танламаскан!

Сўзларимга ҳайрон бўлмай, қулоқ солинг,  
Тақдир ўзи тенг кўрибди сизни — бизни.  
Ҳеч бўлмаса энди менга берақолинг —  
Энг кенжангиз — шўх, эркатой  
қизингизни!

### СЕВГИЛИМНИНГ ОТАСИГА

Қийин бўлар экан ишқий қийноқдалик,  
Жаҳлим чиқса ўз-ўзимни койир эдим.  
Нечун менга қилмадингиз қайноталик,  
Безоримас, мен ҳам битта шоир эдим?!  
Қизингизга атаб ёзган шеърларим бор,  
Хоҳласангиз, кўрсатайин дафтаримни.  
Юрагимда очилмаган сирларим бор,  
Бугун унга айтмоқчийдим дардларимни.

Парвардигор узоқ қилсин ёшингизни,  
Амалларга ошаверсин тиловингиз.  
Бермадингиз менга қалам қошингизни,  
Бўлолмадим сизнинг машҳур кувёнингиз.

Сиз ҳам ахир севгандирсиз бирор қизни,  
Демак, ўтган бу азоблар бошингиздан.

Кўркмасам ҳам бўлади-я, энди сизнинг —  
Менга қараб чимирилган қошингиздан?!  
Шоирман-да, юракдаги борин дедим,  
Дамингизни олаверинг бафуржа, сиз.  
Фақат...  
Фақат шу иш билан келган эдим —  
Қизингизни бир лаҳзага чақирсангиз!

Шоирман-да, юракдаги борин дедим,  
Дамингизни олаверинг бафуржа, сиз.  
Фақат...  
Фақат шу иш билан келган эдим —  
Қизингизни бир лаҳзага чақирсангиз!

### СЕВГИЛИМНИНГ АКАСИГА

Айбга буюрмайсиз, бу кўнгул иши,  
Кўнгулга насиҳат қилиб бўларми?  
Ешликда бир бора севаркан киши,  
Севгини юракдан юлиб бўларми?

Ногаҳонда севдим синглингиизни ҳам,  
Тўғриси, ўзим ҳам кутмаган эдим.  
Нима ҳам қилардим алдаб сизни мен,  
Бошқа ҳеч ким қўлин тутмаган эдим.

Менга қовоғингиз уявермасдан,  
Яхшилаб эшитинг гап буюғини.  
Илож йўқ шу қизни менга бермасдан,  
Кўринг юзимдаги лаб бўёғини.

Бошида ҳаммаси ўзидан бўлди,  
Нуқул келаверди менинг ёнимга,  
Шунда юрагимга бир нима тўлди,  
Кейин хатлар ёзди менинг номимга.

Синглингиизга буткул ошиқман бугун,  
Муҳаббат аслида бир қувончли дард.  
Бармоқларингизни айламанг тузун,  
Мен ахир у қизга уйланишим шарт!

Бир неча учрашув ўтди орадан,  
Нега лабингизни бурасиз, ака?  
Давомини айтиб бўлмайди фақат,  
Қолганини айтсам... урасиз, ака!

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,



«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Mirkamol ODILOV

Minhojiddin MIRZO

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Botir UBAYDULLAYEV

**Bosh muharrir**

Sobir O'NAR

**Bosh muharrir o'rinbosari**

Luqmon BO'RIXON

**Mas'ul kotib**

Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay'ati:**

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yil-  
dan chiqqan boshlagan.

© "Yoshlik" № 2 (200) 2005 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining  
kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

## MUNDARIJA

**IJTIMOYIY ONG.DUNYOQARASH.YOSHLAR.**

**Qahramon QURONBOEV."Kamolot"ning kamoloti ..... 1**

**NAZM**

**QUTLIBEKA.Bulbul bilan tanishtir..... 4**

**Mahmud YOLDOSHEV.Yolg'izim sensan,Vatan ..... 23**

**Hol MUHAMMAD HASAN.Chashma chalar chanqovuz.. 33**

**Xurshid NURULLAEV.Bahorning ilk izi-boychechak ..... 42**

**Muhammad ISMOIL. Ovozim uchib ketdi ..... 18**

**NASR**

**Hulkar TO'YMANOVA. Ikki hikoya ..... 7**

**Orif HOJI. Chiniy kabutarlar ..... 20**

**Tolqin ESHBEK. G'alati noma..... 26**

**Yusuf XUDOYQUL. Zamonaviy ozbeklar..... 39**

**BIRINCHI UCHRASHUV**

**Mafura INOG'OMOVA, Feruza TO'YCHIEVA, Bobur**

**BOLQIEV. .... 24**

**Nargiza ASATBEK qizi. Men bilganim faqat she'r bo'ldi ... 38**

**XOTIRA VA QADRLASH**

**NAZARMAT. Xaloskor kuy (Voqeyiy hikoya) ..... 35**

**SUHBAT**

**Minhojiddin MIRZO. So'zda sir bor, sehr bor ..... 44**

**ADABIY TANQID**

**Zilola XO'JANIYOZOVA.**

**Mashaqqat va mahorat maktabi ..... 31**

**ELPUG'ICH**

**Orif TO'XTASH**

**Sevgilimning qarindoshlari..... 47**

### Muqovalarimizda

**1-betda: Bahor nashidasi.**

**2-betda: Muso Toshmuhammad o'g'li OYBEK 100 yoshda.**

**3-betda: Atoqli shoira, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan  
madaniyat xodimi Gulchehra JO'RAYEVA.**

**4-betda: O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan artist Mahmud  
NAMOZOV rahbarligidagi «SURXON» guruhi.**

Manzilmiz: 700000, Toshkent, Javoharlal Neru, 1-uy,  
Telefon: 133-40-83  
Bosishga 07. 04. 2005 yilda ruxsat berildi.  
Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob to'g'ri 6,0.  
Indeks 822 ISSN 0207-9137  
Jurnal 2003 yil 29 dekabrda Matbuot va Axborot agentligi  
tomonidan 072 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi deb  
izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi  
bosmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 58

Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.